

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент Молия институти

Н.Юлдашев, Д.Собиржонова, Ш.Тўлаганова

СТРАТЕГИК МЕНЕЖМЕНТ

Ўқув қўлланма

(бакалавриат учун)

**Тошкент
“IQTISOD-MOLIYA”
2008**

Юлдашев Н., Собиржонова Д., Тўлаганова Ш. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008, 151 бет.

Ушбу ўқув қўлланма иқтисодиёт соҳасида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, унинг мақсади қандай қилиб бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли фаолият олиб бориш ва унинг қонун-қоидаларига асосан ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларини ойдинлаштиришдир. Яъни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида қандай қилиб атроф-мухитдаги ҳаёт билан уйғуналашиб яшаш ва унда муваффақиятли ишлаш асосий тамойиллари амалий йўналишларда атрофлича ёритилади.

Тошкент Молия институтининг Илмий-услубий Кенгашида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган (2006 йил 22 июль 8-сонли мажлис Қарори).

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Х.Муродова,
и.ф.н., проф. Р.Ходжаев

Кириш

«Стратегия» атамаси юононча сўз бўлиб, «генералнинг санъати» демакдир. «Стратегик бошқариш» атамаси 1960-1970 йилларда юқори погонада амалга ошириладиган бошқаришни ишлаб чиқариш даражасидаги бошқаришдан фарқини ифодаламоқ учун кундалик ҳаётга кириб келди. Бундай фарқни ўтказиш зарурати биринчи навбатда бизнесни амалга оширишдаги ўзгаришлардан келиб чиқди. Жорий бошқаришдан стратегик бошқаришга ўтишнинг мөхиятини ифодаловчи бошғоя раҳбариятнинг атрофдаги ўзгаришларни ўз вактида сезмоқ ва таъсирга жавоб бермоқ заруратидир.

Стратегик бошқариш деганда фирманинг инсон салоҳиятига суюниши, ишлаб чиқариш фаолиятида истеъмолчи талабига кўра иш кўриши, ташкилотда тез мослашув ва ўз вактида ўзгаришларни амалга ошириш, узоқ истиқболда ўз мақсадларини сақлаб қолиш ва пировард натижада мақсадларга эришишга имкон берилиши тушунилади.

Мураккаблашиб борадиган ракобатли курашда корхона омон колиши учун стратегик бошқариш муҳим омил бўлишига қарамай, ташкилотлар стратегик ҳаракатда доимийлик бўлмаслиги оқибатида қўп ҳолларда бозор рақобатига бардош беролмай, мағлубиятга учраши мумкин. Стратегик бошқарувнинг йўқлиги, аввало қуйидаги икки шаклда гавдаланади.

Биринчидан, ташкилот ўз фаолиятини шундай режалаштирадики, гўё атрофидаги муҳит ўзгармайди, ўзгарса ҳам унда сифат ўзгариши рўй бермайди Стратегиясиз бошқаришда муайян ҳаракатларнинг режаси муҳитнинг ҳақиқий ҳолати амалда ўзгармайдиган қилиб тузилади. Экстрополяция усулига асосланиб, узоқ йилларга тузиладиган режаларнинг белгилари стратегик бошқариш бўлолмайди. Узоқ муддатли истиқболни кўра билиш бошқаришнинг муҳим таркиби аммо амалда мавжуд экстрополяция ва мавжуд муҳитнинг ҳолатини олдиндан башоратлаш стратегик бошқариш дегани эмас.

Стратегик бошқаришда ташкилот фаолият кўрсатаётган вактнинг ҳар бир онда келажакда эришмоқчи бўлган мақсадлари ўз ифодасини топади, яъни гўё келажакда туриб, ҳозирги даврга қараш амалга оширилади. Ҳозирги вактда ташкилот ҳаракати аниқланади ва рўёбга чиқарилади, режа эса ишлаб чиқилмайди ёки келажакда ташкилот нима қилмоғи керак деган савол туғилмайди. Бунда стратегик бошқаришга хослик шуки, ташкилотнинг келажакда исталлаётган ҳолати белгиланибина қолмай, атрофдаги ўзгариш

ларни сеза оладиган ва келажақдаги исталған мақсадларга эришиш имконини берадиган қобилият ишлаб чиқылади.

Иккинчидан, стратегик бошқариш бир қолипдаги бажарилади-ган иш тартиби ва схемаси эмас. Унинг ёзиладиган назарияси йўқки, маълум масалаларни ёки муайян ҳолатларда нима ва қандай қилиб ечиш кераклиги кўрсатилса. Стратегик бошқариш – бу бизнес ва менежментнинг маълум фалсафаси ёки мафкураси дейиш мумкин. Стратегик бошқаришни ҳар бир менежер маълум даражада ўзича ту-шунади ва амалга оширади. Албатта, қатор тавсиялар, коидалар ва стратегиянинг муаммоларини таҳлил қилишнинг мантиқий схема-лари ва танлаш имконияти мавжуд, шу билан бирга стратегик режа-лаштиришни ва стратегияни амалий рўёбга чиқариш ҳам мумкин.

I боб. СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИ

1.1. Стратегик менежмент фанининг предмети, вазифалари

«Стратегик бошқарув» термини юқори даражадаги бошқарувни ишлаб чиқариш даражасидаги жорий бошқарувдан фарқини акс эттириш учун 60-70-йилларда муомалага киритилган.

Стратегик бошқарув назариясининг нуфузли ишлаб чиқарувчилари томонидан таклиф этилган бир қанча таърифларни кўриб чиқайлик. Шендел ва Хаттен уни «ташкилотни атрофдаги мухит билан алоқасини аниқлаш ва ўрнатиш жараёни» сифатида тушунгандар. Ушбу жараён танланган мақсадларни амалга ошириш ва ресурсларни таҳсиллаш воситасида атроф-мухит билан кўнгилдаги дай муносабатларга эришиш ҳаракатларидан иборат. Хичченс бўйича «стратегик бошқарув – бу ташкилотни унинг атроф-мухити билан ўзаро таъсирини бошқариш воситасида ташкилот вазифаларини амалга ошириш мақсадидаги бошқариш жараёни». Пирс ва Робинсон стратегик бошқарувни «ташкилот мақсадига эришиш учун ишлаб чиқилган стратегияларни шакллантириш ва бажариш бўйича қарорлар ва ҳаракатлар тўплами» сифатида аникладилар. Стратегик бошқарувнинг у ёки бу аспектлари ва хусусиятларига кўпроқ эътибор берувчи бир қатор таърифлар бор.

Демак, стратегик бошқарувни ташкилотнинг асоси сифатида инсоннинг имкониятларига суюнвчи, ишлаб чиқариш фаолиятини истеъмолчилар талабларига йўналтирувчи, ташкилотда эгилувчан ва ўз вақтида ўзгаришларни амалга оширувчи бошқарув сифатида таърифлаш мумкин.

Стратегик бошқарув мураккаблашиб бораётган рақобат курашида муваффакиятга эришишнинг энг муҳим омили бўлишига қарамай ташкилот ҳаракатларида стратегиянинг йўқлигини кузатиш мумкин. Стратегик бошқарувнинг йўқлиги куйидаги икки шаклда намоён бўлди.

Биринчидан, ташкилотлар ўз фаолиятини атроф-мухит умуман ўзгармайди ёки унда катта ўзгаришлар бўлмайди деган фараздан келиб чиқсан ҳолда режалаштирадилар. Но стратегик бошқарувда ҳам ҳозирда, ҳам келажакда бўладиган аниқ ҳаракатлар режаси тузилади. Нимани ва қачон амалга оширишни ўз ичига олган узок муддатли режаларни тузиш дастлабки даврда келгуси йиллар учун ечим излаш, «узоқ йилларга» сотиб олиш – буларнинг барча-

си ностратегик бошқарувнинг белгилари. Узоқ муддатли истиқболни куриш бошқарувнинг жуда муҳим таркибий қисмидир.

Стратегик бошқарув холатида ташкилот атроф-муҳит ва ташкилот ҳаётининг шароитлари ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда келажакда кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун гўё келажакдан туриб ҳозирги пайтга назар ташланади. Ташкилот учун маълум келажакни таъминловчи ҳозирги даврдаги ҳаракатлар аниқланади ва амалга оширилади. Бунда стратегик бошқарув учун шу нарса ҳам характерлики, нафакат келажакда корхонанинг кўзда тутилган холати қайд қилинади, балки кўзда тутилган мақсадларга эришиш имкониятини берувчи атрофдаги ўзгаришларга акс таъсир кўрсатиш хусусияти ҳам ҳосил қилинади.

Иккинчидан, ностратегик бошқарувда ҳаракат дастурини ишлаб чиқиши ташкилотнинг ички имкониятлари ва ресурслари таҳлилидан бошланади. Бундай ёндашувда ташкилот фақат қандай миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ва бунда қандай ҳаракат қилишнигина аниқлаши мумкин. Ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳаражатлар миқдори фирма томонидан яратилган нархга жавоб бера олмайди, қандай миқдорда ва нархда маҳсулот сотиб олинишини бозор аниқлайди.

Стратегик бошқарув афзалликлар билан бир қаторда камчилик ва чекловларга ҳам эга ва булар ушбу бошқарув тури бошқа турлар сингари ҳар қандай вазифа ва масалаларни ҳал қилишда универсал қўллаш имконига эга эмаслигини кўрсатади.

Биринчидан, стратегик бошқарув ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда келажакнинг аниқ ва батафсил суръати, ифодасини бера олмайди. Стратегик бошқарувда шаклланувчи ташкилотнинг келажакдаги исталган ҳолати – бу унинг ички ва ташқи ҳолатининг батафсил тасвири эмас, балки келажакда корхона қандай ҳолатда бўлишига, бозор ва бизнесда қандай позиция эгаллашига, қайси ишбилармонлик гуруҳларига киришига ва ҳ.к. сифатидаги истакдир. Буларнинг барчасини ташкилот келажакда рақобат курашида ютиб чиқадими ёки йўқми деган саволга жавоб бериши лозим.

Иккинчидан, стратегик бошқарув процедура ва чизмалар йиғиндисидан иборат бўлиши мумкин эмас. Унда маълум масалаларни ҳал қилиш ёки аниқ вазиятларда нима ва қандай ҳаракат қилиш лозимлигини кўрсатувчи назария йўқ. Стратегик бошқарув – бу кўпроқ бизнес ва менежментнинг маълум фалсафаси ёки мафкурасидир. Ҳар бир менежер уни маълум маънода ўзича тушунади ва амалга оширади. Албатта, муаммоларни таҳлил қилиш ва страте-

гияни танлаш, шунингдек, стратегик режалаштиришни амалга оширишнинг бир қатор тавсиялари, қоидалари ва мантиқий чизмалари мавжуд. Лекин умуман олганда, стратегик бошқарув – бу ташкилотни стратегик мақсадларга етказишида юқори раҳбариятнинг сезигрлиги ва санъатининг симбиози, хизматчиларнинг юқори маракаси ва ижоди барча ходимларнинг ташкилот вазифаларини ба жаришда мақсадларга эришишнинг энг яхши йўлларини излашга фаол киришишидир.

Учинчидан, ташкилотда стратегик бошқарув жараёнининг амалга оширила бошланиши учун вакт ва ресурсларнинг катта харражати талаб қилинади. Стратегик режалаштиришни яратиш ва амалга ошириш зарур. Шунингдек, атрофни кузатувчи ва ташкилотни муҳитга киритувчи хизматларни яратиш зарур. Маркетинг, жамоа муносабатлари бўйича хизматлар ва ҳ.к. катта аҳамиятга эга бўлади ва йирик микдорда қўшимча харажатлар талаб қиласди.

Тўргинчидан, стратегик олдиндан кўра билиш хатоларининг салбий оқибатлари кескин кучаяди. Қисқа муддатда янги маҳсулотлар яратилганда, қўйилмаларнинг йўналиши кескин ўзгарганда, кутилмаганда бизнес учун янги имкониятлар вужудга келганда ва узок йиллар давомида мавжуд бўлган имкониятлар йўқолганда, но тўғри башоратлаш ва стратегик танловнинг хатоликлари ташкилотга қимматга тушади. Айниқса, фаолият юритишнинг номуқобил йўлининг башорати оқибатлари ёмон бўлади.

Бешинчидан, стратегик бошқарувни амалга оширишда асосий эътибор стратегик режалаштиришга қаратилади. Аслида эса стратегик бошқарувнинг асосий таркибий қисми стратегик режани амалга ошириш ҳисобланади. Бу биринчи навбатда стратегияни реализация қилиш имкониятини берувчи ташкилий маданиятни, мотивлаштириш ва меҳнатни ташкил этиш тизимларини, ташкилотда маълум эгилувчанликни яратишни ва ҳ.к.ни кўзда тутади. Бунда стратегик бошқарув жараёни режалаштиришга фаол тескари таъсир кўрсатади, бу эса бажариш босқичининг аҳамиятини янада оширади. Шунинг учун, агар ташкилотда стратегик режалаштириш ён тизими яратилган бўлса ёки уни бажариш учун имкониятлар бўлмаса, у стратегик бошқарувга ўта олмайди.

Стратегия умумий тарзда фирманинг мавқеини мустаҳкамлаш, истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган бошқариш режаси саналади. Аниқ стратегияни

танлаш ривожланишнинг мумкин бўлган турли йўллари ва усуслари ичидан энг мақбулини танлаб олиш демакдир.

Фирмани бошқариш режаси ўз ичига қуидаги асосий функция ва бўлинмаларни олади: тъминот, ишлаб чиқариш, молия, маркетинг, ходимлар, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар. Стратегия танлаш бу бизнес ечимлари ва рақобатбардошлилик ҳаракатларини ягона тизимга бирлаштириши англатади.

Стратегияни ишлаб чиқиш менежерларнинг асосий функцияларидан биридир. Баъзи менежерлар кучли стратегия ишлаб чиқадилар, бироқ уни ҳаётта тадбиқ эта олмайдилар. Бошқа менежерлар ўртача стратегия ишлаб чиқадилар ва уни мохирона амалга оширадилар ҳам. Стратегия қанчалик яхши ўйланган ва мохирона амалга оширилган бўлса, компаниянинг мавқеи ўнчалик кучаяди. Бошқариш яхши ташкил зтилган компаниялар ҳам кутилмаган ноҳуш вазиятларга дуч келади Пировард натижада яхши стратегия бозорда кучли мавқени эгаллаш, кутилмаган ҳолатлар, кучли рақобат ва ички муаммоларга қарамай, муваффакиятли ишлашга замин яратади.

«Менежмент асослари» курсидан бизга маълумки, менежернинг вазифаси қуидагиларни аниқлашдан иборат:

- биз қаердамиш?
- қаёққа кетяпмиз?
- фаолиятимизнинг мақсади нимадан иборат?
- мақсадга эришиш йўллари қанака?
- оптимал йўлни танлаш мезонлари нималардан иборат?
- пировард натижада қандай бўлиши керак?

Бу саволларга жавоб топиш келгуси бошқарув циклларидан фойдаланиш, мақсад ва натижаларни аниқлаш учун ўта мухим.

Стратегик менежмент компаниянинг узоқ муддатли мақсадлари ва фаолиятига тааллуқли. Айтиш мумкинки, стратегияни (ҳаракатлар тарзини) ва унинг аниқ воситаларини ифодалаш бошқарувнинг негизини ташкил қиласи ва компанияда менежментни яхши йўлга кўйилганинги кўрсатувчи энг тўғри белги бўлиб хизмат қиласи.

Стратегик менежментнинг мазмуни қуидагилардан иборат:

- фирма бизнесининг йўналиш ва асосий мақсадларини белгилаб олиш;
- фирманинг ташки мухитини таҳлил қилиш;
- ундаги ички вазиятни таҳлил қилиш;
- фирма ёки хўжаликнинг ўрта бўғинларида стратегияни танлаш ва ишлаб чиқиши;

- диверсияланган фирма портфелини таҳлил қилиш;
- унинг ташкилий тузилмасини лойихалаш;
- интеграция даражасини ва бошқарув тизимини танлаш;
- «стратегия - тузилма - назорат» мажмуасини бошқариш,
- фирма фаолиятининг байзи соҳалардаги сиёсати ва унинг феъл-атвор меъёрларини белгилаш;
- компания стратегия ва натижаларининг тескари алоқасини таъминлаш.
- стратегик тузилма ва бошқарувни такомиллаштириш (1-чизма).



1-чизма. Стратегик менежментнинг мазмуни.

Стратегия – ташкилотнинг ташкилий вазифа ва мақсадларига эришишда фойдаланиладиган ташкилий хатти-харакатлар ва бошқарувга мослашув тарзидир.

Компания стратегиясининг асосий таркибий қисмлари 2-чизмада келтирилган.

Компания стратегиясини белгиловчи харакатлар ва ёндашувлар тарзи		
Стратегияда сифат ўзга-ришларига интилиш.	Киска муддатли фойдага эришиш	Тармоклардаги шароитни ўзгартириш харакатлари
Асосий стратегияни аник тузишта интилиш	Бошқаришнинг функционал соҳаларидағи ечимлар	Узок муддатли ракобат мавқеини кучайтириш харакатлари
Компаниянинг ўзига хос муаммоларини ечиш харакатлари ва ички стратегик омиллар	Диверсификацияга ёндашувлар, янги тармоклар излаш	Маҳаллий ва хорижий ракибларга карши химоя харакатлари
Янги имкониятларни мустаҳкамлаш харакатлари (ИТТКИ, янги бозорлар сотиб олиш ва бошкалар).		

2-чизма. Компания стратегиясининг асосий таркибий қисмлари.

1.2. Фирма стратегиясини ишлаб чиқиши бўйича менежерларнинг вазифалари

1.2.1. Стратегик бошқарув структураси

Стратегик бошқарувни бешта ўзаро бoggланган бошқарув масалаларининг динамик мажмуи сифатида кўриш мумкин. Бу жараёнлар бир биридан келиб чиқади. Бироқ барқарор тескари алоқа ва демак ҳар бир жараённинг бошқаларига ва уларнинг бутун йигинидисига тескари таъсири мавжуд. Бу стратегик бошқарув тизими нинг муҳим хусусияти хисобланади. Стратегик бошқарувнинг структураси схематик тарзда 1-расмда кўrsатилган.



1-расм. Стратегик бошқарув структураси.


1.2.2. Мухит таҳлили

Мухит таҳлили, одатда стратегик бошқарувнинг бошланғич жараёни ҳисобланади, чунки у фирма мақсадларини аниқлаш ва ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос яратади. Мухит таҳлили унинг икки қисмини ўрганилишини кўзда тутади:

1. Ташқи мухит.
2. Ички мухит.

Ташқи мухитни таҳлил қилиш воситасида раҳбарият ташқи омиллардан фирма учун келадиган имкониятлар ва хавфларни аниқлаш мақсадида назорат қиласди. Хавф ва имкониятларни, одатда еттига соҳага бўлиш мумкин. Булар иқтисодиёт, сиёсат, бозор, технология, рақобат, халқаро вазият ва ижтимоий соҳалар ҳисобланади (2-расм).

Иқтисодиётнинг жорий ва башоратланётган ҳолати ташкилот мақсадларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Иқтисодий мухитдаги баъзи омиллар (инфляция ва дефляция суръатлари, бандлик даражаси, халқаро тўлов баланси ва бошқалар) доимий тарзда баҳоланиши лозим. Ушбу омиллардан ҳар бири фирма учун хавф ёки янги имконият түғдериши мумкин. Бирон ташкилот учун иқтисодий хавф бошқаси учун имконият бўлиши мумкин.



2-расм. Ташқи мухит омиллари.

Бизнес ва тадбиркорлик фирмалари етакчиларининг сиёсий жараёнда фаол иштирок этиши давлат сиёсатининг ташкилотлар учун муҳимлигининг кўрсаткичидир. Аниқроғи, раҳбарият меъёрий хужжатларни, узоқ муддатли қўйилмаларни молиялаштириш учун хукуматнинг кредитларини, ишчи кучини ишга олиш бўйича чекловларни

ва ссудани олиш имкониятларини, шунингдек, бошқа мамлакатларга қарши йўналтирилган ёки бошқа давлатлар билан тузилган тарифлар ва савдо бўйича келишувларни кузатиб бориши лозим. Ҳукумат ишбилиармонлик масалаларида доим ва фаол иштирок этаётганлиги учун ташкилотлар сиёсий фаолиятни кузатиб боришлари керак.

Ўзгарувчан бозорнинг ташқи муҳити ташкилотлар учун доимий хавотирлик пайдо қиласди. Бозорнинг ташқи муҳити таҳлилига ташкилотнинг муваффакият ёки зарап кўришига бевосита таъсир кўрсатувчи кўп омиллар киради. Бу омилларга турли буюм ва хизматларнинг ҳаёт даврлари, ўзгарувчан демографик шарт-шароитлар, бозорга киришнинг осонлиги, аҳоли даромадларининг тақсимланиши ва тармоқдаги ракобат даражаси киради. Мисол учун, АҚШ ва Канадада аҳоли турмуш даражасининг ошиши янада афзалроқ товарларга талабни келтириб чиқарди. Ушбу талабни қондириб, «Клаб Мед» сингари фирмалар катта ютуққа эришди.

Технологик ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ташкилотни ютқазувчи ракобат ҳолатига тушириб қўйиши мумкин. Технологик ташқи муҳит таҳлили энг камида ишлаб чиқариш технологиясидаги ўзгаришларни, товар ва хизматларни лойиҳалаштиришда ва тақдим этишда ЭҲМларни қўллаши ёки алоқа воситалари технологиясидаги муваффакиятлар, ютукларни ҳисобга олиши мумкин. Ҳамма ташкилотлар ҳам тезкор илмий-техник тараққиёт таъсирига тушмайди. Бирок раҳбарият технологик ташқи муҳитдаги қайси омиллар омад олиб келиши мумкинлигини аниқлаши даркор. Қоғоз ҳалтачалар ишлаб чиқарувчи тармоқ доим нисбий барқарорликка эга бўлган. Лекин охирги йилларда пластик ҳалтачаларни ишлаб чиқариш технологиясидаги ютуклар нефть баҳосининг барқарорлашуви билан биргаликда (пластик буюмларни ишлаб чиқариш нефт маҳсулотларига асосланган) ушбу тармоқ учун маълум муаммоларни келтириб чиқарди. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда қоғоз саноатининг ютуғи қисқа даврда кескин ўзгаришларга унинг акс таъсири ни кўзгуси бўлади.

Кўпчилик йирик фирмалар ва минглаб кичик компаниялар ҳалқаро бозорда фаолият юритадилар. Рақобат бугун ушбу кенг муҳитдаги ўзгаришларни доим назорат қилиши ва баҳолаши лозим. Ҳавф ва имкониятлар хом ашё материалларига осон эга бўлиш, мамлакатларда валюта курслари ва сиёсий қарорларнинг ўзгариши натижасида вужудга келиши мумкин.

Фирманинг умумий стратегияси ёки ҳукумат сиёсатининг бошқа мамлакатларга тааллукли бўлган қисми компания ёки тармоқни ҳимоя қилиш ёки кенгайтириш бўйича ҳаракатларни кўзда тутиши мумкин. Рақобатчилар томонидан танланган стратегия олдидаги фирманинг ўз стратегияси ички бозорни мустаҳкамлаш, хорижий рақиблардан давлат ҳимоясини излаш ёки ҳалқаро активликни кенгайтиришга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Хеч қайси ташкилот ўз рақибларининг мавжуд ва мумкин бўлган акс таъсирини эътиборга олмаслиги мумкин эмас. Портер Майлкл (профессор) ракиб деган объект таҳлилини раҳбарият жавоб бериши керак бўлган аниқ саволларга ажратади: «Ракиб нимага асосланиб фаолият юритмоқда?», «Ракиб нима қиляпти?» ва «У нима килиши мумкин?» рақиб таҳлилида тўрт диагностик унсур мавжуд: 1) рақиблар келажак мақсадларининг таҳлили; 2) рақиблар жорий стратегиясини баҳолаш; 3) мазкур рақиблар фаолият юритаётган тармоқ обзори; 4) рақибларнинг кучли ва заиф томонларини чуқур ўрганиш. Раҳбариятга ушбу унсурларни батафсил ўрганишида ёрдам бериш учун Портер тўртта оддий саволнни таклиф этади:

1. Рақиб ўзининг ҳозирги ҳолатидан қониқадими?
2. Рақиб стратегияда қандай мумкин бўлган, эҳтимолий ўзгаришларни амалга оширади?
3. Рақибнинг заиф томони нимада?
4. Нима рақиб томонидан энг иирик ва самарали жавоб чоратадбирларга олиб келади?

Ихтимоий омиллар жамиятнинг ўзгараётган кутишлари, муносабатларини ўз ичига олади. Ҳозирги кунда муҳим омилларга тадбиркорликка муносабат, жамиятда аёллар ва миллий камчиликларнинг ўрни, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳаракати киради. Баъзида айнан ихтимоий омиллар ташкилот учун энг катта муаммоларни туғдиради. Ихтимоий омилларнинг ўзгаришларига самарали акс таъсир кўрсатиш учун корпорациянинг ўзи янги атроф-муҳитга мослашган ҳолда ўзгариб бориши лозим.

Ташки мухит таҳлили ёрдамида ташкилот ўзи мазкур мухитда тўқнашаётган хавф ва имкониятлар рўйхатини тузиши мумкин. Рўйхатдаги омилларнинг кутилаётган салбий ҳолатлардаги улуси (мазкур ташкилот учун ҳар бир омилнинг аҳамияти ўзгартириш учун) ва унинг ташкилотга таъсирини баҳолашни ўз ичига олади.

Рўйхатдаги омилларнинг таҳлилидан кейин раҳбарият ташкилотнинг кучли ва заиф томонларини баҳолаши лозим. Муваффаки-

ятли бошқарув учун раҳбарият ташкилотнинг ички мавжуд имкониятлари ва камчиликлари, шунингдек, ташқи муаммолари ҳақида түлиқ тасаввурга эга бўлиши шарт.

Раҳбарият тўқнашадиган кейинги муаммо фирманинг ташқи имкониятлардан фойдаланиши учун ички кучларга эгалиги, шунингдек, ташқи хавфлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни мураккаблаштириш мумкин бўлган ички заиф томонларни аниқлаш хисобланади. Ички муаммолар диагнозини амалга оширувчи жараён бошқарув текшируви дейилади. У ташкилотнинг стратегик жиҳатдан кучли ва заиф томонларини аниқлаш учун мўлжалланган услубий баҳолашдан иборат.

Соддалаштириш мақсадида текширувга бешта функция-маркетинг, молия (бухгалтерия хисоби), операциялар (ишлаб чиқариш) инсон ресурслари, корпорация маданияти ва тарзини киритиш тавсия этилади.

Маркетинг функциясини текширишда таҳлил килиш учун еттига умумий соҳалар эътиборга молик:

1. Бозор улуши ва рақобатбардошлик.
2. Буюмлар ассортиментининг турли хиллиги ва сифати.
3. Бозорнинг демографик статистикаси.
4. Бозор текширувлари ва янгиликларни ишлаб чиқиш.
5. Мижозларга сотувдан олдин ва ундан кейин хизмат кўрсатиш.
6. Самарали сотув, реклама ва товарни бозорга олиб кириш.
7. Фойда.

Молиявий ҳолат таҳлили ташкилотга фойда келтириши ва стратегик бошқарув жараёнининг самарадорлигини оширишга ёрдам бериши мумкин.

Молиявий ҳолатнинг батафсил таҳлили ташкилотдаги мавжуд ва потенциал ички заиф томонларни, шунингдек, ташкилотнинг рақибларига нисбатан ҳолатини кўрсатиши мумкин. Молиявий фаолиятни ўрганиш раҳбариятга узоқ муддатли истиқболда ички кучли ва заиф томонларни очиб бериши мумкин.

Фирманинг узоқ фаолият юритиши учун операцияларни бошқариш (корхонада ишлаб чиқаришни бошқариш)нинг узлуксиз таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Куйида операцияларни бошқариш функциясининг кучли ва заиф томонларини текширишда жавоб бериш зарур бўлган байзи саволлар келтирилган:

Рақибларимизга нисбатан ўз товар ёки хизматларимизни пастроқ нархда ишлаб чиқаришимиз мумкинми? Агар йўқ бўлса, ўхщаш нимага?

Мол етказиб берувчиларнинг чекланган сонига боғлиқмизми?
Ускуна (кувват)ларимиз замонавийми?

Харидлар моддий захиралар миқдори ва буюртмани бажариш вактини камайтиришга мўлжалланганми? Кираётган материаллар ва чиқиб кетаётган буюмлар устидан назорат қилишнинг ўхшаш механизмлари мавжудми?

Махсулотимизга даврий тебранишлар таъсир кўрсатади ва бу ишчиларни вактингачалик ишдан бўшатишга мажбур қиласдими?

Рақибларимиз хизмат кўрсата олмайдиган бозорларга биз хизмат кўрсата оламизми?

Сифатли назорат қилиш тизимига эгамизми?

Ишлаб чиқариш жараёнини қанчалик самарали режалаштиридик ва лойиҳалаштиридик? У янада яхшиланиши мумкинми?

Ташкилотдаги кўп муаммоларнинг манбалари охир-оқибатда инсонларда топилиши мумкин. Ҳар қандай ташкилотнинг инсон ресурслари функциясининг кучли ва заиф томонларини текширганда бир қатор масалалар ҳисобга олиниши лозим. Куйидаги жадвалда бугунги кунда ташкилотлар тўқнашаётган инсон ресурслари билан боғлиқ бўлган қатор муаммолар келтирилган.

1- жадвал

Инсон ресурслари билан боғлиқ баъзи муаммолар

1. Ҳозирги кунда бизнес соҳасида ишлаётган ходимларни қандай тавсифлайсиз ва келажакда улардан нима талаб қилинади?
2. Юкори раҳбариятнинг омилкорлиги ва тайёргарлиги канака?
3. Мукофотлашнинг самарали ва рақобатбардош тизимига эгамизми?
4. Бошқарув лавозимларини ўтказиш тартибини режалаштиридикми?
5. Раҳбар ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдан самарали фойдаланяпмизми?
6. Охирги пайтларда етакчи мутахассисларни йўқотиш ҳоллари бўлдими? Агар бўлган бўлса, нима учун?
7. Қачон охирги марта персонал фаолиятини баҳолаш тизимининг батафсил таҳлилини ўтказдик?
8. Сифат тўғараклари ёки ходимларнинг бошқарувда катнашишидан фойдаланиш орқали буюмлар сифати ва ходимлар ишини яхшилашимиз мумкинми?

Ушбу саволларнинг ҳар бирини батафсил ўрганиш орқали раҳбарият потенциал заиф соҳаларни аниклаши ва уни бартараф этувчи чораларни кўриши мумкин.

Агар ташкилот малакали ходимларга ва мақсадлари асосланган раҳбарларга эга бўлса, у ҳолда ташкилот турли муқобил стратег-

гияларга амал қилиши мүмкін. Акс ҳолда ушбу заифлик ташкилоттинг келажақдаги фаолиятига хавф солиш әхтимоли катта.

Бевосита юкори раҳбарият жавобгар бўлган омилларни ҳам ажратиш мүмкін. Улар фирма ички ва ташқи ҳолатининг нормал фаолиятини сақлаб туриш учун раҳбарият шуғулланиши лозим бўлган муҳим масалаларни ўз ичига олади. Бу ноанъанавий омиллар ташкилоттинг узоқ муддатли истиқболда муваффакиятли фаолияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Уларга корпорациянинг маданияти ва имижи киради. Та什килотдаги атмосфера ва иқлим корпорация маданияти дейилади. Маданият ташкилотдаги урф-одатлар, анъаналарни акс эттиради. Раҳбарият бу маданиятдан маълум тоифадаги ходимларни жалб қилиш ва маълум турдаги ўзини тутишни рагбатлантириш учун фойдаланади. Корпорация имижи ходимлар, мижозлар ва бутун жамоат фикри ёрдамида яратилувчи тасаввурга тегишилдири. Бу таассурот мижозларни маълум фирмалардан товарларни харид қилишга рагбатлантиради.

Фирманинг маданияти ва имижи компания обрўси билан мустаҳкамланади ёки сусаяди.

Корхона фаолияти шарт-шароитини баҳолашнинг бир нечта усули мавжуд. Энг тарқалган ва танилганлардан бўлиб СВОТ-таҳлил (SWOTдан олинган: куч (strength), заиф томон (weakness), имкониятлар (opportunities), хавф-хатарлар (threats)) ва СТЕП-таҳлил (sterdan олинган: ижтимоий (social), техник (technical), иқтисодий (economic), сиёсий (political) омиллар ҳисобланади. СВОТ-таҳлил асосида ташқи мухит таҳлилини ўтказиш услубини қисқа кўриб чиқамиз.

СВОТ-таҳлил икки қисмдан иборат:

1) корхона учун ҳозир ва келажақда вужудга келиши мүмкін бўлган ташқи имкониятлар ва хавфлар ўрганилади;

2) корхонанинг кучли ва заиф томонлари ўрганилади. Бунда корхона потенциал баҳоланади.

Корхонанинг кучли (юкори малака, омилкорлик, мос технология, харидорларда яхши обрўга эга бўлиши, харажатлар, ракобат соҳасидаги устунлик, ўхшащ молиявий ресурслар ва ҳ.к.) ва заиф (аниқ стратегик йўналишларнинг йўқлиги, эскирган ускуналар, тор ишлаб чиқариш ассортименти, паст маркетинг имкониятлари, бозор ва ракиблар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслик ва ҳ.к.) томонлари, шунингдек, имкониятлари (янги бозорларга чиқиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, инвестицион фондларнинг қизиқиши, истеъмол бозорининг тўйинмаганлиги ва ҳ.к.) ва хавф-хатарлари (ян-

ги рақибларнинг пайдо бўлиши, ўринга-ўрин маҳсулот сотувининг ўсиши, хукуматнинг нокулай сиёсати, харидорлар эҳтиёжлари ва дидларининг ўзгариши, нокулай демографик, иқтисодий, ижти-моий ва бошқа ўзгаришлар ва ҳ.к.нинг аниқ рўйхати тузилганидан сўнг улар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш учун СВОТ матрицаси тузилади (3-расм).

	Имкониятлар	Хавф-хатарлар
	1. 2.	1. 2.
Кучли томонлар 1. 2.	КУИ майдони Куч ва имкониятлар	КУХ Кучли томонлар ва хавф- хатарлар
Заиф томонлар 1.	ЗАИ Заиф томонлар ва имкониятлар	ЗАХ Заиф томонлар ва хавф- хатарлар

3-расм. Омиллар ўртасида алоқа ўрнатиш учун тузилган СВОТ матрицаси.

Бўлимлар кесишиш нуқтасида тўртта майдон ташкил топади: «КУМ» (Куч ва имконият); «КУХ» (Куч ва хавф); «ЗАИ» (Заиф томонлар ва имконият); «ЗАХ» (Заиф томонлар ва хавф). Ушбу майдонларнинг ҳар бирида текширувчи барча мумкин бўлган жуфт комбинацияларни кўриб чиқиб, ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиша хисобга олиши лозим бўладиганларини ажратиши керак. «ЗАИ» майдонидаги жуфтликлар учун вужудга келган имкониятлар хисобига ташкилотдаги заиф томонларни енгиш стратегияси тузилиши лозим. Худди шундай: «кух» да ташкилот кучини хавфни бартараф этиш учун ишлатиш, «зах»да заиф томондан кутилиш ва хавфни олдини олиш стратегияси, «кун» да кучли томонларни ташки мухитдаги имкониятлардан фойда олиш учун ишлатиш стратегияси.

Ташқи ва ички мухит таҳлили натижаларини хисобга олган ҳолда ташкилот мақсади аниқланади.

1.2.3. Мақсадларни аниқлаш

Мақсад ва вазифаларни аниқлаш учта кичик жараёнлардан иборат. Биринчи кичик жараён фирманинг вазифасини аниқлашдан иборат. Бу вазифа фирманинг фаолият юритишини мазмунини ифодалайди ва бу ташкилотда ишловчи одамларга уларнинг жорий

хатти-ҳаракатларига истиқбол нуқтаи назаридан маълум маъно, мазмун бериш имкониятига эга.

Ташкилот фаолиятига манфаатлари таъсир этувчи одамлар гурӯҳи (демакки, фирма вазифалари аниқланишида ҳисобга Олиниши лозим манфаатлар эгалари) бўлиб ташкилот эгалари (таъсисчилари) ходимлари, ташкилот маҳсулотларини сотиб олувчилар, фирманинг ҳамкорлари, маҳаллий жамоат ва бутун жамият ҳисобланади. Вазифада ҳар бир субъект манфаатларининг намоён бўлиш даражаси бевосита ташкилот катта-кичиклигига, қайси бизнес тури билан шугулланишига, қаерда жойлашганлигига ва ҳ.кларга боғлиқдир.

Кейин узоқ муддатли мақсадларни аниқлаш кичик жараёни бошланади. Стратегик бошқарувнинг ушбу қисми қисқа муддатли мақсадларни аниқлаш билан тугалланади. Фирманинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш фирма нима учун фаолият юритаётганлиги ва нимага эришмоқчилиги аниқланишига олиб келади. Буни билиб эса ўзини тутиш стратегиясини тўғри танлаш мумкин.

Вазифа ўзида нимани ва қандай муддатларда ташкил қилиши лозимлиги ҳақида аниқ кўрсатмаларни мужассамлантираслиги лозим. У ташкилот ҳаракатининг асосий йўналишларини кўрсатади.

Европа, айниқса, Америка корхона ва ташкилотлари потенциал харидорлар ҳамда ўзига нисабатан жамиятнинг яхши муносабатини мустаҳкамлаш учун ўзаро рақобатлашиш жараёнида максимал даражада шаффоф бўлишга ҳаракат қиласидар.

Вазифани шакллантириш корхонанинг ҳақиқий мақсадларини кўзда тутишини амалиёт кўрсатмоқда, шунинг учун бу дастак энг аввало, раҳбарларни қизиқтириши лозим. Вазифа шундай шакллантирилиши лозимки, у ташки мухитда сифат ва ишончлилик жиҳатидан бошқалардан ажратиб турувчи ташкилотнинг жорий ютуқларини акс эттиурсин ва келажакдаги интилишларни ифода этсин. Бунда вазифа стратегик мўлжалларни аниқлайди ва тактик йўналишларни кўрсатади, улар ўз навбатида, ташкилот ички мухити учун ўзига хос вазифа бўлади.

Компания вазифасини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

Компания вазифаси = тасаввур + кредит. «Тасаввур» атрофдалар тасаввурнида компания қиёфасини шакллантиришга йўналтирилган. Унинг асосини компаниянинг бозордаги обрўси (жорий ютуқлар) ва компания ўзига ташки мухитда таъминланмоқчи бўлган имиж (келажакдаги интилиш) ташкилот этади. Тасаввурнинг асо-

сий мазмуни «Бу қандай ташкилот»? саволига жавобдан иборат. Бу ерда, одатда, компания фаолиятининг соҳаси, асосий товар ва хизматлари, истеъмолчи гурухлар, фаолиятнинг географик жойлашуви каби тушунчалар берилади. «Кредо», ўз навбатида, компанияга ички бутунликни беради ва ходимларда умумкорпоратив мақсадларга эришиш қизиқишини оширишга мўлжалланган. У компаниянинг дунёкарашини (стратегик мўлжаллар) ва асосий қараш, нуктаи назарини (тактик йўналишлар) ифодалайди. Кредо «Ташкилот нимага интиломоқда»? саволига жавоб беради. Бу ерда асосий эътибор фалсафа, бойликлар тизими, ички маданият, рақобатбардошлик асосига қаратилади.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда корхона ёки ташкилот вазифасининг асосини ташкил этиши лозим бўлган унсурларни ажратиш мумкин. Булар:

ном ва статус;
товар ёки хизмат;
стратегик мўлжал;
манфаатдор гурухлар;
ракобатбардошлик асоси.

Вазифа унсурларининг кетма-кетлиги ва мазмуни, шунингдек, вазифа шакли, ўзгариши каби кўп омилларга боғлиқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам вазифа ифодаси корхона тарихи, обўси ва имижи билан мувозанатда бўлиши лозим. Бунда истеъмолчиларга ўз «ваъдлари»ни айтишдан аввал, иқтисодий субъект уларни бажариш учун ўз кучи ва ресурсларининг етарлилигини баҳолаши керак. Мақсадлар энг камида реалистик ва эришиладиган бўлиши лозим.

Режалаштиришнинг замонавий назариясида ҳар бир корхона ўзининг асосий мақсадларини аниқлайдиган фаолиятнинг саккизта асосий соҳаси ажратилади. Булар – корхонанинг бозордаги ўрни, инновацион фаолият, ишлаб чиқариш даражаси, ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги, барқарорлик даражаси, бошқариш тизими, персонал малакаси ва ижтимоий жавобгарлик. Ушбу соҳалар доирасида фойдалилик, молиявий барқарорлик, бозор улушкининг ўсиши, илмий текширувлар, ресурс таъминоти, диверсификация, ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот ва хизматлар сифати, менежмент тизимининг ривожланиши, халқаро компанияга айланиши ва ҳ.к.лар каби асосий мақсадлар ажратилади.

У ёки бу корхона кўзлаган мақсадлар индивидуал характерга эга ва қайси тармоққа тегишилиги, корхона тури, бозордаги позиция, мос етказиб берувчилар, хом ашё манбалари ва ҳ.к.лар синга-

ри омилларга боғлиқ. Шу билан бирға мақсадларни шакллантиришнинг баязи умумлаштирувчи тамойиллари ҳақида гапириш имконини берувчи қатор ташки макроқтисодий омилларни ажратиш мүмкін. Ҳозирги корхоналар олдида текширувлар ва илмий янгилекларни татбиқ қилиш соҳасидаги мақсадлар турибди. Бизнес глобализацияси корхоналарни миллий ва халқаро манфаатларни ҳисобга олишга мажбур қилаяпти.

Вазифа ва мақсадлар аникланганидан сүнг бошқарувнинг ўзаги бўлган стратегияни танлаш ва таҳлил қилиш босқичи бошланади.

1.2.4. Стратегияни танлаш, уни амалга ошириш, амалга оширишини баҳолаш ҳамда назорат қилиш

Стратегияни амалга ошириш жиддий жараён ҳисобланади, чунки айнан у муваффақиятли бажариш ҳолатида фирмани кўйилган мақсадларга эришиши учун имконият яратади. Кўп ҳолатларда фирмалар ўзи танлаган стратегияни амалга ошира олмайдилар. Бу нотўғри таҳлил ўтказилиши ва хулосалар қилиниши, ташқи мухитда кўзда тутилган ўзгаришлар содир бўлиши натижасида вужудга келади. Бироқ стратегия бажарилмаслигининг асосий сабаби бошқарувни фирма потенциалини стратегияни реализация қилишга етарли даражада жалб қила олмаслигидадир.

Ушбу босқичда қўйилган мақсадларга қайси усул билан самарали эришиш мумкин ва бунинг учун нима қилиш зарур деган саволга жавоб бериш имкони мавжуд. Битта мақсадга турли усуллар билан эришиш мумкин бўлганлиги учун стратегияни танлаш босқичини кўзланган манзилга етиб боришнинг йўналиши ва ҳаракат воситасини танлашдек белгилаш мумкин. Бунинг учун иқтисодий назарияда стратегиялар тизими ва стратегик ҳаракатнинг механизми (моделлари) рўйхати мавжуд.

Стратегиялар тизими стратегик қарорларни қабул қилишнинг уч босқичини ўз ичига олади:

1) Умумий ёки корпоратив. Корпоратив стратегия корхона умумий ривожланишининг йўналишини кўрсатади. Бу босқичда субъект иқтисодий фаолиятининг шакл ва турлари мажмуаси ҳақида қарор қабул қилинади. Бунда қўшилиш, сотиб олиш ёки бизнеснинг бирон туридан чиқиши ҳақидаги саволлар, масалалар ҳал қилинади.

2) Ишбилармон ёки рақобат. Ишбилармон стратегиялар (бизнес режаларда ифодаланади) танланган (корпоратив босқичда) то-

вар бозорида рақобат устунлікларига эришиш усулини таърифлаб беради. Ушбу стратегия алохидә товар ва хизматларни рақобат позициясینи яхшилашта йұналтирилади. Бу ерда янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бүйічә истиқболлар ва мавжуд истиқболсиз товарлардан воз кечиш масалалари күриб чиқылады, маълум товар бозори ёки бозор сегментидаги ишлаб чиқариш, баҳо, реклама, сотиш ва шу каби сиёсатлар аниклаштирилади.

3) Функционал. Функционал стратегиялар бўлим ва хизматлар ҳаракатларини корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари даражасида аниклаштиради. Ишлаб чиқариш, маркетинг, молия ва персонал корпоратив ва ишбилиармон стратегияларга эришишнинг усулини режалаштирадилар. Мисол учун, ишлаб чиқариш соҳасидаги функционал стратегия яроқсиз маҳсулотни ишлаб чиқармаслик, хом ашё йўқотишиларини камайтириш ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Стратегияни таҳлил қилиш ва танлаш босқичида бажарилувчи чора-тадбирларни умумлаштирган ҳолда схематик тарзда кўрсатиши ва корхона стратегиясини «реализация қилиш» учун дастлабки маълумотлар сифатида олиниши лозим бўлган натижаларни ажратиш мумкин.



4-расм. Стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни.

Чизмадан кўриниб турибдики, стратегияни таҳлил қилиш ва танлаш босқичи стратегик ҳаркатни ишлаб чиқиш жараёнида марказий бўғин ҳисобланади. Бу ерда корхона ривожланишининг истиқболли йўналишларига маблағларни кўйиши бўйича муҳим стратегик қарорлар қабул қилинади ва инвестициялар камайтирилувчи бизнес-соҳалар ажратилади.

Стратегиялар амалга оширилишини баҳолаш ва назорат қилиш стратегик бошқарувда бажарилувчи мантиқий охирги жараён ҳисобланади. Мазкур жараён ташкилот мақсадлари ўртасидаги барқарор тескари алоқани таъминлайди. Назоратнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

- нимани ва қандай кўрсаткичлар бўйича текширишни аниқлаш;
- қабул қилинган стандартлар, меъёрлар ёки бошқа кўрсаткичларга мувофиқ назорат қилинувчи обьект ҳолатини баҳолашни амалга ошириш;
- ўтказилган баҳолаш натижасида аниқланган четга чиқишлиар сабабларини аниқлаш;
- агар зарур ва мумкин бўлса тузатишни амалга ошириш.


Стратегик назорат стратегияни амалга ошириш фирманинг мақсадларига эришувига қай даражада олиб келишини аниқлашга йўналтирилган. Бу стратегик назоратни бошқарув ёки тезкор назоратдан ажратиб туради, чунки стратегик режани бажаришни стратегияни амалга ошириш ёки алоҳида ишлар, функциялар ва операцияларни бажаришнинг туғрилиги қизиктирмайди. Стратегик назорат келгусида қабул қилинган стратегияларни реализация қилиш мумкинлигига ва уларнинг амалга оширилиш қўйилган мақсадларга эришилишига олиб келишига қаратилади. Стратегик назорат натижалари бўйича тузатишлар ҳам стратегиялар, ҳам мақсадларга тегишли бўлиши мумкин.

Назоратнинг асосий мақсадлари қарорлар қабул қилиш ва бажаришнинг бирлигини таъминланишидан, мумкин бўлган хатоларни олдиндан кўра олиш ва олдини олишдан, белгиланган йўналишдан четга чиқишлиарни ўз вақтида аниқлашдан, белгиланган муддатларда қўйилган мақсадларга самарали эришишдан ва ҳ.к.лардан иборат. Назоратнинг асосий мақсади эса қарорларни қабул қилиш тизимини яхшилаш имконини берувчи ички захираларни аниқлаш ва корхонани бошқариш самарадорлигини ошириш йўлларини излашдир.

Адабиётда назоратнинг дастлабки, йўналтирилган ва натижавий асосий усуллари ажратилади. Дастлабки, назоратнинг асосий

мақсади стратегия ва мақсадларни шакллантиришнинг тўғрилигиги-ни белгилашдан иборат. Стратегик бошқарув концепциясига муво-фик дастлабки назорат боскичидан кейин кутилмаган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда стратегияни амалга оширишни бошқариш бошланади. Бу ерда йўналтирувчи назорат усулидан фойдаланила-ди. Стратегия бажарилди деб ҳисобланганда олинган натижалар бўйича натижавий назорат амалга оширилади. Назоратнинг бу тури қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш самарадорлигини баҳо-лаш ва таҳлил қилишга йўналтирилган. Ушбу таҳлил натижаларига боғлиқ ҳолда стратегик бошқарув жараёни ёки стратегияга туз-тишларни киритиш учун «вазифаларни қўйиши» боскичига қайта-ди, ёки янги стратегик ҳаракатни ишлаб чиқиш учун ривожланиш-нинг кейинги даражасига ўтади.

Шу билан стратегик ҳаракатни ишлаб чиқиш жараёни тугади деб ҳисоблаш мумкин. Кейин ишлаб чиқилган стратегияни бажа-риш боскичи келади. Бу борада Г.Минцберг «онгли» (режалашти-рилган) ва «вужудга келувчи» (амалга оширилувчи) стратегияларни ажратади (5-расм).



**5-расм. Онгли ва вужудга келувчи стратегиялар
(Г.Минцберг бўйича).**

Г.Минцберг гояси шундан иборатки, режалаштирилган страте-гиянинг бир қисмини ҳар доим амалга ошириш имкони бўлмайди. Амалга оширилганинг катта қисми, одатда, бошида режа-лаштирилган стратегияга кирмаган, шу сабабли у вужудга келувчи

стратегия деб номлаган. Охир-оқибатда амалга оширилган стратегия онгли стратегияга киради. Бошқача қилиб айтганда, амалиётда онгли ва вужудга келувчи стратегияларнинг маълум комбинацияси амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда қўйидаги хуносани келтириш мумкин: корхона стратегик ҳаракатини шакллантиришнинг моҳияти ривожланиш йўналишини аниқлашдан, танланган мўлжалга самарали яқинлашиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқицдан, шунингдек, танланган стратегияни амалга ошириш жараёнини баҳолаш ва назорат қилишдан иборат.

1.2. 5. Стратегик менежментнинг беш вазифаси

Фирма стратегиясини яратиш ўзаро боғлик 4 қисмдан иборат бўлиб, улар қўйидагилар:

-тижорат фаолиятининг турини аниқлаш ва фирма ривожланиши йўналишини белгилаш, яъни мақсадни аниқлаб, узок муддатли истиқболни белгилаш;

-умумий мақсадларни ишнинг аниқ йўналишларига айлантириш;

-кўзланган кўрсаткичларга эришиш учун танланган режани мөхирона амалга ошириш;

-бажарилган ишни баҳолаш, бозордаги вазиятни таҳдил қилиш, фаолиятнинг узок муддатли асосий йўналишлари, мақсадлари ва стратегияга ёки уни амалга ошириш усуулларига тузатишлар, янги гоялар киритиш.

А) Компания стратегиясининг асосий масаласи қўйидагича: «Компаниямизни қандай тасаввур қиласиз, нима қилмоқчимиз ва нимага эришмоқчимиз?»

«Биз киммиз, нима қиляпмиз ва қаёққа кетяпмиз?», – деган саволнинг жавоби фирма йўналишини белгилаб, кучли ўзига хосликни ишлаб чиқишиб имконини беради. Компания нима қилаётгани ва нима ишлаб чиқариш имконини беради. Компания нима қилаётганини ва нима қилмоқчи эканлигини англатади. Менежер ўз компаниясининг бозордаги ўрнини қандай тасаввур қилиши эса компаниянинг стратегик кўринишини шакллантиради.

Менежерларнинг асосий функцияси қўйидагилардан иборат:

режалаштириш→ташқил этиши→мотивация→назорат қилиш

Б) Аниқ мақсадларни белгилаш компания вазифасининг умумий таърифидан аниқ иш режаларига ўтиш имконини беради.

Күйилган мақсад биз истаган натижадан иборат бўлади. Агар яхши натижаларга эришмоқчи бўлсақ, олдимизга яхши мақсадлар қўямиз. Мақсадлар киска ва узоқ муддатли молиявий ва стратегик бўлади.

Молиявий мақсадлар мажбурийдир, чунки молиявий маблағ етишмаса, компания танг ахволга тушиб қолади.

Стратегик мақсадлар компаниянинг бозордаги рақобат мавқеини кучайтиришга қаратилади. Молиявий мақсадлар фойда хажми, сармоялардан қайтим, накл пул тушуми, дивидентлар каби кўрсаткичларни кўпайтиришга қаратилади. Улар фирманинг рақобат бардошлигини ошириш натижасида ривожланишнинг юкорироқ суръатларига, бозордаги салмоғини оширишга, кам харажатларга эришишга, фирманинг обрўйини оширишга қаратилган бўлади.

В) Мақсадлар натижалардир, стратегия эса уларга эришиш йўллари саналади. Стратегияни аниқлаш учун корхонанинг ички ҳолати ва ташки омиллар ўрганилиши лозим. Компания стратегияси одатда, куйидагилардан иборат бўлади:

- чукур ўйланган, мақсадга қаратилган ҳаракатлар;
- воқеаларнинг кутилмаган ривожи ва кучайган рақобат курашига жавоб бериш.

Стратегия факат менежерлар аввалроқ ўйлаб чиқсан ҳаракатлар эмас, балки кутилмаган вазиятларда киритилиши лозим бўлган тузатишлар ҳамдир. Стратегияни ишлаб чиқиш учун тадбиркорлик истебоди ва фикрлашнинг стратегик тарзи бўлиши керак. Стратегияни ишлаб чиқиш маҳорати менежернинг тадбиркорлик истебодига боғлик.

Менежернинг тадбиркорлик маҳоратини белгилаш мезони унинг янги стратегик имкониятларни кўра билиши ва янгиликларга ўчлигидир. Тадбиркорлик истебодига эга бўлган менежерлар одатда биринчи қалдирғочлар бўладилар. Улар янгиликларни тез ўзлаштириб оладилар, таваккалчи бўладилар ва кескин янги стратегиялар яратадилар.

Компания стратегиясига тузатишлар киритиш оддий меъёрий ҳол ҳисобланади. Баъзан стратегияга ўзгартириш киритиш зарур бўлиб қолади. Камдан-кам ҳоллардагина компания стратегияси вақт синовидан ўта олади. Стратегияни қандай қилиб яхшилаш мумкин деган савол менежерни ҳеч қачон тарк этмаслиги лозим. Шунинг учун стратегияни ишлаб чиқиш динамик жараёндир.

Компания стратегияси моҳиятан қатор саволларга жавоб беради. Бу саволлар қуйидагилардан иборат:

- ишин қандай ривожлантириш керак?
- мижозларни қандай қилиб қаноатлантириш мумкин?

- рақиблардан қандай қилиб ўзид кетса бўлади?
 - ўзгарувчан бозор шароитларига қандай жавоб бериш лозим?
 - компаниянинг айрим функционал бўлимларини қандай бошқариш керак?
- молиявий ва стратегик мақсадларга қандай қилиб эришиш мумкин?

Стратегик кўра билиш ва компания вазифасини ишлаб чиқиш, мақсадларни аниқлаш ва стратегияни танлаш компаниянинг ривожланиш йўналишини белгилашда асосий вазифалардир. Кечикиб тузилган стратегик режалар ёки ўз вақтида киритилмаган тузатишлар ҳеч қандай натижа бермайди.

Г) Стратегияни амалга ошириш ишлари маъмурий вазифаларга киради. У қуидагилардан иборат:

- стратегияни муваффақиятли бажариш учун ташкилий имкониятлар яратиш;
- моблағларни фойдали жойлаштириш учун бюджетни бошқариш;
- фирма стратегиясини амалга оширишни таъминловчи сиёсатни белгилаш;
- хизматчиларнинг янада самаралироқ ишлашлари учун рагбатлантириш;
- эришиладиган натижа ва мукофотлар ҳажмини бир-бирига боғлаш;
- компанияда белгиланган вазифаларни бажариш учун қулай мухит яратиш;
- компания ходимларини таъминловчи ички шароитлар яратиш, яъни ҳар бир ходимларнинг стратегик ролини самараали ижро этиш шароитларини яратиш;
- ишни доимий яхшилаш учун энг илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- ички раҳбарликни таъминлаш.

Д) Юқоридаги 4 та вазифа бир неча бор қайта кўриб чиқилади, чунки янгидан юзага келадиган ҳолатлар ҳар хил тузатишлар киритишни талаб килади. Ўтган тажрибалар натижаси ва компаниянинг истиқбол мақсадлари шундай ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлиши мумкин. Стратегияни муваффақиятли амалга ошириш йўлларини ахтариш доимий ҳисобланади. Стратегияни амалга оширишда унинг айрим қисмлари кераксиз бўлгани боис ўзгартириш талаб этилади.

1.2.6. Стратегик бошқариш жараёнининг таърифи

Юқорида кўриб ўтилган стратегик бошқариш вазифаларининг ҳар бири доимий таҳлил ва қарорлар қабул қилишни талаб этади: ишни белгиланган йўналишда давом эттириш керакми ёки унга ўзгартиришлар киритиш керакми? Чунки стратегик менежмент доимий ҳаракатдаги жараёндир.

Бу беш вазифа бир-бири билан ўзаро узвий боғланган. Масалан, компаниянинг вазифаларига боғлиқ масалалар муайян мақсадлар билан боғланган.

Мазкур беш вазифа алоҳида ҳолда амалга оширилмайди.

Стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш оғир жараён хисобланиб, менежерлардан турли хил ҳаракатларни талаб қиласди.

Стратегик менежментга доимий эътибор бериш стратегияни тақомиллаштириш заруриятидир. Уни амалга ошириш усулларини янгилаш стратегиянинг сифати, самарадорлигини ошириш ҳар бир ходимдан талаб қилинади.

Стратегик бошқарувнинг асосий босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Бизнес соҳасини аниқлаш ва фирманинг асосий мақсадини ишлаб чиқиш.
2. Фирманинг асл мақсадини алоҳида узоқ ва қисқа муддатли фаолият мақсадларига айлантириш.
3. Фаолият мақсадларига эришиш стратегиясини белгилаш.
4. Стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
5. Фаолиятни баҳолаш, вазиятни кузатиб бориш ва унга тузатишлар киритиш.

Бу босқичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик 3-чизмада кўрсатилган.



3-чизма. Стратегик менежмент жараёни.

1.2.7. Стратегияни бошқарувчи ижрочилар

Фирманинг ижрочи директори стратегия бўйича энг таъсири ва жавобгар менежер хисобланади. Асосий директор лавозими вазифаларини қўювчи функцияларни бажаришни қўзда тутади. У мақсадларни белгилайди, стратегияни, уни бажариш йўлларини ишлаб чиқади.

Ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, ходимлар ва бошқа функциялар бўйича вице-президентлар ҳам стратегия ишлаб чиқадилар ва уни амалга ошириш бўйича жавобгар хисобланадилар. Ҳар бир менежер ўзининг жавобгарлик соҳаси бўйича стратегияни ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини кузатиб боради.

Диверсификацияли компанияларда бир неча тармоқларда бошқарув талаб этилиб, стратегия бўйича менежерларнинг 4 дараҷаси мавжуд:

- ижрочи директор ёки юқори бошқарув погонаси раҳбари;
- aloхида корхоналарнинг фойда ва заарлари учун жавобгар менежерлар;
- муайян ишлаб чиқариш бўлинмаси бўйича функционал менежерлар;
- асосий тезкор бўлинмалар ва минтақавий бўлимлар менежерлари.

Хусусий компаниялар ва корхоналарда, одатда, стратегия бўйича битта ёки иккита менежер бўлади

Стратегик менежер ва қўйиладиган асосий тагаблар.

Бугунги мураккаб ва тез ўзгарувчан вазиятда рақобатлашиш учун бошқарувчиларнинг стратегик менежерлари фирма стратегиясини ишлаб чиқишини аниқлаб олиши лозим. Уларнинг вазифаси бутун ташкилот фаолиятининг маълум бир йўналишда боришини таъминлаштириш (улар кўпинча комплекс менежерлар, деб аталади). Улар бизнеснинг айрим функциялари (ходимлар, таъминот, ишлаб чиқариш, савдо, мижозларга хизмат кўрсатиш, хисоб) бажарилишини таъминлашда функцион менежерлардан фарқ қиласди ва бутун ташкилотни стратегик жиҳатда бошқариб, компанияда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Э.Враппнинг фикрича (Чикаго университети), энг омадли стратегик менежерлар куйидаги хислатларга эга бўлиши керак:

- кўп нарсадан яхши хабардор бўлишлари;
- ўз вақти ва куч-куватини бошқара олишлари;
- яхши сиёсатчи бўлишлари (консенсус топа олишлари);
- экспертларга ўхшаб «бир нарсага ёпишиб олмасликлари»;

-дастурни хусусий йўналишларда илгари сура олишлари лозим.

Кўп нарсадан хабардор бўлиш бошқарувнинг турли поғона-ларида кенг кўламли бошқарув қарорларини қабул қила олишга имкон беради. Менежерлар ташкилотнинг турли қисмларида ахборот манбалари тармогини ташкил қилишлари керак, бу уларга воқе-ликдан тез хабардор бўлиб туриш имконини беради.

Улар ўз вақти ва куч-куватини турли ишлар, қарорлар, муаммолар ўртасида тўғри тақсимлай олишлари керак. Шунингдек, қачон жавобгарликни тақсимлаш, қайси пайтда хусусий муаммоларга ара-лашиш кераклигини билишлари лозим.

Яхши сиёсатчи ўз фикрлари асосида консенсус топа олиш санъатини эгаллаган бўлиши, уларни ўз обрў-эътибори билан илгари суриш учун тазийк кўрсатмаслиги керак. У диктатор каби эмас, балки коалициянинг аъзоси ёки раҳбари сифатида иш тутиши лозим.

Ўзгарувчан дунё стратегик менежердан мослашувчанликни талаб қиласди. У маневрларга ва вужудга келган вазиятта мослашишга тайёр туриши керак. Бу эса фирма маълум бир мақсадларсиз иш юритсада, бироқ уларни ўзгаришишга тайёр туриши кераклигини англатади.

1.3. Компаниянинг вазифалари ва стратегик қарашларни белгилаш

Мақсадни аниқлаш стратегик кўриш ва компаниянинг ривожланиш йўналишларини аниқ мақсадга айлантириб беради. *Мақсад фирмам бошқарув аппаратининг белгиланган вақтда аниқ натижага эришиш мажбуриятидир.*

Фирманинг узок муддатли режалари ўлчанадиган аниқ вазифаларга айлантирилмагунча миссия ва фирманинг келажак ниятлари фақат чиройли сўзлардан иборат бўлиб қолаверади. *Мақсадни аниқлаш стратегик бошқарушининг ҳал қилувчи даъқасидир.*

Корпоратив мақсад – бу ташкилот ўз акционерларининг манбаатларига қандай қарашини кўрсатувчи биринчи ҳал қилувчи кўрсаткичdir. Мақсадга йўналганлик фирманинг бизнесини, асосий мақсадларини, тавсифномаларини ва унинг етакчи фалсафасини ифодалайди. Мақсадга йўналганлик келгуси стратегик қарорлар учун ташкилий мазмун касб этади.

Корпоратив мақсадга йўналганликнинг уч асосий таркибий кисми қуйидагилардан иборат:

-firmanning бизнесини аниқлаш;

- унинг асосий мақсадларини белгилаш;
- корпоратив фалсафани аниқлаш.

Компаниянинг мақсадга йўналғанлиги ва стратегиясини ифодалашга турли ташқи ва ички гурухлар таъсир кўрсатади (4-чизма).



4-чизма. Мақсадни белгилаш ва фирма стратегиясини шакллантиришдаги ҳаракатланувчи гурухлар.

Бизнесни аниқлашда қуйидаги саволларга жавоб бериш лозим:

-бизнесимиз нимадан иборат?

-у қандай бўлади?

-қандай бўлиши керак?

Биргина бизнес билан шуғулланувчи компания учун «Бизнесимиз нимадан иборат?», деган саволга бериладиган жавоб қуйидаги саволларга ҳам жавоб топишни тақозо этади:

-кимнинг эҳтиёжи қондирилади (қандай истеъмолчилар гурухлари)?

-қандай эҳтиёжлар қондирилади (истеъмолчиларнинг қайси эҳтиёжлари)?

-истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари қандай қондирилади (тажриба ёки фарқ қилувчи устунликлар)?

Диверсияланган компания учун «Бизнесимиз нимадан иборат?», деган савол икки табакада кўриб чиқилиши керак:

-хўжаликнинг ўрта бўғинлари учун истеъмолчига йўналтирилган (биргина бизнес билан шуғулланувчи компания учун ҳам);

-корпорация миқёсидаги хўжаликнинг ўрта бўғинлари портфелига йўналтирилган.

Бу эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

-компания портфелининг мақсадлари;

-хўжаликнинг ўрта бўғинлари портфели диверсификацияси;

-портфелдаги хўжаликнинг ўрта бўғинлари ўртасидаги баланс.

Олдига мақсадларни күйиш бизнес вазифасининг маҳсус мақсадлар қаторига айланиш жараёнидир. Айни пайтда ташкилотнинг ҳар бир бўлинмасини керакли томонга йўналтириш жараёни ҳам ана шундай бошланади. Мақсадлар менежер мувваффакиятга эришиш учун муҳим деб ҳисоблаган ҳар бир натижага учун зарурдир. Маҳсус муҳим натижалар, одатда, тармоқнинг миқёси ва дараҷаси, ишнинг ривожланиши, инвестицияларнинг қайтарилиши, дивидендларнинг ўсиши, бозор ўлчамларини, сифатли маҳсулот ёки технология, пешқадамликнинг обрў-эътибори, бекарор иқтисодиётда ишлай олиш қобилияти, диверсификация даражаси, молиявий қудрат, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, қиймат бўйича рақобатлаша олиш қобилиятини ўз ичига олиши мумкин.

Машхур компанияларнинг ўз олдига қўйган мақсадларидан намуналар келтирамиз:

-Federal Express: дунёдаги энг катта ва энг яхши транспорт компанияси бўлиш;

-Alcan Aluminum: энг арzon алюминий ишлаб чиқарувчи корхона бўлиш;

-General Electric: дунёдаги энг қудратли рақобатчи бўлиш, компания бизнесининг ҳар бир соҳасида бозордаги улуш бўйича биринчи ёки иккинчи ўринни эгаллаш;

-Atlas Corp: арzon олтин ишлаб чиқарувчи ўртача ишлаб чиқарувчи бўлиш ва олтин ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 125000 унцияга етказиб, 1500000 унцияга тенг олтин захирасига эга бўлиш;

-Black and Decker: янги маҳсулотлар чиқаришни ва бизнесни кенг қамровлилигини давом эттириш. Бу ерда ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли мақсадлар талаб қилинади. Узоқ муддатли мақсадлар икки хил бўлади. Биринчидан, улар узоқ муддатли мақсадларга эришиш учун бугун нима қилиш кераклигини кўрсатади, иккинчидан, бундай мақсадларнинг мавжудлиги менежерни бугунги қарорларни қабул қилишда узоқ муддатли истиқболни ҳисобга олишга ундейди.

Қисқа муддатли мақсадлар изчиллик билан энг яқин келажакда қайси натижаларга зудлик билан эришиш кераклигини кўрсатиб беради. Улар ташкилотга танлаб олинган йўлдан бориш учун керак бўлган тезликни ҳам, қилиниши керак бўлган ишларнинг талаб қилинган даражасини ҳам (қачон ва қанчалик кўп иш қилиш кераклигини) кўрсатадилар.

Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари очик-оидин бўлиши лозим. Баъзи компанияларнинг менежерлари ҳар бир ҳал қилувчи на-

тижа учун маълум бир мақсадни белгилайдилар ва уни амалга оширишга қатъий ҳаракат қиласидилар. Одатда, бундай менежерлар умид, илтимос ва яхши ниятларга таянадиган компанияларга қараганда ғолибликка яхшироқ номзод бўладилар. Бу ерда «даромадни кўпайтириш», «харажатларни камайтириш», «самарадорликни ошириш», «савдо ҳажмини кўпайтириш» каби ибораларни ишлатмаслик керак.

Стратегик фикрлаш учун мақсадлар иерархиясини раҳбарликнинг барча табакалари учун ҳар томонлама белгилаб олиш муҳимдир. Бу барча менежерлар учун вазифаларни аниқлашдан ташқари, уларни бажаришнинг муҳимлигини ҳам таъминлайди (шу мақсадда жараёнда куйи табақадаги менежерлар ҳам иштирок этади).

Мақсадни белгилашда компания пайчилари манфаатларини ҳисобга олиши.

Пайчилар компанияни капитал билан таъминлайдилар ва бунинг эвазига ўз инвестицияларидан муносиб даромад олиш улушкини кўлга киритадилар. Компаниянинг хиссадорлари унинг қонуний мулк эгалари ҳисобланади. Бинобарин, кўпчилик корпорацияларнинг максади хиссадорларнинг даромадларини имкон қадар кўпайтиришдан иборат. Пайчилар ўз капиталларидан икки хил йўл билан фойда олишади:

-дивидендлардан;

-бозор кўлами кенгайганда (акцияларнинг бозор нархи ортганда) капиталнинг қиймати ортишидан.

Компания учун акционерлар даромадини оширишнинг энг яхши йули инвестицияларнинг қайтиш тезлигини ошириш стратегиясидан фойдаланишdir. Бу эса компания самарадорлигини кўрсатувчи жуда яхши индикатор саналади. Яъни, унинг самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, дивиденд тўлаш қобилияти шунчалик юқори бўлади. Бундан ташқари, инвестицияларнинг тез қайтиши компания акцияларига бўлган талабнинг кучайишига ҳам олиб келади.

II боб. СТРАТЕГИЯ ЯРАТИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Фирма фаолияти йўналишларини белгилаш омиллари

Компания стратегиясини белгилашга кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Бу смилларнинг ўзаро таъсири ҳар бир тармоқда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, вақт давомида ўзгариб туради. Стратегияни белгиловчи омиллар доим бир-биридан фарқ қиласди. Фирма ҳамиша ҳам ўзи хоҳлаган стратегияни танлай олмайди. Унинг харакатлари қонун, сиёсати, ижтимоий тартибот ва жамият мавқеи билан чегараланади.


Стратегияни ижтимоий талабларга мослаштириш қуидагиларни назарда тутади:

- 1) жамият манфаатлари ва одоб меъёрлари доирасида ишчанлик кўрсатиш;
- 2) ижтимоий афзалликлар ва жамият эҳтиёжларига ижобий қараб, ўз фаолиятини тартибга солиш;
- 3) тартибга соловчи меъёрлар билан зиддиятга бормаслик учун зарур харакатларни ўз вақтида амалга ошириш;
- 4) хиссадорлар ва жамият манфаатлари ўртасида мувозанатни сақлаш;
- 5) жамиятда компаниянинг фуқаролик мавқенини таъминлаш.

Тармоқнинг жозибадорлиги ва ракобатчилик даражаси стратегияни белгилашга катта таъсири кўрсатади. Компания стратегиясини илгари шуғулланилмаган соҳага асослаб куриш мутлақо ярамайди. Стратегия компаниянинг яхши англашган соҳасига курилиши лозим.

Стратегияда ҳисобга олиниши лозим бўлган ва аслида уни белгиловчи бирламчи омилларнинг оддий модели 5-чизмада келтирилган. Бу омилларнинг ўзаро таъсири, одатда, ҳар томонлама мазмунга эга бўлиб, тармоқ ва компания учун алоҳида фарқланади.

Одатда, ички ва ташқи вазият ўртасидаги фарқ аниқ бўлмаса, ракобатли устунликка эришилмаса, компания фаолияти яхшиланмаган бўлса, стратегиянинг ўзи муваффакият келтира олмайди.



5-чизма. Компания стратегиясини белгиловчи омиллар.

2.2. Стратегияни ишлаб чиқиши услуги

Ташкилот стратегияси – компанияни турган жойидан эришмоқчи бўлган жойига қандай қилиб ўтказиш мумкин, деган масалани ечиш борасидаги йўриқномадир. Одатда стратегия 4 хил даражада ишлаб чиқилади:

- корпоратив стратегия (компания ва унинг фаолият йўналишлари бўйича умумий стратегия);
- ишбоп стратегия (компаниянинг ҳар бир йўналиши учун стратегия);
- функционал стратегия (компаниянинг ҳар бир функционал тузилмаси учун стратегия);
- амалий стратегия (асосий тузилмалар: заводлар, савдо шохобчалари ва бўлимлар учун).

Стратегияни ишлаб чиқишининг асосий ташкилий позоналари

Стратегия фақат олий раҳбарият миқёсидагина ишлаб чикилиши мумкин эмас. Уни ишлаб чиқишнинг куйидаги түртта погонасини ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир:

- корпорация миқёси;
- бўлинмалар миқёси;
- функционал миқёс;
- куйи погона менежерлари (дала командирлари).

Фирмада стратегияни ишлаб чиқиши иерархияси куйидаги жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Фирма стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий погоналари

Погона	Ишлаб чиқишига (карор кабул килишига) масъуллар	Ишланманинг мазмуни
Корпоратив стратегия	Ижрочи директор, асосий вице-директорлар (карорлар директорлар кенгаши томонидан кабул килинади, кайта кўриб чиқилади).	Хўжаликнинг ўрта бўгини портфелини ташкил килиш ва бошкариш. Хўжаликнинг ўрта бўгини синергизмини рақобатли устунлик сифатида таъминлаш. Инвестиция имтиёзларини аниқлаш ва энг манфаатли тармоқларда ресурсларни бошкариш. Хўжаликнинг ўрта бўгини раҳбарларининг асосий стратегик ёндашувларини кайта кўриб чиқиши текшириш умумийлаштириш.
Хўжаликнинг ўрта бўгини стратегияси	Бош менежер Хўжаликнинг ўрта бўгини бошлиқ томонидан (карорлар фирма раҳбарияти томонидан кабул килинади, кайта кўриб чиқилади).	Муваффакиятли рақобатчиликка ҳамда унда устунликка эришишига каратилган ҳаракатлар ҳамда ёндашувларни белгилаб олиш. Ташқи шартларнинг ўзаригашига жавоб реакцияларини шакллантириш. Асосий функционал хизматларнинг стратегик ташабусларини умумлаштириш. Ўзига хос муаммоларни ҳал килиш.

Функционал стратегия	Функционал менежерлар (қараб, стратедда хўжаликнинг ўрта бўғин раҳбарияти томонидан қабул килинади, кайта кўриб чиқилади).	Бизнес стратегиясини кўллаб-куватлашнинг функционал ёндашувларини ташкил килиш ва ИТТКИ, ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, ходимлар билан ишлаш соҳаларида функционал мақсад ва стратегияларга эришиш. Куйи босқичдаги менежерларнинг асосий ёндашувларини кайта кўриб чиқиш, текширишни унификациялаш.
Тезкор стратегия	Дала бўлинмаларининг раҳбарлари куйи даража менежерлари, шу жумладан, функционал менежерлар (карорлар функционал бўлимларнинг бошликлари томонидан қабул килинади, кайта кўриб чиқилади).	Дала бўлинмалари ва функционал бўлимларнинг мақсадларига эришиш учун функционал ва хўжаликнинг ўрта бўгини стратегияларини кўллаб-куватлашга қаратилган тор соҳадаги ва маҳсус ёндашувлар ҳамда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш

Стратегик бошқаришда корхона вазифаларини шакллантириш корхонанинг мазмун-моҳиятини, унинг фаолият майдонини, келажакдаги истиқболи ва ривожланиш йўналишларини ва унинг бошқа рақобатчилардан фарқини аниқлаб олишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётимизнинг турли тармоқларидаги саноқли корхоналардагина аниқ ифодаланган корхона вазифалари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Тажриба шуну кўрсатмоқдаки, замонавий боқариш услублари ривожланган АҚШ да ҳам компанияя ва фирмалар 60-70% гина ўз вазифаларига эга.

Вазифаларда барча эътибор ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга эмас, балки истеъмолчининг талаб ва хоҳиш-иродасини қондиришга қаратилиши лозим.

Кейинги босқич корхонанинг узоқ муддатли мақсадларини аниқлаб олишга қаратилиши керак. Одатда, бундай узоқ муддатли мақсадлар аниқ кўрсаткич ва ракамларни ўз ичига олмайди. Аммо корхона ўз олдига қўядиган узоқ муддатли мақсадларни аниқ ва лўйнда бўлиши ҳамда унга эриша олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мақсадлар корхонани мувафақиятини таъминловчи икки асо-

сий натижада ўз ифодасини топиши керак бўлади. Бу корхонанинг молиявий ва стратегик фаолиятига қаратилган аниқ натижалардир.

Корхонанинг кўп киррали мақсадалари бир-бири билан боғлиқ ҳолда бир мақсадга эришиб, бошқа бир мақсадга етишишда уни ўзаро қўллаб-қувватлаши зарур.

Бизнес оламида муваффакиятга эришган машҳур компанияларнинг тажрибаларидан маълумки, одатда корхоналар жуда катта миқёсдаги узоқ муддатга мўлжалланган мақсадаларни ўз олдилари га қўядилар ва унга эришиш учун 10-20 йил мобайнида кўп кучмаблагларини сарф этадилар.

Масалан, Ўзбекистонда мебель саноатида самарали фаолият олиб бораётган «Файз-Холдинг» компаниясининг бизнесдаги асосий мақсади ўз харидорларига оддий товар сотиш эмас, балки улар қилган харидларидан қоникиш ҳосил қилиш, ҳақиқий фойда олиш ҳамда хонадонга хурсандчилик бағишлишга ёрдам беришdir. 11 та ишлаб чиқариш мажмуасидан 5 та қўшма корхона ва 14 та савдо уйларига эга бўлган «Файз-Холдинг» компанияси замонавий немис технологиялари ва стратегик бошқариш услубларини жорий этиш натижасида маҳсулот турини кенгайтириб, ошхона мебели, юмшоқ мебель,офис мебели, мактаб мебели ва тиббиёт мебелларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бунда компания асосий эътиборни мебелларнинг қулилигига, хавфсизлигига, юқори сифатлилигига, сотувдан кейинги кафолатлар мавжудлигига ва арzon нархларда сотилишига қаратмоқда.

Ташки мухитдаги стратегик омилларни таҳлил этиш корхоналарга боғлиқ бўлмаган ташки омилларнинг истиқболда ривожланиш йўлларини ва бу ўзгаришлар корхона стратегиясига ва унинг фаолиятига таъсир эта олиш даражасини аниқлаш имконини беради. Умуман олганда, стратегик омилларни таҳлил этишда мақсад ташки мухитдан келиб чиқадиган хавф-хатар ва қули имкониятларни одиндан кўра билишдан ва шу орқали корхонанинг кучли ва заиф томонларини аниқлашдан иборатdir.

Ички мухит таҳлили корхонанинг ички ресурс ва имкониятларини ўрганишни, унинг ҳозирги ҳолати, кучли ва заиф томонлари ҳамда мавжуд стратегик муаммоларини аниқлашни кўзда тулади. Ички мухит таҳлили корхонанинг иктиносидий салоҳиятини, уни ракобатчи корхоналар билан таққослашни ва бозордаги эгаллаб турган мавқеини тўғри талқин этиш имконини беради.

Масалан, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи «Косонсой-Текмен» қўшма корхонаси, «Антекс», «Бухоротекс», «Каштекс» ҳиссадорлик жамиятлари экспорт стратегиясини шакллантиришда Европа ҳамжамияти давлатлари, Россия, Туркия ва Словакия каби давлатларнинг бозорларини ўрганиб чиқиб, республикамизнинг пахтаси толасидан тайёрланган юқори сифатли газлама ва матолар ҳамда тайёр кийим-кечак маҳсулотларига талаб катталигини аниқлашган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида бу бозорларни ўта юқори сифатли ва халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулотлар билан эгаллаш мумкинлиги ҳақида ижобий хуносага келинган.

Бугунги кунда енгил саноат тармоғидаги корхоналар маҳсулотларини халқаро сифат стандарти «ISO-9000» талабларига жавоб берадиган даражага етказиш, корхонага энг замонавий технологияларни жалб этиш, янги турдаги кийим-кечак ва хўжалик учун зарур бўлган бошқа тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш лабораторияларини хом ашё сифатини текширувчи замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашга қаратилган кенг қамровли стратегияни амалга оширилмоқда.

Стратегияни амалга ошириш энг мураккаб ва узок вақт мобайнида олиб бориладиган жараён бўлиб, корхонанинг истиқболдаги мақсадларини рўёбга чиқариши, асосан мана шу босқичда ҳал этилади.

Белгиланган стратегия чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган вазифа менежерлар томонидан корхонанинг барча ресурслари ва мўлжалланган мақсадлари ўртасида ўзаро монандлик ва уйғунликни таъминлашни талаб этади.

Стратегияни амалга ошириш уни ишлаб чиқишига нисбатан анча оғир вазифа. У менежерлардан сабр-тоқат, кучли иРОДА ва жиддий масъулиятни талаб этади. Бу босқичда ҳар қандай бизнес режа ва мўлжалланган мақсадлар амалий жиҳатдан рўёбга чиқиши юзасидан ҳақиқий кўриқдан ўтказилади. Мисол учун, республикамизда 2001 йилда чет эл инвестициялари иштироқидаги тутатилган 174 та корхоналарнинг аксариятида моддий ресурслар билан белгиланган стратегия ўртасида уйғунликни таъминламаслик, жалб этилиши керак бўлган молиявий маблағларни тўғри хисоб-китоб қила олмаслик, ҳамкорлар томонидан мажбуриятларни тўлалигича бајармаслик ҳамда корхона имкониятларини хаддан ташқари юқори баҳолаб юбориши ҳолатлари ташкилотларни ўз фаолиятларини тўхтатишга олиб келган.

Белгиланган стратегияни амалга оширишдаги мұхим омил уни бажарилишини тұлақонли таъминлаш учун барча зарур шартшароитларни ташкил этишни күзда тутади. Чет әл капитали иштирокидаги коммуникация соҳасида 1997 йилнинг сентябридан фаолият олиб бораётган Daewoo Unitel компанияси, ҳозирги кунда 50 мингдан ортиқ абонентларға эга бўлиб, Ўзбекистонда энг замонавий уяли алоқа хизматини кўрсатувчи компанияяга айланди. Унинг Ўзбекистонда энг муваффақиятли бизнесни олиб борувчи 1-ракамдаги компанияяга айланиши, юқори сифатли коммуникация хизматларини кўрсатиши ва компаниянинг барча ҳодимлари томонидан истеъмолчилар ҳакида доимо қайгуриш мақсадларини кўзлаб амалга ошираётган стратегияси туфайли, компания республикада уяли алоқа хизмати бозорида 30% дан ортиқ улушга эришишга муваффақ бўлди.

Стратегияни муваффақиятли амалга оширишда уни танқидий нуктаи назардан баҳолаш зарур боскич бўлиб, бунда олиб борилаётган сиёsat кўзланган мақсадга мувофиқ келмай қолса, бу ҳолат чукур таҳлил этилиб, стратегияга тегишли ўзгаришлар киритиб борилади.

Стратегияни мақсадли амалга ошириш тўхтовсиз жараён бўлиб, уни амалга оширилишини доимо баҳолаб бориш стратегик бошқаришнинг зарур элементларига киради.

Ташки ёки ички мұхитда вужудга келадиган янги шартшароитлар компания стратегияси ўзгаришига олиб келиши мүмкін. Мисол учун, «Совпластитал» қўшма корхонаси ўз фаолиятининг илк даврида факат пластмассадан тайёрланадиган 10 хил турдаги сунъий гул маҳсулотларини ишлаб чиқарган. Йиллар давомида олиб борилган доимий изланиш ва бозорни чукур таҳлил этиш ҳамда замонавий технологияларни ўрганиш натижасида қўшма корхона пластмасса, рангли шиша, чиннидан тайёрланадиган маҳсулотлар ва ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёдаги энг йирик корхоналардан бирига айланди. Ҳозирга кунда корхона 30 дан ортиқ мамлакатларга ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Бунга «Совпластитал» қўшма корхонаси бозорда юз берәётган ўзгаришларни вақтида ва тезлик билан таҳлил этиб, бозорнинг янги талабларига мос келадиган аниқ стратегик бошқаришни жорий этиш орқали эришди.

Бизнес мұхитида шартшароитлар бизнес фаолиятини ўзгаришини, узоқ муддатли мақсадларга қўшимчалар киритишни ёки келажакда стратегик йўналишга янгича ёндашувни тақозо этиши мүмкін. Кўзланган мақсадлар компанияяда мавжуд имкониятлардан

анча юқори бўлиши ёки келажақдаги истиқболларга маълум дараҷада мос тушмай қолиши мумкин.

Стратегик бошқариш доимий амалга ошириладиган жараён бўлиб, компания стратегиясига баҳо бериш ва унга тегишли ўзгартиришларни киритиш бу жараённинг ҳам янгидан бошланиши, ҳам якуний босқичи сифатида эътироф этилади.

Ташкилот мақсадли мўлжалларсиз фаолият юрита олмайди. Ташкилот фаолиятининг мақсадли йўналиши биринчи навбатда унинг фаолияти одамларнинг турли гурухлари манфаатларининг таъсири остида бўлиши билан боғлиқ. Ташкилотнинг мақсади таъсисчилар, ходимлар, харидорлар, ҳамкорлар, маҳаллий жамоа ва бутун жамият каби инсонлар манфаатларини акс эттиради.

Ташкилот фаолиятидаги мақсадли негизнинг икки асосий таркибий қисмлари ажратилади: вазифа ва мақсадлар. Вазифа кенг маънода ташкилот мавжудлигининг фалсафаси, мазмуни сифатида, тор маънода эса ташкилот нима учун фаолият юритаётганлиги ҳақида шаклланган, батафсил маъно, тасдиқ сифатида тушунилади. Яхши шаклланган вазифа мўлжаллар, фаолият соҳалари, ташкилот фалсафаси, фаолиятни амалга ошириш имконият ва усуслари, ташкилот имижининг изоҳини ўз ичига олади.

Ташкилот мақсадлари маълум муддатдан кейин у эришишга ҳаракат қилувчи алоҳида параметрларнинг аниқ ҳолатини тасвирлайди. Мақсадлар узоқ ва қисқа муддатли бўлади. Мақсадлар баъзи зарурий талабларга жавоб бериши лозим: улар эришиш мумкин бўлган, эгилувчан, ўлчанадиган, аниқ, мослаштириувчи ва қабул қилиниши мумкин бўладиган бўлиши керак.

Стратегияни танлаш ва амалга ошириш стратегик бошқарувнинг асосий қисмлари ҳисобланади. Стратегик бошқарувдаги стратегия ташкилот ривожининг узоқ муддатли сифатли аниқланган йўналиши сифатида тушунилади.

Стратегияни танлаш ташкилотдаги вазиятга боғлиқ. Бирок стратегияни танлашда маълум ёндашувлар мавжуд.

Стратегияни танлаш фирма фаолиятига боғлиқ бўлган учта масалани ҳал қилишга боғлиқ:

- 1) маълум бизнесни тугатиш;
- 2) маълум бизнесни давом эттириш;
- 3) маълум бизнесга ўтиш.

Танланган стратегияни баҳолаш куйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- 1) Стратегия фирма мақсадларига эришилишига олиб келадими?
- 2) Танланган стратегия мухим ҳолат ва талабларга мос келадими?
- 3) Танланган стратегия фирма потенциали ва имкониятларига мос келадими?

4) Стратегиядаги ризк ўзини оқладими?

Хулоса шуки, стратегик бошқарув мураккаб характерга эга ва кўп омилларнинг ҳисобга олинишини талаб қиласди. Шу билан бирга, у фирманинг баъзи муаммоларини ва уларни ечиш усуслари тўпламини аниқлайди. Стратегия бўлиш учун бу тўплам тизимга айланиши лозим.

2.3. Стратегияни яратишга бўлган турли хил ёндашувлар

Стратегия тузишга ёндашувлар қўйидагича бўлади:

1)Бош стратегик ёндашув – бунда стратегияни бошлиқнинг ўзи ишлаб чиқади. Бундай ҳолда бошқарувчи ахволни баҳолашга, муқобил стратегияларга ва стратегия қисмларига кучли таъсир қилувчи асосий стратегик ва асосий тадбиркор сифатида иш юритади.

2)Ваколатларни бериш ёндашуви – бунда стратегияни тузиш ходимларга ёки комиссияга топширилади. Бундай ҳолда масъул бошқарувчи стратегияни ишлаб чиқишини бошқаларга, асосан, стратегик режалаштириш бўйича ходимга ёки ишонч билдирилган ходимлардан тузилган маҳсус комиссияга топширади.

3)Кўшма (коллаборацион) ёндашув – аввалги икки ёндашув ўртасидаги оралиқ варианти. Бундай усульнинг энг кучли томони шундаки стратегияни ишлаб чиқиши кимларга топширилган бўлса, уни ўшаларни ўзлари бажаришлари ксрак бўлади.

4)Ташаббусли ёндашув. Бундай ёндашувда бошқарувчи келишилган стратегияни ишлаб чиқиши учун стратегия деталларини ишлаб чиқишдан ҳам, «гоялар генераторлари» гурӯхини бошқаришдан ҳам манфаатдор эмас. Бильякс, бошқарувчи оқилона стратегияни ишлаб чиқиш, ҳимоя қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш учун менежерларнинг ўзлари сафарбар этади. Стратегияни ишлаб чиқиши учун бошқарувчилар фойдаланишлари мумкин бўлган тўртта асосий ёндашувнинг бироргаси ҳам энг яхши ёндашув сифатида юзага чиқмайди. Уларнинг ҳар бирини кучли ва кучсиз томонлари мавжуд.

Компания ва бошқарувчилар стратегияни ишлаб чиқиши бўйича варианктарни турлича бажарадилар. Компания эгаси томонидан бошқариладиган кичик компанияларда стратегияни ишлаб чиқиши норасмий амалга оширилади. Йирик фирмалар стратегияни ҳар йили ишлаб чиқишига мойилдир. Стратегияни белгилашнинг ташкилий жараёнида бошқарувчилар шахсан қатнашадилар.

Стратегия, аввало, маънавий жиҳатдан соғлом бўлиши керак. Компаниянинг ҳар бир харакати аҳлоқ-одоб, маънавият доирасида бўлиши талаб этилади. Компания мулқдорлар, хизматчилик, харидорлар, етказиб берувчилар ва жамият олдида масъулиятилидир. Компаниянинг етказиб берувчилар олдида ги бурчи бозор муносабатларига қурилади. Компания билан етказиб берувчи ҳам шерик, ҳам ўзаро рақибдир. Шунинг учун улар ўргасидаги муносабатлар аниқ белгилаб олиниши лозим.

Агар стратегия компаниянинг аҳволига мос бўлмаса, рақобат устунлиги яратилмаса, ишни яхшилашга ярамаса, бундай стратегия ғолибона стратегия дейилмайди. Ғолибона стратегиянинг уч белгиси бўлади:

- мослик даражаси мезони;
- рақобат курашида устунлик мезони;
- иш жадаллигини ошириш мезони.

Мослик даражаси мезони. Яхши стратегия унинг имкониятлари ва интилишлари, ички ва ташки омиллар нуктаи назаридан компаниядаги вазиятта мос келмас экан, у шубҳалидир.

Рақобат курашида устунлик мезони. Яхши стратегия рақобатда барқарор устунликка эришишга олиб келади. Стратегия ёрдамида рақобат курашида қанчалик катта устунликка эришилса, стратегия шунчалик кучли ва самарали бўлади.

Ишларнинг жадаллигини ошириш мезони. Яхши стратегия компания ишининг тезкорлигини оширади. Ишларни такомиллаштиришнинг икки тури ўта муҳим бўлиб, улар қуйидагилар: даромадлиликнинг ошиши; компаниянинг узоқ келажақдаги фаоллиги рақобатбардошлигининг ошиши.

III боб. ТАРМОҚДАГИ УМУМИЙ ВАЗИЯТ ВА УНДАГИ РАҚОБАТНИНГ ТАХЛИЛИ

3.1. Тармоқлар ва уларнинг иқтисодий тавсифлари

Стратегияни ишлаб чиқиши таҳлилга асосланган иш бўлиб, таҳлил икки йўналишда олиб борилади:

1. Тармоқдаги вазият ва ундаги рақобатнинг шартлари.
2. Компания ичидаги вазият, унинг рақобатбардошлиги.

Тармоқлар ўзининг иқтисодий таърифи, улардаги рақобат истиқболлари бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, илмий-техника тараққиёти суръатлари юқори ва паст бўлиши мумкин. Ҳар бир тармоқ учун зарур бўлган капитал кўйилмалар ҳажмиҳат бўлади. Бозорлар эса маҳаллийдан тортиб дунё бозоригача фарқланади. Рақобат кучли ёки заиф бўлади. Тараб ҳам ўсиб борувчи ёки аксинча, камайиб борувчи бўлади.


Тармоқдаги умумий вазият ва ундаги рақобатни таҳлил қилишда алоҳида усуслар кўлланилиб, бу усуслар тармоқда бўлаётган ўзгаришлар рақобат курашини баҳолаш имконини беради. Бунинг учун қуйидаги етти омилни белгилаш талаб этилади:

1. Тармоқни таърифловчи умумий иқтисодий кўрсаткичлар.
2. Тармоқдаги рақобат кучлари ва улар таъсирининг даражаси.
3. Рақобат кучлари таркибида ўзгариш ясовчи омиллар.
4. Компания рақобат мавқенинг кучли ва заиф жиҳатлари.
5. Рақобат курашидаги муваффакият калити ва муваффакиятсизлик омиллари.
6. Рақобат қайси йўналишда боришини белгиловчи шахслар.
7. Фойда олиш нуктаи назаридан тармоқнинг жозибадорлиги.

Вазият таҳлилининг мақсади компаниянинг ички ва ташки мухитига хос бўлган ва компаниянинг стратегик йўналиши ва имкониятларини энг равshan ифодаловчи жиҳатларни аниқлашдан иборат. Бунда асосий эътибор стратегияга оид бир қатор мухим саволларга аник жавоблар топишга қаратилади. Сўнгра бу саволлардан компаниядаги стратегик вазиятнинг аник манзарасини шакллантириш ва унинг хатти-ҳаракатларига муқобил вариантларни белгилаш учун фойдаланилади.

Якка бизнес билан шуғулланувчи компаниядаги стратегик вазиятни таҳлил қилиш усусларидан келгусида кўпинча диверсияланган компаниянинг стратегиясини таҳлил қилишда ҳам фойдаланилади. Якка бизнес билан шуғулланувчи компаниядаги ташки вази-

ятни (макромухитни) таҳлил қилишда, одатда, соҳа ва рақобат таҳлилларидан фойдаланилади. Вазиятни таҳлил қилишда фирманинг энг якин атроф-мухити (макромухити) ўрганилади. 6-чизмада якка бизнес билан шуғулланувчи компания учун стратегик таҳлилининг тузилмаси келтирилган. Компаниянинг стратегик таҳлилининг мантиқий ечими стратегияни танлашда муқобил варианларга баҳо беришдир. Щундай қилиб, ушбу таҳлил стратегик режани шакллантиришининг дастлабки нуқтаси хисобланади.



6-чизма. Вазият таҳлилининг стратегик тузилмаси.

Тармокни таърифловчи умумий иқтисодий кўрсаткичлар

Тармоқдаги умумий вазият ва ундаги рақобатнинг таҳлили асосий иқтисодий кўрсаткичларни ўрганишдан бошланади. Бу кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

1. Бозор ҳажми.
2. Рақобат миқёси (маҳаллий, минтақавий, дунё).

3. Бозорнинг ўсиш суръатлари ва у ривожланишнинг қайси боскичда эканлиги.
4. Рақобатчилар сони ва уларнинг ҳажми.
5. Харидорлар сони ва уларнинг молиявий имкониятлари.
6. Интеграция қаерга қараб кетяпти?
7. Технологик ўзгаришларнинг йўналиши ва суръатлари.
8. Тармокка кириш ва ундан чиқишининг осонлиги.
9. Рақобатчилар маҳсулоти ва хизматларининг табақаланиш даражаси.

10.Компаниянинг ишлаб чиқариш ҳажми, юкларни ташишни ташкил қилиш, маркетинг ва рекламани ташкил қилиш тежамкорликка эришиш имконининг мавжудлиги.

11.Тармоқдаги «ўқитиш-тажриба» эгри чизиги ижобий анъана-га эгами?

12.Тармоқка зарур бўлган капитал сармоялар кўйилаяптими?

13.Тармоқдаги даромад даражаси умумий даромад даражаси-дан пастми ёки юкори?

Ушбу кўрсаткичлар бўйича соҳа «портрети»ни тузиб, сўнг таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ушбу жадвалда айрим иқтисодий кўрсаткичларнинг стратегик жиҳатдан муҳимлигига доир маълумотлар келтирилган.

3-жадвал

Тармоқдаги асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг стратегик аҳамияти

Кўрсаткич	Кўрсаткичининг стратегик аҳамияти
Бозор ҳажми	Кичик бозорлarda катта ва янги рақобатчиларни жалб қилиш анъанаси кузатилмайди; катта бозорлар муайян тармокларда рақобатчилик устунлигини мустаҳкамлаш мақсадида турли компанияларни сотиб олмокчи бўлган корпорацияларни ўзига жалб киласди
Бозор ҳажмининг ортиши	Жадал суръатлар билан ўсиш янгиликларга олиб келади, ўсишнинг секинлашиши эса рақобатни кучайтиради ва заиф рақибларни курашдан си-киб чиқаради
Ишлаб чиқариш қувватларининг ортиқчалиги ёки танқислиги	Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари харажатларни кўпайтириб, даромадни камайтиради, уларнинг танқислиги эса харажатларга оид тескари тенденцияларга олиб келади

Тармоқнинг даромадлилiği	Юкори даромадли тармоқлар хам янгиликларга олиб келади
Кириш-чикиш түсиклари	Катта түсиклар мавжуд фирмаларнинг мавқенини ва даромадларини химоя килади, түсиклар паст бўлганда эса янги фирмаларнинг кириб келиши уларга салбий таъсир кўрсатади
Товар харидорлар учун киммат	Кўпчилик харидорлар товарни энг паст нархларда сотиб оладилар
Стандартлаштирилган товарлар	Харидорлар бир сотувчидан бошқасига осон ўтишлари мумкин.
Технологиянинг тез ўзгариши	Технология ва асбоб-ускуналарга ажратилиган инвестицияларда уларнинг эскириб колиши туфайли ўзини окламай колиш хавфи кучаяди
Капиталга кўйилган талаблар	Катта талаблар инвестицияларга оид карорларга танкидий муносабатда бўлади, инвестициялаш пайти мухим бўлиб боради, кириш ва чикиш түсиклари кучаяди
Вертикал интеграция	Капиталга нисбатан кўйилган талаблар кучайиб боради, кўпинча рақобатли дифференциация хамда интеграция даражаси турлича бўлган фирмалар ўртасидаги киймат дифференциацияси кучаяди
Кўламдан тежаш	Нарх бўйича рақобатлашиш учун зарур бўлган бозор хажми катталашади
Товарнинг тез янгилиниши	Товарнинг ҳаёт даври қисқаради

3.2. Тармоқдаги рақобат ва ривожланиши истиқболлари

3.2.1. Тармоқдаги рақобат кучлари ва уларнинг таъсир даражаси

Гарвард университетининг профессори Майл Порттер тармоқдаги рақобатчи кучларни қуидагича гурухлаган:

1. Тармоқ ичида сотувчилар ўртасидаги рақобат.
2. Бошқа тармоқдаги компанияларнинг ўз товарлари билан бу тармоқдаги харидорларни эгаллаб олишга ҳаракат қилиши.
3. Тармоқ ичида янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши.
4. Хом ашё ва бутловчи қисмлар етказиб берувчиларнинг ўз шартларини ўтказишга уринишлари.
5. Харидорларнинг ўз шартларини ўтказишга уринишлари.

6. Бу таҳлил фирма мазкур тармоқда дуч келиши мумкин бўлган қулай шартлар ва хавф-хатарларни аниқлаб олиш мақсадида амалга оширилади.

Портер бунинг «бешта куч» моделини таклиф қилган. У мазкур модельни асослаб берар экан, бу кўрсаткичларнинг таъсир кучи қанчалик юқори бўлса, мавжуд компанияларда нарх ва даромадни ошириш имконияти шунчалик кам бўлишини таъкидлаган эди. Бунинг заифлашиши эса компаниялар учун қулай имкониятлар вужудга келтиради. Компания ўз стратегиясини ўзгаририб, ушбу кўрсаткичларни ўз фойдасига ўзгаририши мумкин.

Потенциал рақобатчиларнинг кириш хавфи (Портернинг биринчи кучи) компаниянинг даромадларига таҳдид солиши мумкин. Иккинчи томондан, агар бу хавф кичик бўлса, компания нархларни ошириб, ўз даромадларини кўпайтириши мумкин. Бу омил рақобатчилик кучи тўсиқларининг (тармоқка кириш қийматининг) баландлигига кучли даражада боғлиқ. Бундай тўсиқларнинг уч асосий манбай бор.

-харидорларнинг савдо маркасига содиқлиги (кириб келаётган компаниялар буни катта инвестициялар эвазига бартараф қилишлари мумкин);

-харажатлар бўйича мутлақ устунликлар (ишлаб чиқариш харажатларининг янада камлиги мавжуд компаниялар учун, янги компаниялар эришиши қийин бўлган катта устунликларни беради);

-кўламдан тежаш (бундай устунликка, одатда, катта компаниялар эга бўладилар). У яъни, стандартлаштирилган маҳсулотни ёппасига ишлаб чиқаришда харажатларнинг камайтирилиши, хом ашё, материал ва таркибий қисмларни катта микдорларда сотиб олишдаги чегирмалар, рекламага сарфланадиган харажатларнинг камайтирилиши ва ҳоказолар билан боғлиқ. Буларнинг барчаси ишлаб чиқаришни энди бошлаётган компаниялар учун катта қийинчиликлар туғдиради.

Портер назарияси бўйича иккинчи рақобатчи куч тармоқда мавжуд бўлган компанияларнинг рақобатлашувиdir. Бу ерда ҳам тўрт омилнинг таъсирини кўрсатиб ўтиш мумкин:

-тармоқдаги;

-рақобат тузилмаси;

-талабнинг шарт-шароитлари;

-тармоққа кириш тўсиқларининг баландлиги.

Тармоқдаги рақобатнинг тузилмаси тармоқдаги консолидация даражасига (унинг фрагментланганлиги, олигополия ёки монополия шароитлари мавжудлиги) боғлиқ. Фрагментланган тармоқда потенциал хатарлар қулаі имкониятларга қараганда күпрок бўлади, чунки бундай тармоқларга кириб келиш нисбатан енгил.

Консолидацияланган тармоқларда, одатда, катта ва мустақил компаниялар фаолият кўрсатадилар. Бинобарин, бир компаниянинг рақобатчилик фаолияти бошқа рақобатчиларнинг бозордаги улушига бевосита таъсир қиласи, натижада улар тезда бунга жавобан ҳракат қиласи ва рақобат кучаяди. Бундай компанияларнинг «нарх уруши» олиб бориши имконияти рақобатнинг асосий хатарли кучидир. Бундай ҳолларда компаниялар сифат устунликлари бўйича рақобатлашишга интиладилар, яъни «рақобатчилик уруши» савдо маркасига содиклик ва «нарх уруши» эҳтимолини камайтириш мавқеларидан олиб борилади. Бундай тактиканинг муваффакияти тармоқда маҳсулотни табақалаш имкониятларига боғлиқ.

Тармоқда талабнинг ўсиб бориши рақобатнинг сусайишига ва айни пайтда экспансия учун катта имкониятлар вужудга келишига олиб келади Талаб бозор билан бирга ўсиб боради. Компаниялар инвестицияларнинг қайтиш тезлигини ошириш имкониятига эга бўладилар, бу эса уларга бўлган зътиборни кучайтиради. Аксинча, ўсишнинг секинлашуви рақобатни кучайтириб юборади, натижада, компаниялар сотиш бозорларини фақат бошқа компаниялардан тортиб олиш ҳисобигагина қўлга киритишлари мумкин бўлиб колади. Шундай қилиб, талабнинг камайиши рақобатнинг кучайишига олиб келадиган асосий хавфdir.

Тармоқда талаб камайган пайтда чикиш тўсиқлари жиддий хавфга айланади. Чикиш тўсиқлари иқтисодий ва ҳиссий эмиллар бўлиб, улар компаниянинг даромади жуда оз бўлган ҳолларда ҳам кўллаб-кувватлаб туради. Натижада ортиқча ишлаб чиқариш кувватлари пайдо бўлади, бу эса нарх ракобатининг жонланишига олиб келади, чунки компаниялар бекор турган кувватлардан фойдаланишга уриниб, нархни пасайтириб юборадилар.

Одатда чиқиш тўсиқлари қуидагиларни ўз ичига олади:

-асбоб-ускуналарга ажратилган инвестицияларни бошқа мубобил ишларга ишлатиб бўлмайди ва агар компания бу соҳани тарк этса, ускуналарни ташлаб юборишга тўғри келади;

-чиқиш қийматининг ишдан бўшатиладиган ишчиларга тўланадиган маблағлар ҳисобига қатъий белгилаб қўйилганлиги;

- хўжаликнинг ўрта бўғинлари ўртасидаги стратегик ўзаро муносабатлар, масалан, сенергизм ёки улар ўртасидаги интеграция;
- тармоққа иқтисодий боғлиқлик; масалан, агар компания диверсияланмаган бўлса, у тармоқда қолишга мажбур бўлади.

Тармоқдаги фирмага таъсир қилаётган рақобат кучлари тармоқнинг цикли мобайнида ўзгариб, ривожланиб боради. Тармоқнинг жадал суръатлар билан ўсиши рақобат кучларини заифлаштириб қўяди. Бу босқичда экспансия ва бозор соҳаларини эгаллаб олиш учун қулай имкониятлар вужудга келади. Ўсиш сенингашган пайтда рақобатнинг ва айниқса, нарҳ рақобатининг хавфи кучайиб кетади. Етуклик босқичида рақобат хавфи камаяди, нарҳ рақобатини нарҳ пешқадамларининг келишуви ҳисобига чеклаш имконияти вужудга келади. Шунинг учун бу босқичда даромадлар нисбатан юқори бўлади. Бу босқичда нархга боғлиқ бўлмаган рақобат катта роль ўйнаши мумкин бўлиб, у маҳсулотларни табақалаш устунликларидан фойдаланадиган компанииялар учун жуда муҳимdir. Таназзул босқичида вазият ўзгарида. Чиқиши тўсиклари юқори бўлса, рақобат жуда кучаяди, даромад камаяди ва нарҳ уруши хавфи вужудга келади.

Портернинг «учинчи кучи» харидорларнинг «савдолашиш» имкониятидир. У энг яхши сифат ёки хизмат кўрсатишга бўлган талаб туфайли нархларга тазийқ кўрсатиш хавфини вужудга келтиради. Заиф харидорлар эса, аксинча, нархларнинг ўсишига ва даромаднинг ортишига йўл қўядилар. Харидорлар қуйидаги холларда, айниқса, кучли бўлади:

- етказиб берувчи соҳа бир неча кичик компаниялардан таркиб топган бўлиб, харидорлар кам бўлганда;
- харидорлар товарларни катта микдорда сотиб олганда;
- тармоқ ўз фаолият туридан келиб чиқсан ҳолда харидорларга кучли даражада боғлиқ бўлганда;
- харидорлар бир неча етказиб берувчи тармоқлар ичидан энг пасть таклиф қилаётган биттасини танлаш имкониятига эга бўлганда (бу тармоқда нарҳ рақобатини кучайтиради);
- харидорлар учун турли компаниялардан товар сотиб олишни оддий жиҳатдан яхлит битта харид деб қараш мумкин бўлганда ва ҳоказо.

Тўртингчи рақобат кучи – етказиб берувчиларнинг тазийқ кўрсатишидир. Бу тазийқ натижасида етказиб берувчилар нархларни кўтариш билан таҳдид солиб, компанияларни ет-

казиб берилаётган маҳсулот миқдорини камайтиришга мажбур қиласи ва даромадни пасайтиради. Бунга муқобил равишида – заиф етказиб берувчилар ўз маҳсулотларига бўлган нархни пасайтиришга ва юқорироқ сифатни талаб қилишга имкон берадилар. Куйидаги ҳолларда етказиб берувчилар томонидан кўрсастиладиган тазиқ айниқса, кучли бўлади:

- етказиб берилаётган маҳсулотнинг ўрнини боса оладиган товарлар кам бўлиб, у компаниянинг ишончли маҳсулоти бўлгандা;
- тармоқдаги компаниялар таъминотчи фирмалар учун бўлмаганда;
- етказиб берилаётган маҳсулотларнинг сифати юқорилиги туфайли компанияларнинг бошқа маҳсулотга ўтиши қимматга тушганда;
- етказиб берувчилар олдинга интилишда вертикал интеграцияланиш хавфидан фойдаланганда;
- сотиб олувчи компаниялар орқага томон вертикал интеграцияланиш хавфидан фойдалана олмаганда.

Бешинчи рақобатчи куч – товарнинг ўрнини босувчи маҳсулотларнинг пайдо бўлиш хавфидир. Товарнинг ўрнини тўлиқ эгалрайдиган маҳсулотларнинг мавжудлиги жиiddий хавф туғдиради ва компания нархларини ҳамда даромадларини чеклаб қўяди. Аммо компания маҳсулотларининг ўрнини боса оладиган товарлар кам бўлса компания нархларни ошириши ва қўшимча даромад олиши мумкин. Компаниянинг стратегияси бу далилдан фойдалана олиши лозим.

Тармоқдаги рақобат даражасига кўра куйидаги *турларга бўлинади*:

1. Шафқатсиз рақобат.
2. Жадал рақобат.
3. Меъёрдаги рақобат.
4. Жалб қилувчи заиф рақобат.

Бозорга янги кириб келган фирма янги ишлаб чиқариш қувватига, айрим ҳолларда каттагина ресурсларга ҳам эга бўлиш мумкин. Бундай фирмалар бозорда ўз ўрнини топиб эгаллаш учун курашади. Бозорда янги рақобатчининг пайдо бўлиши қўидаги омилларга боғлиқ:

- бозорга кириш борасидаги тўсиклар;
- бозорда ишлатгандан компанияларнинг реакцияси;
- ишлаб чиқариш миқиёсининг тежамкорлиги (бундай усули бозорда ишлатгандан катта ҳажмга эга бўлган компанияларда бўлади. Янги фирма эса бозорга бирданига катта ҳажм билан чиқолмайди);
- технология ва ноу-хауга эришиш имкониятининг йўқлиги;
- «ўқитиш-тажриба» эгри чизигининг самараси;

- харидорларнинг маълум товар маркаларига мойиллиги;
- корхона ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатларнинг тенг эмаслига;
- сотиш каналларига кира олиш;
- назорат қилувчи органларнинг ҳаракатлари (лицензия рухсатномалар);
- тарифлар ва тарифдан ташқари чеклашлар (демпингга қарши қонунчилик, маҳаллий фирмаларнинг мажбурий иштироки).

3.2.2. Рақобат кучлари таркибида ўзгариш ясовчи омиллар

Бозордаги вазият тез-тез ўзгариб туради, чунки бозорда ишлаттган компаниялар бозорга кириб келаётган янги фирмаларни ўзиёсатини ўзгартиришга мажбур қиласди. Бозорда энг кўп таъсир қиласидиган кучлар «рақобатни ҳаракатлантирувчи кучлар», деб аталади. Бу кучларни таҳлил килиш икки босқичдан иборат:

1. Ҳаракатлантирувчи кучларни аниқлаш.
2. Ушбу кучлар таъсирини аниқлаш.

Бозорда энг кўп учрайдиган ҳаракатлантирувчи кучлар кўйидагилардан иборат:

- иктисодий ўсишнинг узоқ муддатли тенденцияларидаги ўзгариши;
- истеъмолчилар таркиби ва товарлардан фойдаланиш усулларининг ўзгариши;
- янги маҳсулотларни жорий қилиш;
- технологик ўзгаришлар;
- маркетинг тизимидағи ўзгаришлар;
- йирик фирмаларнинг бозорга кириши ёки чиқиши;
- ноу-хаунинг тарқалиш даражаси;
- тармоқлар кенг қамровлилигининг ўсиши;
- унумдорлик ва харажатлар таркибининг ўзгариши;
- харидорлар мойиллигининг табакаланган товарлардан стандарт товарларга ўтиши;
- давлат қонунчилиги ва сиёсатидаги ўзгаришларнинг таъсири;
- ижобий қадриятлар, мойилликлар ва турмуш тарзининг ўзгариши;
- ноаниқлик ва таваккалчилик омиллари таъсирининг камайиши.

3.2.3. Компания рақобат мавқенинг күчли ва заиф жиҳатлари

Тармоқдаги рақобат таркибини ўрганишдаги кейинги қадам бу компанияларнинг, бозордаги ўрнини аниқлашдир.

Стратегик гурухлар харитаси – тармоқда рақобатлашаётган фирмаларнинг рақобат мавқеларини акс эттирувчи асбодири. Бу таҳлилий усул тармоқнинг умумий таҳлили ва ҳар бир фирманинг бозордаги мавқенин бир-бирига боғлайди. Бунинг учун тармоқда ишләётган барча компания ва фирмалар стратегик гурухларга бўлинади. Стратегик гурухларга рақобат услуги ва бозордаги мавқеи бир хил бўлган фирмалар киритилади. Бозордаги асосий рақобатчилар нечта бўлса, стратегик гурухлар сони ҳам шунча бўлади, аммо бунинг учун рақобатчиларнинг ҳар бири ўзининг рақобат усулига ва бозорда ўз мавқеига эга бўлиши лозим.

Стратегик гурухлар харитасини тузиш тартиби қўйидагича:

1. Тармоқдаги фирмаларнинг бир-биридан фарқлантирувчи белгилари аниқланади.
2. Хаританинг ўқлари бўйлаб турли тавсифлашларнинг жуфтлиги туширилади.
3. Фирмалар харитага икки ўзгарувчан кўрсаткичларга асосан жойлаштирилади.
4. Битта стратегик зонага кирган фирмалар стратегик гурухга бирлаштирилади.

5. Ҳар бир стратегик гурух атрофида айлана чизилади. Айлананинг диаметри ҳар бир стратегик гурухнинг бозордаги ўрнига пропорционал бўлади. Ана шу кўрсаткичлардан фойдали стратегик гурухларнинг икки ўлчами харитасини тузиш мумкин.

Бир тармоқда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг нисбий рақобат мавқеларини ўрганиш учун стратегик гурухлаш жараёнларидан фойдаланилади.

Бир стратегик гурухдаги компаниялар маҳсулотлар кўлами-нинг кенглиги, товар ҳаракати каналларидан фойдаланиш усуллари, технологик ёндашувлар, вертикал интеграцияланиш даражаси, сервис технологик хизмат кўрсатиш (характери) табиати каби турли белги бўйича бирлашишлари мумкин. Тармоқда бозорга нисбатан стратегик ёндашувлари бир хил бўлган битта стратегик гурух мавжуд бўлиши мумкин.

Стратегик гурухлар харитасини тузиш ва фирмаларни у ёки бу гуруҳ таркибиға киритиш қуйидагича амалга оширилади:

1. Тармоқдаги фирмаларни бир-биридан фарқловчи ракобат тавсифлар аникланади (нарх, сифат, фаолият географияси, интеграл даражаси, маҳсулот номенклатураси ва ҳоказо).

2. Фирмаларнинг ҳолатини икки чизиқли чизмага жойлаштириш (тандаб олинган хусусиятлари бўйича).

3. Бир стратегик соҳага тўғри келадиган фирмалар аникланади.

4. Ҳар бир гурухнинг тармоқдаги умумий савдо ҳажмидаги улуши аникланади.

Агар жиддий тафовутлар сони иккитадан ортиқ бўлмаса, бир неча ҳарита тузиш мақсадга мувофиқдир. Турли стратегик гурухлар бир-бирига қанчалик яқин жойлашган бўлса улар ўртасидаги ракобат шунчалик кучли бўлади. Энг яқин рақобатчиларнинг феъл-авторини ўрганиш жуда муҳим.

Рақобатчиларнинг стратегиясини, уларнинг келгусида қандай йўл тутишини билмай туриб, улар билан муваффақиятли ракобатлашиб мумкин эмас. Рақобатчилар нима қилаётганлиги ва нима қилмоқчи булганилигини билиш компаниянинг стратегик фаолияти учун ниҳоятда зарур, акс ҳолда у ҳар доим мудофаа истеҳкомида бўлишга мажбур. Рақобатчиларнинг стратегиялари 4-жадвал ёрдамида аникланади. Одатда, рақобатчиларнинг мақсади ва стратегиялари ҳақидаги маълумотларни ушбу жадвал ёрдамида умумлаштириш муайян ракобатчилик хатарлари ва мавқеларини баҳолаш учун етарлидир. Фирмаларнинг рақобатчиликдаги келгуси мавқеларини баҳолаш учун уларнинг бозордаги ўз ахволини яхшилаш имкониятларига эътиборни қартиш лозим. Агресив рақобатчилар янги стратегик ташаббуслар манбаидир. Ўз мақсадига эришган рақобатчилар ўзларининг ҳозирги стратегиясини амалга оширишда давом этадилар. Безовта ва молиявий жиҳатдан оғир ахволда қолган рақиблар ҳужумчи ёки мудофаачи сифатида янги-янги стратегик хатти-ҳаракатларни кўллашлари мумкин. Щу боис ўзингизни ушбу компания менежерларининг ўрнига қўйиб, уларни қандай йўл тутиши мумкинлигини мулоҳаза қилиб кўришингиз мумкин.

4-жадвал. Рақобатчиларнинг мақсад ва стратегиялари таркиби

Стратегик даъволар	Хукмрон, пешкадам бўлиш. Соҳадаги мавжуд пешкадамдан ўзбиз кетиш. Етакчи бешталикка кириш. Биринчи ўнликка кириш. Муайян ракобатчидан ўзбиз кетиш (пешкадам бўлиш шарт эмас) Мавқени кўлдан чикармаслик. Касодга учрамаслик.
Бозор ҳажмига оид мақсадлар	Сотиб олиш ва ички хисобига агресив экспансия. Ички ўсиш хисобига экспансия Сотиб олишлар хисобига экспансия. Мавжуд улушни сақлаб қолиш, кисқа муддатли даромад олиш мақсадида бозорни кенгайтириш.
Мавқе вазият раҳобати	Ҳаракатда бўлиш мавжуд нарсани сақлаб қола олади ва яхши химояланга олади, ўзини гурӯҳ ўртасида турадиган мавқеини кучайтиришга уринади
Стратегик феъл-атвор	Асосан хужум, мудофаа, химоя ва хужум аралаш, тажовузкор, қалтис консерватив, бўш.
Рақобат стратегияси	Нарҳда пешкадамлика интилиш. Бозордаги бўшликларга эътибор қаратиш. Дифференциацияга асосланган таъкиб: сифат, сервис, технология, кўлам, товарлар, имиж ва бошқа жиҳатлар бўйича.

3.2.4. Рақобат курашида муваффақият ва муваффақиятсизлик омиллари

Агар фирма ёки компания ўз рақибларининг хатти-ҳаракатларини кузатиб бормаса, у табиий, ютқазади. Худди шахматдагидек, рақобат курашида ҳам рақибининг кейинги юришини олдиндан кўра билиш катта аҳамиятга эга. Агар рақибининг кейинги “юриши” қандай бўлиши мумкинлигини олдиндан хис қила олмаса, компания ғалаба қозона олмайди. Бу борадаги рақобат қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

1. Рақиблар стратегиясини аниқлаш. Бунинг учун рақиб компания фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, унинг бозордаги мавқеи, стратегик мақсадлари, рақобат стратегиясини ўрганиши зарур.

2. Келажакда тармоқнинг етакчиси бўлиш ёки етакчи бўлган фирмаларни аниқлаш. Бунинг учун ҳар бир фирманинг потенциал имкониятларини ўрганиб, уларнинг ичидан бошқалардан ўзбиз кетиш имконияти бўлмаган фирмалар белгиланади. Келажакда қайси фирмалар ўз мавқеини йўқотади, қайси бири етакчи бўлиши мумкинлигини тўғри белгилаш фирма стратегиясини тузиша аҳамият касб этади.

3. Рақибларнинг кейинги режасини олдиндан қўра билиш:
тажовузкор рақиб, одатда, қандайдир янги стратегик қадам қўяди.

Ўзининг бозордаги мавқеидан қаноатланадиган фирмалар эса амалдаги стратегиясини саклаб турди. Омадсиз фирмаларнинг ахволи ёмонлашуви оқибатида улар яхши ўйламасдан ҳам ҳужумга ўтишга мажбур бўладилар. Рақибнинг кейинги режасини олдиндан била олиш учун ўша компаниядаги вазиятни, раҳбариятнинг кайфиятини, уларнинг фикрлаш тарзини билиш лозим. Рақиб ҳакида ахборот йигишга қаратилган (разведка) фаолият унинг ҳаракатларини олдиндан билиш ва самарали қарши чоралар кўриш имконини беради.

4. Муваффакиятнинг асосий омиллари (МАО). Муайян тармоқдаги молиявий ва рақобатли муваффакиятнинг асосий белгиловчи омилларини аниқлаш лозим. Уларни аниқлаш – стратегия ишлаб чиқишининг асосий йўналишларидан бири саналади. Улар, яъни муваффакиятнинг асосий омиллари стратегияни ишлаб чиқища ҳал қўйувчи вазифани бажариши мумкин. Бироқ муваффакиятнинг асосий омиллари турли тармоқларда ҳар хил бўлади. Одатда бир тармоқда шунга ўхшаш уч-тўртта омил характерли бўлиб, уларнинг бир-иккитаси энг муҳими ҳисобланади ва таҳлилиниг вазифаси уларни аниқлашдан иборат бўлади.

Кўйида МАОнинг турлари ва уларнинг таркибий қисмлари санаб ўтилган:

1. Технологияга боғлиқ омиллар:

- илмий тадқиқотлар савияси;
- ишлаб чиқариш жараёнларида инновацияларга қодирлик;
- маҳсулотда инновацияларга қодирлик;
- мазкур технологияда экспертларнинг роли.

2. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ омиллар.

- кам харажатли ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги (ишлаб чиқариш кўламидан тежаш, тўпланган тажриба самараси);
 - ишлаб чиқариш сифати;
 - ишлаб чиқариш харажатларининг кам бўлиши, кафолатланаидиган ҳолда жойлаштирилиши;
 - тегишли малакали ишчи кучи билан таъминлаш, юқори меҳнат унумдорлиги (айниқса, кўп меҳнат талаб қилинадиган соҳаларда);
 - арzon лойиҳалаштириш ва техник таъминот;
 - ишлаб чиқаришнинг модель ва ўлчамларининг ўзгаришга мослашувчанлиги.

3. Тақсимлаш билан боғлиқ омиллар:

- дистрибьюторлар дилерларнинг құдратли тармоғи;
- чакана савдодан тушадиган даромадлар эхтимоли;
- компаниянинг ўз тармоғи;
- тезкор етказиб бериш.

4. Маркетинг билан боғлиқ омиллар:

- савдонинг яхши синалган, текширилган усули;
- қулай, арzon сервис ва техник хизмат кўрсатиш;
- харид талабларининг муайян қондирилиши;
- товарлар диапазонининг кенглиги; тижорат санъати;
- жозибали дизайн ва жойлаш, ўраш;
- харидорлар учун кафолатлар.

5. Малакага боғлиқ омиллар

- ноёб истеъдодлар;
- сифатни назорат қилиш «ноу-хау»си;
- лойиҳалаш соҳасидаги эксперталар;
- технология соҳасидаги эксперталар;
- аниқ ва содда реклама қилиш қобилияти;

-ИТТКИ босқичида ишлаб чиқариш натижасида янги маҳсулотларни маълум қилиш ва уларни тез бозорга олиб чиқа олиш.

6. Ташкилотнинг имкониятларига боғлиқ омиллар:

- олий даражадаги ахборот тизимлари;
- ўзгариб турган бозор шароитларига тез мослаша олиш қобилияти;
- бошқарув маҳорати ва бошқарув соҳасидаги «ноу-хау»-ларнинг мавжудлиги.

7. МАОнинг бошқа турлари:

- ижобий имиж ва обрӯй;
- ўзини пешқадам деб ҳис қилишга;
- қулай жойлашув,
- хушмуомалалик билан хизмат кўрсатиш;
- патент ҳимояси;
- умумий харажатларнинг камлиги.

Бундан ташқари, тармоқнинг жозибадорлигига умумий баҳо бериш лозим.

Муваффақиятнинг омиллари (МО) рақобатбардош бўлиш ва молиявий барқарорликка эришиш учун фирма таъминлаши лозим бўлган рақобат имкониятлари ва фаолият натижалариидир.

МО шундай омилларки, уларга фирма алоҳида эътибор бериши керак, чунки улар фирманинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигини белгилаб беради. Масалан, пиво саноатида ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ бандлигини таъминлаш шундай омилга киради (бу ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради). Муваффақиятнинг асосий омиллари ҳар бир тармоқда ўзига хос хусусиятга, кўринишга эга бўлади. Айрим тармоқларда МОлар 3-4 та бўлиши мумкин. Лекин уларнинг бир-иккитисигина ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Тармоқ ва ундаги рақобат таҳлили орқали пиравард, тармоқнинг жозибадорлиги аниқланади. Бунинг учун куйидаги кўрсаткичлар асос қилиб олинади:

- тармоқнинг ўсиш имкониятлари;
- харакатлантирувчи кучларнинг тармоққа ижодий ёки салбий таъсир кўрсатиши;
- тармоққа йирик фирмаларнинг кириш (чиқиш) имкониятлари;
- талабнинг барқарорлиги;
- рақобат кучлари таъсирининг кучайиши ёки заифлашиши;
- тармоқ олдида турган муаммоларнинг жиддийлиги;
- таваккалчилик ва ноаниқлик даражаси;
- рақобат натижасида тармоқдаги даромад даражасини пасайиши ёки кўтарилиши.

Бундай умумлаштириш 5-жадвал ёрдамида амалга оширилади. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, таҳлил ўйлаб ўтирмай кўллайверадиган алгоритм эмас. Дастребни маълумотлардан фойдаланиш ҳам, натижаларни талқин қилиш ҳам ижодий ёндашувни талаб қиласи. Бундай таҳлил бир марталик жараён бўлмай, реал ўзгаришларни ҳамда уни кўллаш амалиётининг натижаларини хисобга олган ҳолда даврий тақрорлаб туришни талаб қиласи.

Соҳа ва рақобат таҳлилларини умумлаштирувчи кўрсаткичлар

1. Соҳавий мухитнинг асосий иқтисодий тавсифлари (бозорнинг ўсиши, географик хусусиятлари, тармоқнинг тузилмаси, иқтисодий мавқеи, инвестицияларга бўлган талаблар ва ҳоказо).

2. Ҳаракатлантирувчи кучлар.

3. Рақобат таҳлили.

3.1. Рақобатлашувчи сотувчилар ўртасидаги мусобака (кучли, ўртача, заиф, рақобат воситаси).

3.2. Потенциал кириш хавфи (кучли, ўртача, заиф, кириш тў-сикларининг таркиби).

3.3. Товарнинг ўрнини босувчи маҳсулотларнинг рақобати (кучли, ўртача ёки заиф (нима учун?).

3.4. Етказиб берувчиларнинг «савдолаша олиш» қобилияти (кучли, ўртача ёки заиф (нима учун?).

3.5. Истемолчиларнинг «савдолаша олиш» қобилияти (кучли, ўртача ёки заиф (нима учун?).

4. Асосий компанияларнинг (стратегик гурухларнинг) рақо-батчилик мавқеи.

4.1. Кулай мавқелашиб (нима учун?).

4.2. Нокулай потенциялашиб (нима учун?).

5. Рақобат таҳлили.

5.1. Асосий рақобатчиларнинг стратегик ёндашувлари (амалга ошириши мумкин бўлган хатти-харакатлари).

5.2. Кимни ва нима учун кузатиш керак?

6. Муваффакиятнинг асосий омиллари.

7. Тармоқнинг истиқболлари ва умумий жозибадорлиги.

7.1. Тармоқни жозибали қилувчи омиллар.

7.2. Товарнинг жозибадорлигини камайтирадиган омиллар.

7.3. Тармоқнинг ўзига хос натижалари (муаммолари).

7.4. Рентабеллик истиқболлари (ижобий, салбий).

3.3. Тармоқдаги рақобат ва рақобат стратегиясининг турлари

3.3.1. Рақобатнинг бешта умумий стратегияси

Компаниянинг рақобат стратегияси – бизнесга ёндашув ва ми-жозларни жалб қилишга қаратилган ташаббуслар, компаниянинг бо-зордаги мавқени мустаҳкамлашиб учун олиб борадиган курашидан иборат. Бозордаги рақобатни урушга ўхшатиш мумкин. Бу урушда рақиблар ярадор бўлиши, зарар кўриши мумкин. Бунда фақат энг яхши стратегия ғалаба қозонади. Компаниянинг рақобати ҳужум-корлик ва мудофаа ҳаракатларини, қисқа муддатли тактик ва узок муддатли ҳаракатларни ўз ичига олади.

Бозордаги рақобатчилар нечта бўлса, рақобатчилик страте-гиясининг варианatlари ва кўринишлари шунча бўлади. Бироқ, тури қанчалик кўп бўлмасин, уларнинг ўхшашилклари топилади.

Ёндашишнинг кенг тарқалган 5 варианти мавжуд бўлиб, улар қуида келтирилган:

1. Харажатлар бўйича илғорлик стратегияси. Товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда тўла харажатларни пасайтиришни кўзда тулади. Бу эса кўп сонли харидорни жалб қиласди.

2. Кенг табакалаштириш стратегияси. Компания товарларга рақобатчи фирмалар товарларидан фарқ қилдирадиган чизгиларни беришга қаратилган. Бу ҳам харидорларни жалб этишига ёрдам беради.

✓ 3. Энг кулай харажатлар стратегияси. Харидорларга паст харажатлар ва маҳсулотни кенг табакалаштиришни уйғунлаштириш ҳисобига қимматли товар олиш имкониятини беради. Асосий ўхша什 товарни ишлаб чиқарувчиларга нисбатан энг кулай харажатлар ва паст баҳоларни таъминлашдан иборат.

4. Фокусланган стратегия, бунда стратегия паст харажатларга асосланган бўлиб, харидорларнинг тор сегментига йўналтирилади. Бунда фирма анча паст баҳолар ҳисобига ўз рақобатчиларидан ўтиб кетади.

5. Ифодаланган стратегия ёки маҳсулотни табакалаштиришга асосланган бозор уяси стратегияси. Унинг мақсади – танланган сегментлар намояндадарини уларнинг дид ва талабларига жавоб берадиган товар ва хизматлар билан таъминлашdir.

3.3.2. Рақобат устунлигини сақлаб қолиш учун ҳужумкорлик стратегиясидан фойдаланиш

Рақобат устунлигига, деярли ҳар доим муваффақиятли ҳужумкор стратегик ҳаракатлар ҳисобига эришилади. Устунликка эришишни таъминлаш учун муваффақиятли ҳужумкор стратегияга қанча вақт талаб этилиши тармоқдаги рақобат тавсифига боғлик. Устунликни таъминлаш вақт қисқа бўлиши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги каби, мураккаб технологик жараёнли капитал талаб этадиган тармоқлардаги каби анча давомли бўлиши ҳам мумкин. Идеал даражада созланган ҳаракатлар миқёси анча катта бўлган (масалан, фармацевтикада янги қимматбаҳо дорининг патентига эга бўлиш сезиларли устунликни таъминлайди) ёки унча катта бўлмаган (масалан, тиккувчилик саноатида. Бунда кийимларнинг янги модадаги фасонлари нусха кўчириш орқали осонгина ўзлаштирилиши мумкин) рақобат устунлигини яратиши мумкин.

Муваффакиятли хужумдан сўнг «меваларнинг самарасини» кўриш даври келади. Бу даврнинг давомийлиги эса рақибларга йўқотилган мавқеларни қайтариб олиш учун хужумга ўтишга қанча вақт керак бўлишига боғлик.

Рақиблар фирма яратган устунликка қарши жиддий хужум бошлашлари билан унинг емирилиши бошланади. Эгалланган мавқенини сақлаб қолиш учун фирма иккинчи стратегик хужумни амалга ошириши керак. Унинг фундаментини эса рақобатчи устунликка эришиш мақсадида курашни кучайтирган пайтларида хужумга ўтишга тайёр туриш учун «мевалар самарасини» кўриш даврида ҳозирланиб қўйиш керак бўлади. Рақобат устунлигини сақлаб туриш учун фирма рақиблардан бир погона баланд бўлиши лозим. Бозорда ўз мавқенини мустаҳкамлаш учун кетма-кет стратегик хужумлар уюштириш ва харидорларнинг мойиллигини сақлаб туриш талаб этилади.

Хужумкор стратегиянинг олти асосий тури ажратиб кўрсатилади:

1. Рақобатчининг кучли томонларига қаршилик кўрсатиш ёки улардан ўзиди кетишига қаратилган ҳаракатлар.
2. Рақобатчининг заиф томонларидан фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар.
3. Бир неча фронтларда бир вақтда хужумга ўтиш.
4. Эгалланмаган бўшликларни эгаллаш.
5. Партизан уруши.
6. Зарбалар.
7. Рақобат устунлигини ҳимоя қилиш учун мудофаа стратегияларидан фойдаланиш.

Рақобат бозорларида барча фирмалар рақобатчилар уюштирадиган хужумларнинг обьектлари бўлиши мумкин. Хужумлар худди эски, амалдаги фирмалар томонидан бўлганидек, янги фирмалар томонидан ҳам бўлиши мумкин. Ҳимоявий стратегиянинг мақсади хужумга учраш хавфини камайтириш ёки уларни энг кам йўқотиш билан ўтказиб юбориш. Ҳимоя стратегияси компаниянинг рақобат устунлигини кучайтирмаса ҳам, рақобат мавқеи атрофидага мудофаа иншоотларини ташкил этиш ва рақобат устунлигини сақлаб қолиш имконини беради.

Рақобат устунлигини ҳимоя қилишнинг бир қанча йўллари мавжуд. Улардан бири – рақобатчиларнинг ишланган ҳаракатларини бошлашлари учун халақит бериш. Бундай ёндашув қўйидаги асосий қадамларни кўзда тутади:

1. Бозорнинг бўш жойларини тўлдириш учун маҳсулот номен-клатурасини кенгайтириш.

2. Рақобатчилар эга бўлган ёки эга бўлиши мумкин бўлган моделлар ва маҳсулотлар навларини ишлаб чиқариш.

3. Пастрок нархларда рақобатчиларнинг маҳсулотларига яқин моделларни таклиф этиш.

4. Рақобатчиларни воситачи ва дистрибьютерларнинг тақсимлаш тармогидан сиқиб чиқариш учун улар билан шартномалар имзолаш.

5. Воситачилар ва дистрибьютерлар бошқа таъминотчилар билан алоқа боғлашларига халал бериш учун уларга сезиларли чегирмаларни кафолатлаш.

6. Истеъмолчиларга бепул ёки паст нархларда ўқитишни таклиф этиш.

7. Истеъмолчиларнинг ўз маҳсулотига бўлган талабини сак-лаб қолиш учун чоралар кўриш.

8. Кредитга сотиш ҳажмларини ошириш.

9. Бутловчи қисмлар етказиб бериш вақтини қисқартириш.

10. Муқобил технологияларни патентлаш.

11. Хусусий ноу-хауларни ҳимоялаш

12. Энг яхши таъминотчилар билан эксклюзив шартномалар имзолаш.

13. Рақобатчиларни яқинлаштирмаслик учун хом ашёларни катта ҳажмларда сотиб олиш.

14. Рақобатчилар билан ишлайдиган таъминотчилардан воз кечиши.

15. Товарлар ва рақобатчилар ҳаракатларини доимо назорат килиб туриш.

Ҳимоявий стратегияга бўлган иккинчи ёндашув рақобатчиларга уларнинг ҳаракатлари жавобсиз қолмаслиги ва компания хужумга тайёр эканлигини етказиб туришдан иборат.

Рақобатчиларнинг ҳужумкор ҳаракатларига қаршилик кўрсатишнинг бошқа йўли рақобатчиларни ўзига жалб этадиган ва уларни ҳужумкор ҳаракатларга ундейдиган фойдани камайтиришга уринишдан иборат.

Фирманинг фойдалилиги қанча юқори бўлса, бошқалар учун ўзига жалб этадиган «хўрак» вазифасини ўтайди ва ҳужумкор ҳаракатлар қилиш истагини билдиради. Бундай шароитда компания ҳисоб механизмлари ёрдамида ҳимояланиши мумкин.

3.3.3. Вертикал интеграция стратегияси ва рақобат устунлиги

Компания маблағларини вертикал интеграцияга инвестиция қилишнинг асосий сабаби унинг рақобат мавқеининг кучайганлигидир. Агар вертикал интеграция компания харажатларининг сезиларли даражада пасайишига ёки қўшимча рақобат устунлигига эришишга олиб келмас экан, у стратегик ҳисобланмайди ва унга маблағ сарфлашнинг фойдаси йўқ.

Ишлаб чиқаришнинг талаб этиладиган ҳажми шу даражада юқори бўладики, у худди таъминотчилардаги каби ишлаб чиқариш миқёсларида шундай тежамкорликни таъминлайди. Шундагина «орқага» интеграция харажатларини пасайишига олиб келади.

«Олдинга» вертикал интеграция ҳам ана шундай илдизларга эга.

Вертикал интеграциянинг камчиликлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Интеграллашган фирмалар янги технологияларга секин кўнизиш тенденциясига эга бўладилар, чунки бу катта харажатлар билан боғлиқ.

2. Интеграция таъминотчиларни эркин танлаш борасида фирманинг имкониятларини чеклайди.

3. Вертикал интеграция кадриятлар занжиридаги ҳар бир босқичда қувватлар баланслиги билан боғлиқ бўлган муаммоларга олиб келади.

4. «Олдинга» ёки «орқага» интеграция турли малака, маҳорат ва ишбоп қобилиятларни талаб этади.

Шундай қилиб, вертикал интеграция стратегиясининг ҳам кучли, ҳам кучсиз томонлари бўлиши мумкин. Интеграциянинг қандай йўналиш ва миқёсларни танлаши қўйидагиларга боғлиқ:

1. Интеграция компаниянинг стратегик жиҳатдан муҳим бўлган иш соҳалари харажатларини пасайтиришга ёки табақалаштиришни чукурлаштириш томонини яхшилашга қодирми?

2. Капитал харажатлар, жавоб реакциясининг чандастлиги ва тезлигига, маъмурий харажатларга қандай таъсир кўрсатади?

Рақобат устунлигини яратишга қодирми?

3.3.4. Бошловчиликнинг устунликлари ва камчиликлари

Вакт омили стратегияни танлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Яъни у устунликка эришиш учун «қалдироч» фирманинг «қалтис вакт»да стратегик харакат керакми ёки йўқ?» деган саволига жавоб беради.

Бириңчи бўлиб стратегик қадамларни қўйган фирма шундагина юқори натижаларга эришиши мумкинки, бунда:

1. Ташиббускорлик фирманинг обрў орттиришига ёрдам берса.

2. Ҳом ашё, янги технологиялар таъминотчилари, сотиш тармоқлари билан эрта ўрнатилган алоқалар мутлақ устунликни эгаллашга имконият яратиши мумкин бўлса.

Бириңчи харидорлар тақорий харидларни амалга ошириб, компанияяга кучли ихлосмандликни сақлаб қолса.

Аммо кутиш ҳар доим ҳам муваффакиятсиз ёндашув бўлавермайди. «Қалдирғочлар» учун қийинчиликлар пайдо бўлади, қачонки:

1. Бириңчи бўлиб юриш, йўлбошчилардан кейин юришга қарганда анча қимматга тушса.

2. Технологик ўзгаришлар шунчалик тез амалга ошадики, илк инвестициялар тезда самарали бўлмай қолади.

3. Бозорга киришни кутаётганларга осонроқ чунки харидорлар ҳар доим ҳам «қалдирғоч»ларга ўз садоқатини сақлаб қолавермайдилар.

4. Илгарилаб кетаётганларнинг маҳорат ва ноу-хауларидан осонгина нусха кўчирилиши мумкин ёки ҳатто орқада қолаётганлар томонидан такомиллаштирилиши ҳам мумкин.

IV боб. КОМПАНИЯНИНГ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

4.1. Компаниянинг стратегик мавқенини баҳолаш услуби

Бу мавзуда компания ҳолати таҳлилиниг услубиятини кўриб чиқамиз.

У қўйидаги саволларга келиб тақалади:

1. Амалдаги стратегия қай даражада самарали?
2. Компаниянинг кучли ва заиф томонлари нимада?
3. Компания нархлари ва харажатлари рақобатбардошми?
4. Компаниянинг рақобатчилик мавқеи қай даражада мустаҳкам?
5. Компания қандай стратегик муаммоларга тўқнаш келади ?

Бу саволларга жавоб бериш учун 4 та таҳлилий мезондан фойдаланилади: SWOT – таҳлил, қийматлар занжири, харажатлар таҳлили ва рақобатбардошликни баҳолаш.

SWOT-таҳлил

SWOT – инглизча Strengths (кучлар), Weaknesses (заиф томонлар), Opportunities (кулай имкониятлар) ва Threats (таҳдидлар) сўзларидан тузилган акронимdir.

SWOT – таҳлил қўйидаги саволларга жавоб топишга ёрдам беради:

- Компания ўз стратегиясида ўзининг ички кучли томонларидан ёки устунликларидан фойдаланадими? Агар компаниянинг хеч қандай ажralиб турувчи устунликлари бўлмаса, унинг қандай потенциал кучли жиҳатлари ана шу устунликларга айланиши мумкин?

- Компаниянинг заиф жиҳатлари унинг рақобатдаги энг нозик томонларими? Улар маълум бир қулай жиҳатлардан фойдаланишга имкон бермайдими? Стратегик жиҳатдан келиб чиқсан ҳолда қайси заиф жиҳатларга тузатиш киритиш керак?

- Қандай қулай шароитлар компанияга муваффакият қозонишига имконият яратади? Шуни қайд килиб ўтиш лозимки, фойдаланиш усуллари бўлмаган қулай имкониятлар саробдан бошқа нарса эмас. Фирманинг кучли ва заиф томонлари унинг бошқа фирмаларга қарангда қулай имкониятлардан фойдаланишга яхшироқ ёки ёмонроқ даражада мослашишига ёрдам беради.

- Менежерни қайси таҳдидлар кўпроқ ташвишлантириши керак?

- Ҳимояни яхши ташкил қилиш учун қайси стратегик чоратадбирларни амалга ошириш лозим?

Компаниянинг ички ҳолати асосан S ва W билан, ташки мұхити эса О ва Т күрсаткычларда ифодаланади. 5-жадвалда SWOT-тахлилда хисобга олиш мақсадға мувофиқ бўлган асосий омиллар көлтирилган.

5-жадвал

SWOT тахлилда хисобга олинадиган омиллар

Потенциал ички жиҳатлар (S):	Потенциал ички заиф жиҳатлар (W):
Аниқ намоён бўлиб турган нуфузлилик	Баъзи нуфузли жиҳатларни қўлдан бой бериш
Муносиб молиявий манбалар	Стратегияни ўзгаририш учун зарур бўлган молиявий маблағларнинг йўклиги
Рақобат кураши санъатининг юксаклиги	Бозор маҳорати ўртачадан паст
Истеъмолчиларни яхши тушуниш	Истеъмолчилар ҳақидаги ахборотнинг таҳлил қилинмаслиги
Тан олинган бозор пешқадами	Бозорнинг заиф иштирокчиси
Аниқ ифодаланган стратегия	Аниқ ифодаланган стратегиянинг йўклиги, уни амалга оширишдаги изчилликнинг йўклиги
Ишлаб чиқариш кўламидан тежаш, нархдаги устунлик	Махсулот нархининг асосий рақобатчиларга қараганда юкорилиги
Фирманинг ўз ноёб технологияси, энг яхши ишлаб чиқариш қувватлари	Эскирган технология ва асбоб-ускуналар
Ишончли синалган бошкарув	Бошкарувда теранлик ва мослашувчаликнинг бой берилиши
Ишончли таксимот тармоғи	Таксимот тармоғининг заифлиги
Юксак ИТТКИ санъати	ИТТКИ мавқеларининг заифлиги
Тармоқдаги энг самарали реклама	Илгари суриш сиёсатининг заифлиги
Потенциал ташки қулай имкониятлар (O):	Потенциал ички таҳдидлар (T):
Истеъмолчиларнинг кўшимча гурухларига ҳам хизмат кўрсатиш имконияти	Бозор ўсишининг сустлашиши, янги бозор сегментлари кириб келишининг салбий демографик ўзгаришлари
Мумкин бўлган товарлар кўламининг кенгайиши	Ўрин босувчи товарлар савдосининг ўсиши, харидорлар диди ва эҳтиёжларининг ўзгариши
Рақобатчиларнинг кўнгилчанлиги	Рақобатнинг кескинлашуви
Ташки бозорларга чиқищдаги савдо тўсикларининг камайиши	Товарлари арzon бўлган хорижий рақобатчиларнинг пайдо бўлиши
Валюта курсларининг ижобий силжиши	Валюта курсларининг салбий ўзгариши

Ресурсларнинг кўплиги	Етказиб берувчилар томонидан кўйилган талабларнинг кучайиши
Чекловчи конунчиликнинг су- сайиши	Нархнинг конун томонидан бошқариб турилиши

Кучли жиҳатлар айниқса, компаниянинг стратегик истиқболи учун муҳим. Чунки улар стратегиянинг пойдеворини ташкил қилали, рақобатли устунликлар ана шу жиҳатлар асосига қурилиши лозим. Айни пайтда яхши стратегия заиф жиҳатларни кўриб чиқиши хам талаб қиласди. Ташкилий стратегия бажариш мумкин бўлган ишларга яхши мослашган бўлиши лозим. Компаниянинг ўзига хос жиҳатларини аниклаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса стратегияни шакллантириш учун муҳимдир, чунки :

- ноёб имкониятлар фирмага бозордаги қулай вазиятлардан фойдаланиш имкониятини беради;
- бозорда ракобат устунликларини вужудга келтиради;
- потенциал жиҳатдан стратегиянинг асосини ташкил этиши мумкин.

Тармоқдаги қулай имкониятларни компаниянинг қулай имкониятларидан фарқлаш керак. Тармоқдаги устувор ва қайта пайдо бўлаётган қулай имкониятлар айниқса, ракобат устунлигига эга бўлган ёки ўсишда бошқа имкониятлари бўлган компаниялар учун мос келади.

Стратегик қиймат таҳлили

Компанияда юзага келган вазиятни энг аниқ кўрсатадиган индикаторлардан бири унинг ўз рақобатчиларига нисбатан нарх мавқесидир. Бу маҳсулоти кам дифференциялашган тармоқларга тааллуқли бўлиб, компания ҳар қандай шароитда ҳам ўз рақибларидан орқада қолмаслиги керак, акс ҳолда рақобатли мавқенини қўлдан бой бериб кўйиши мумкин. Рақобатчиларнинг харажатларидаги фарқларга қўйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- хом ашё, материаллар, таркибий қисмлар, энергия ва шу каби омилларнинг нархларидаги фарқлар;
- асосий технологиялар, асбоб-ускуналарнинг фарқлари;
- ишлаб чиқариш бирликларининг катталиги турлича бўлганлиги ишлаб чиқаришнинг кумулятив таъсири, ишлаб чиқаришни ташкил килиш даражаси ва ҳоказолар туфайли ички танинархлардаги фарқлар;

- инфляция ва валюта курсларининг ўзгаришига кучли боғлиқлик;
- транспорт харажатларидағи фарқлар, тақсимот каналларига сарфланадиган харажатлардаги фарқлар. Стратегик қийматли таҳлилда асосий зътибор фирманинг ўз рақибларига нисбатан қиймат мавқеига қаратилади. Истеъмолчиларнинг нархларигача бўлган қиймат манзарасини акс эттиради. Ушбу жадвал харакатлар – харажатлар занжирида рақобатчи фирмалар бир-биридан энг катта фарқ қиласидиган учта асосий соҳа борлигини кўрсатади: таъминот соҳаси, тақсимот каналларининг илгор қисмлари, компаниянинг ўз ички фаолияти. Агар фирма занжирнинг орка ёки олдинги қисмларида рақобатбардошликтни кўлдан бой берса, у рақобатбардошликтни тиклаш мақсадида ўз ички хатти-харакатларини ўзгартириши мумкин.

Қиймат бўшликлари асосан занжирнинг орка қисмida ётса, фирма қўйидаги олти хил стратегик хатти-харакатларни амалга ошириши мумкин:

- етказиб берувчилар билан ўзи учун кулай нархлар тўғрисида келишиб олиши;
- етказиб берувчилар билан уларнинг харажатларини камайтириш мақсадида иш олиб бориши;
- моддий харажатларни назорат қилиш учун орқага томон интеграцияланиши;
- арzonрок ўринбосар таркибий қисмлардан фойдаланишга уриниши;
- тақсимотнинг нархлари мақбул бўлган янги манбаларини топиши;
- занжирнинг бошқа қисмларида тежамкорлик эвазига фарқни камайтиришга уриниши мумкин.

Қиймат бўйича рақобатбардошликтнинг бой берилишига сабаб занжирнинг ички соҳаларида бўлса, қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- бюджетнинг ички моддаларини тафтиш қилиш;
- ишчиларнинг ва қимматбаҳо асбоб-ускуналарнинг меҳнат унумдорлигини кўтаришга уриниш;
- баъзи технологик жараёнларни фирманинг ўзида эмас, балки четда бажариш фойдалироқ бўлиш-бўлмаслигини ўрганиб чиқиш;
- ресурсларни тежовчи технологик янгиликларни инвестициялаш;
- қийматнинг хавф тутдираётган таркибий қисмларини ишлаб чиқиш ва асбоб-ускуналарни янги инвестициялар обьекти сифатида кўриб чиқиш;

- маҳсулотнинг қийматини камайтириш мақсадида уни янгилаш ва ҳоказо.

Фирманинг рақобат мавқеи кучини баҳолаш.

Қиймат, рақобат мавқеини баҳолашга қўшимча равишда компаниянинг рақобат мавқеи ва рақобатчилик кучини умумий таҳлил килиш талаб қилинади. У қўйидаги саволларга жавоб бериши керак:

- Фирманинг бугунги рақобат мавқеи қанчалик кучли?

- Бугунги стратегиядан фойдаланилганда рақобат мавқеининг қандай ўзгаришини кутиш мумкин?

- Фирманинг қандай рақобат устунликлари бор?

Фирманинг рақобат мавқеларини баҳолаш учун муваффакиятнинг асосий омиллари бўйича балли баҳолар шкаласидан фойдаланилади. Бунда фирма ва унинг рақиблари бўйича ана шундай омиллар солишириб кўрилади.

6-жадвал

Фирманинг рақобат мавқеидаги кучли ва заиф белгилари

Устунлик белгилари	Заифлик белгилари
Мухим фарқ қилувчи устунликлар	Реал фарқ қилувчи устунликларнинг йўклиги
Бозор улушкининг катталиги (ёки бозорда пешқадамлик)	Бозордаги асосий ракибларга нисбатан йўқотишлар
Изчил ёки ажралиб турувчи стратегия	Аниқ стратегиянинг йўклиги
Истеъмолчилар сонининг ўсиши ва уларнинг содиқлиги	Истеъмолчилар олдида обрўнинг пасайиши
Пешқадамларнинг стратегик гурухида бўлиш	Ўз мавқеларини кўлдан бой берадётган стратегик гурухга тушиб қолиш
Тез ўсиб бораётган бозор сегментларида концентрациялниш	Бозор потенциали энг катта бўлган соҳалардаги заифлик
Нархдаги устунлик	Таннархи юкори бўлган товарлар ишлаб чиқариш
Даромад ўртачадан юкори	Даромларнинг ўсиши ўртачадан паст
Маркетинг маҳорати ўртачадан юкори	Бозорда муваффакият қозонишнинг асосий омиллари кам
Технологик ва инновацион қобилияtlар ўртачадан юкори	Маҳсулотлар ишлаб чиқаришда сустлик, сифатининг яхши
Хавф-хатарларга ташаббускор, тадбиркорлар ёндашуви	Вужудга келаётган таҳдидларга нисбатан яхши мавқенинг йўклиги
Кулагай имкониятларни кўпайтириш мавқеи	Асосий ракибларга нисбатан йўқотишлар

Умумий қоида: компания ўзининг рақобатдаги кучли жиҳатларини кўпайтириб бориши ва ўзининг рақобатчиликдаги заиф жиҳатларини ҳимоя қилиши керак. У ўз стратегиясида ўзининг кучли жиҳатларига таяниши ва заиф жиҳатларини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларни кўриши лозим.

Айни пайтда рақибларнинг кучли жиҳатлари рейтингга ҳужумнинг қайси томондан бўлишини ва аксинча, рақибларнинг заиф томони қаерда эканлигини кўрсатиб беради (7-жадвал).

Агар айнан компания рақобатда кучли бўлган жиҳатларда рақиблар заиф бўлса, ушбу вазиятдан фойдаланиб қолиш чора-тадбирларини кўриш лозим.

7-жадвал

Компаниянинг рақибларга нисбатан стратегик кучини баҳолаш намунаси (рейтинг шкаласи: энг заиф -1, энг кучли -10, қавс ичидаги салмоқнинг рейтинг баҳосига қўпайтмаси)

МАО / Куч бирлиги	Салмоқ	Ўрганилаётган компания	A рақиб	B рақиб	V рақиб
Махсулотнинг сифати ишланиши	0,10	8 (0,80)	5 (0,50)	9 (0,90)	6 (0,60)
Луфуз имиж	0,10	8 (0,80)	7 (0,70)	10 (1,00)	6 (0,60)
Материаллар киймат	0,05	5 (0,25)	5 (0,25)	6 (0,30)	4 (0,20)
Технологик санъат	0,05	8 (0,40)	5 (0,25)	5 (0,25)	4 (0,20)
Ишлаб чиқариш қувватлари	0,05	9 (0,45)	7 (0,35)	10 (0,50)	6 (0,30)
Маркетинг таксимоти	0,05	9 (0,45)	7 (0,35)	9 (0,45)	6 (0,30)
Молиявий ресурслар	0,10	5 (0,50)	4 (0,40)	7 (0,70)	4 (0,40)
Нисбий киймат мавқеи	0,25	5 (1,25)	9 (2,25)	6 (1,50)	4 (1,00)
Нарх бўйича рақобатлаша олиш	0,25	5 (1,25)	9 (2,25)	7 (1,75)	4 (1,00)
Куч рейтинги		(6,15)	(7,30)	(7,35)	(4,60)

4.2. Амалдаги стратегия даражаларининг самарадорлиги

Стратегия қанчалик яхши амалга оширилаётганини баҳолаш учун қўйидагилар муҳим:

- компаниянинг рақобатчилар орасидаги ўрнини аниқлаш;
- тармоқдаги рақобат чегараларини аниқлаш;

- ишлаб чиқариш, маркетинг, молия ва кадрлар соҳасидаги функционал стратегияларини баҳолаш.

Компания стратегик ва молиявий ҳолатининг кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

- компаниянинг бозордаги улуши ва тармоқдаги ўрни;
- фойда ҳажми ошиши ёки камайиши ва рақобатчиларнинг шундай кўрсаткичларга нисбати;
- сармоялар соф фойдасининг ўзгариш тенденцияси;
- компания сотувларининг умумий бозордагига нисбатан тез ёки секин ўсиши;
- кредитлар ҳажми;
- фирманинг харидорлар назаридаги обрўси, унинг имижи;
- компаниянинг технология, инновация, сифат ва харидорларга хизмат кўрсатишда етакчилиги ва ҳоказо.

Кўлланилаётган стратегияни баҳолаш. Кўлланилаётган стратегияни баҳолаш учун компания қандай стратегияга амал қилаётганлигини тушуниб олиш лозим – бу:

- арzon нарх воситаси билан пешқадамлик қилиш;
- рақобатчилардан фарқ қилиб туриш;
- истеъмолчиларнинг тор гурухларига ёки маркетинг бўшлиқла-рига ихтисослашиш.

Тармоқдаги рақобатли вазиятнинг яна бир тавсифи вертикал интеграцияланиш даражаси ва бозорнинг географик кўламиди. Бу ўринда ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, ишчи кучидан фойдаланиш соҳаларидағи ёрдамчи стратегияларни таҳлил қилиш лозим. Бунга қўшимча равишда компания стратегиясининг рақобат борасидаги айрим устунликларни таъминлаш мақсадида рақобатчилик мавқенини яхшилашга имкон берадиган сўнгти амалиётини таҳлил қилиб чиқиш керак.

Стратегик фаолиятнинг энг аниқ кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

- фирма назорат остига олган бозор улушкининг катталашиши ёки кичрайиши;
- фирма оладиган даромад ҳажмининг ўсиши ёки ўсмаётганини ҳамда бу даромаднинг рақобатчиларга нисбатан қай даражада эканлиги;
- фирмадаги соф фойда тенденциялари ҳамда инвестицияларнинг қайтиш тезлиги;
- фирмадаги савдо ҳажмининг бозордаги умумий ўшишга нис-

батан тез ёки секин ўсаётгандылыктын үзгөрүштөрдөн тура келген стратегияның миссиясынан да жарияланып калады.

Табиийки, энг яхши стратегия ҳеч қандай радикал үзгариштарни талаң қылмайдыган стратегиядир.

4.3. Компаниянинг кучли ва заиф томонлари

Куч – шундай хусусиятка, компанияга қўшимча имкониятлар беради. Бу куч маҳоратда, сезиларли тажрибада, қимматли ташкилий ресурсларда ёки аниқ имкониятларда фирмага бозорда устунлик яратиб берувчи ютуқларда бўлиши мумкин. Куч шунингдек, бозорда рақобатчиликни кучайтириш тажрибасига эга бўлган бошқа бир компания билан қўшилиш ёки шерикчилик қилиш йўли билан ҳам яратилиши мумкин.

Заифлик – компания фаолияти учун зарур бўлган нима-нингдир етишмаслиги, компания қила олмайдиган қандайдир иш ёки уни ноқулай вазиятга солиб қўядиган шароит. Компаниянинг кучли ва заиф жиҳатлари аниқлангач, ҳар иккала рўйхат ўрганилиши ва баҳоланиши лозим.

Бунинг учун SWOT тизими қўлланилади (таҳлил, харажатлар таҳлили, имкониятлар ва бошқа таҳлиллар). Бунда куч ва заифлик баланси тузилади. Компаниянинг энг муҳим ютуғи бу рақибларига нисбатан яхши бажара оладиган ишидир.

1. Компаниянинг нархлари ва харажатлари рақобатбардошми?

Компаниянинг ахволини таҳлилиниң муҳим қисми фирма харажатларининг рақобатбардошлигини аниқлаш саналади. Баҳолардаги фарқларнинг келиб чиқиши сабаблари хилма-хил бўлиши мумкин. Уларнинг энг муҳимлари куйидагилар:

- хом ашё, бутловчи қисмлар, кувватлар ва бошқа товарлар нархларидағи фарқ;
- технологиянинг турли хиллиги ва жиҳозларнинг эски ё янгилиги;
- ишлаб чиқариш харажатларининг турлича бўлиши;
- рақибларнинг инфляцияга ва хорижий валюталар алмаштирув курсларининг ўзгаришига боғлиқлик даражасининг турлилиги;
- маркетинг харажатларининг турлилиги;
- юкларни ташиш харажатларидаги фарқ;
- сотиш шахобчаларини ташкил этиш харажатларининг турли хил бўлиши.

Рақобатбардошли бўлиш учун компаниянинг харажатлари рақиблар харажатларига тенг ёки ундан паст бўлиши лозим. Бу-

нинг учун компания қийматлар занжирининг ҳар бир бўғинида таҳлил ўтказилади. Қиймат яратувчи занжир қуидагилардан иборат бўлади. Асосий фаолият доирасида:

- моддий-техника таъминоти;
- тайёрлаш;
- товарларни истеъмолчиларга етказиш;
- сотиш ва маркетинг;
- хизмат кўрсатиш.

Кўшимча фаолият доирасида:

- тадқиқотлар ва ишланмалар, технологиялар ва тизимларни ривожлантириш;

- инсон ресурсларини бошқариш;
- умумий бошқариш.

Харажатларни тўғри баҳолаш учун менеджер қуидаги 4 ишни бажариши лозим:

- фирманинг қийматлар занжирини тузиш;
- занжир ичидаги турли участкалар ўртасидаги алоқани ўрганиш;
- бозорда муваффақият келтирувчи фаолият турларини аниқлаш;
- қиёсий баҳолашни ўтказиш.

2. Компаниянинг рақобат мавқеи қай даражада мустаҳкам?

Компаниянинг рақобатга бардошлилигини аниқлаш учун қийматлар занжиридан фойдаланиш етарли эмас. Компаниянинг рақобатчилик кучи ва мавқеи чуқурроқ таҳлил килиниши лозим. Бунинг учун қуидагилар аниқланади:

- ҳозирги вақтда компания ўзининг рақобат мавқеини қанчалик қаттиқ ушлаб турганлиги;

- амалдаги стратегия сақланиб қолса, компания рақобат мавқеининг мустаҳкамланиш ва заифлашиш истиқболи қандай бўлиши;

- асосий рақиблар ичida компаниянинг ўрни;

- ҳозирги вақтда компаниянинг асосий рақиблардан устун ёки орқадалиги;

- тармоқнинг ҳаракатлантирувчи кучлари, рақобат тазииклари, рақобатчиларнинг кутилаётган фаолиятларидан келиб чиқиб, компания ўз мавқеини химоя қила олиши.

Бу саволларга жавоб топиш учун қуидагиларни бажариш талаб этилади:

1-қадам – тармоқдаги муваффакият омиллари рўйхати тузилади;

2-қадам – ҳар бир кўрсаткич бўйича компания ва унинг рақибларига баҳо берилади;

3-қадам – рақибларнинг кучли томонларига берилган баҳо умумлашгирлади;

4-қадам – рақибларнинг рақобатда устунлик ёки заиф жиҳатлари хакида хулоса чиқарилади.

3. Компания қандай стратегик муаммоларга тұқнаш келади?

Юқоридаги таҳлил натижасини ўрганиб, менежерлар нимага зытибор бериш кераклигини аниқлашлари лозим. Компанияның заиф жойини топа билиш, ана шу заиф томонларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш менежерларнинг асосий вазифасы га айланади. Ушбу вазифаны мұваффақиятли бажарып учун менежерлар күйидеги саволларға жавоб топышлари лозим:

1. Тармоқдаги ҳаракатлантирувчи кучларни ҳисобға олганда фирманиң бугунги стратегияси маъкулми?

2. Фирманиң амалдаги стратегияси тармоқнинг келажақдаги мұваффақияти омилларига мос келадими?

3. Амалдаги стратегия тармоқдаги 5 та рақобат кучларидан яхши ҳимоя қила оладими?

4. Қандай вазиятларда бугунги стратегия компанияни ташқи хавфлар ва ички заифликлардан ҳимоя қила олмайди?

5. Бир ёки бир неча рақиблар ҳужуми компанияға зарар етказа оладими, агар етказа олса, қай даражада?

6. Компания рақобат устунлигига әгами ёки у рақобатчиликдаги камчиликларни тутатыш учун янаям күпроқ ишлаши керакми?

7. Бугунги стратегияның кучли ва заиф томонлари нималардан иборат?

8. Компанияның рақобат мавкеини кучайтириш учун құшым-ча чоралар күриш лозимми?

Ушбу саволларға жавоб топилса, компания амалдаги стратегиясини давом эттириши ёки уни тубдан ўзgartириши лозимлиги маълум бўлади.

Вазият таҳлилиниң сўнгти босқичида компанияның иш режасини ташкил қилувчи барча мухим стратегик ёндашувлар аниқланади. У бажарилган вазият таҳлилига таяниши ва қуйидеги саволларга жавоб бериши керак:

-Мавжуд стратегия тармоқдаги ҳаракатлантирувчи кучларга мосми?

-Стратегияның тармоқнинг келгусидаги мұваффақият омиллари билан боғлиқлиги қай даражада?

-Мавжуд стратегия келгусидаги бешта рақобат күчидан қанчалик химояланган?

-У компанияни ички хатарлар ва ташқи заифликлардан химоя кила оладими?

-Компания бир ёки бир неча рақибларнинг ҳужумидан хавфисираши керакми?

-Компаниянинг қиймат мавқеини яхшилаш, ижобий имкониятларни кўпайтириш ёки унинг рақобатли мавқеини яхшилаш учун кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш керакми?

V боб. СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАЛАРИ

5.1. Стратегияни амалга оширишнинг ҳал қилувчи вазифалари

Стратегик режа ишлаб чиқилгач, менежер олдида уни корхона фаолиятида қўллаб, яхши натижаларга эришиш вазифаси туради. Агар стратегияни ишлаб чиқиши аввало тадбиркорлик фаолияти бўлса, уни амалга ошириш – ички маъмурий фаолият. Бундай фаолиятнинг тафсилотлари муайян вазиятга боғлиқdir. Аммо ушбу жараёнда баъзи асосий вазифалар такрорланиб туради.

Ушбу ҳал қилувчи вазифаларнинг ҳар бирни бир қатор қуйи вазифаларга бўлинади. Стратегияни амалга ошира оладиган ташкилотни барпо этиш қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

-стратегия эктиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ички ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш;

-стратегиянинг асоси бўлган санъатлар ва ажralиб турувчи устунликларни ташкил қилиш.

Стратегияни амалга оширишни таъминловчи бюджетни ишлаб чиқиш қўйидаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади:

-ҳар бир ташкилий бирликка стратегик режанинг унга тегишли кисмини амалга оширишни таъминлайдиган бюджет ажратиш;

-ресурслардан самарали фойдаланишини назорат қилиш.

Ички маъмурий таъминот тизимларини ташкил қилиш қўйидагиларни талаб қиласди:

-стратегияга таъсир қиладиган сиёсатлар ва тадбирларни белгилаш ва бошқариш;

-стратегик қалтис вазиятларда ҳаракат қилиш учун маъмурий ва тезкор тизимларни ишлаб чиқиш.

Тўлов ва рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

-стратегияни амалга ошириш манфаатларида ташкилий бирликларни ва ходимларни мотивациялаш;

-моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;

-натижаларга қараб рағбатлантириш ва бошқарувни ривожлантириш.

Корпоратив маданиятни стратегияга нисбатан ривожлантириш қўйидагиларни ўз ичига олади:

-хусусий кўрсаткичларни белгилаш;

- аҳлоқий стандартларни белгилаш;
 - стратегияни кўллаб-куватловчи ишчи вазиятни ташкил қилиш;
 - юкори маданий савиядаги ишчанлик руҳини тарбиялаш.
- Стратегик раҳбарлик услуби қўйидагиларни талаб қиласди:
- кўрсаткичларнинг, фирма маданиятининг ўсиш жараёнини бошқариш ва стратегияни кўллаб-куватлаш;
 - ташкилий инновацияларни ва янги имкониятларни кўллаб-куватлаш;
 - стратегияни амалга ошириш сиёсатида, ишлаб чиқариш имкониятларини ва ташкилий консенсусни қўллаб-куватлашда иштирок этиш;
 - феъл-атворда аҳлоқий андозаларга эътиборни кучайтириш ва х.к.

5.2. Стратегик жиҳатдан самарали компания ташкил қилишни тъминлашга оид амалий тавсияномалар

Кўйида АҚШдаги энг яхши компанияларнинг тажрибасини ўрганиш асосида олинган баъзи амалий тавсиялар келтирилади:

1. Бундай компанияларнинг кўпчилигига ташкилий тизим анчагина барқарор бўлган бизнес ёки маҳсулот бўлинмаларидан таркиб топган марказлашмаган бошқарув тизимларидан фойдаланиш кўп учрайди.

2. Ташкилий тузилманинг бир қисми анчагина ҳаракатчан бўлиб, ташки шароитларнинг ўзгаришига тез мослашади.

3. Янги ўрта корхоналар бизнеснинг янги турларига ривожланиш учун имконият бериш мақсадида ташкил қилинади. Кўпинча, бу янги маҳсулот бўйича янги ишлаб чиқариш линиясини ташкил қилиш ёки мавжуд бизнеснинг бир қисмини мустақил бўлинмага айлантириш йўли билан амалга оширилади.

4. Кишилар, маҳсулотлар ва ҳатто ишлаб чиқариш йўллари бир бўлинмадан бошқасига юқорироқ самарадорликка эришиш, хизмат пиллапоясида кўтарилиш, рақобатчилик кучини ошириш ва бозор шароитларига мослашиш мақсадида ўтказилади.

5. Бундай компанияларнинг кўпчилигига асосий идорадаги ходимлар сони нисбатан кам бўлиб, уларнинг кўпчилиги илгариги «дала-бирликлари» вакилларидир. Ходимлар тез-тез «асосий идора бўлинмалар» йўналишида алмаштириб турилади.

6. Функционал бошқарув шакллари одатда, компанияларнинг асосий вазифаларига мослаштирилади. Бунда уларнинг камроқ дара-

жада тадбиркорлиги, секин мослашиши ва ташки вазиятдаги мухим ўзгаришларга эътибор бермаслиги назарда тутилади.

7. Ўта мослашувчан тадбиркорлик бизнесининг асосий жиҳати мустақил бўлинмаларнинг кичиклиги хисобланади. Одатда уларнинг йиллик савдо ҳажми 50-100 млн. долларни, энг кўпич билан эса 1000 млн. долларни ташкил қиласди.

8. Ташкилотларнинг турғунликка учрашининг олдини олиш мақсадида улар ходимларининг ўрнини алмаштириш, ишлаб чиқариш линияларини бир ўрта корхонадан бошқасига ўтказиб туриш, катта бюрократик машиналарни кичикроқ бўлакларга бўлиш орқали қайта ташкил қилиб турилади.

9. «Бўш-каттиқ» шаклидаги бошқарувдан фойдаланиш кўпроқ фойда беради. Бунда бир томондан, мустақиллик ва тадбиркорлик муҳити вужудга келади, бўлинмаларнинг инновацион фаоллиги куяяди, иккинчи томондан, кўл остига олиб, бизнеснинг ягона стратегик ривожлантирилишини таъминлайди.

Бунда ташкилот тузилмасининг асосий қисми барқарор бўлиши, бироқ унинг таркиби тез-тез қайта ташкил қилиниб турилиши, атрофдаги қисмлари эса нисбатан мослашувчан бўлиши керак.

5.3. Стратегияни амалга оширишнинг самарадорлигини таъминловчи корпоратив маданият

Корпорациянинг маданияти ахлоқий меъёрларга ва фаолият тамойилларига асосланади.

Ахлоқий меъёрларга куйидагилар киради:

- ҳалоллик ва қонунга риоя қилиш;
- манфаатлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш;
- савдода ва бозор амалиётида соғдиллик;
- бизнеснинг хавфзизлигини таъминлаш мақсадида ички ахборотдан фойдаланиш;
- ўзаро муносабатларни ва даромадлилик амалиётини кўллаб-куватлаш;
- бажарилган иш учун ҳақ тўлаш;
- бошқа манбалардан олинган ахборотдан фойдаланиш;
- сиёсий фаоллик;
- ички ахборотларни химоялаш;
- компаниянинг активлари, ресурслари ва мулкидан фойдаланиш;
- шартнома ва векселлар бўйича тўловларни амалга ошириш ва ҳ.к.

Компания фаолиятининг умумий тамойиллари қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- истеъмолчиларга ва уларга хизмат кўрсатишга биринчи даражали аҳамият бериш;
- сифат бўйича мажбуриятлар;
- инновациялар бўйича мажбуриятлар;
- хизматчиларнинг индивидуаллигини ҳурмат қилиш ва компаниянинг уларга нисбатан мажбуриятлари;
- ҳалоллик, тўғрилик ва аҳлоқий меъёрларга риоя қилишнинг аҳамияти;
- хиссадорларга ҳурмат;
- етказиб берувчи фирмаларга ҳурмат;
- корпоратив ўртоклик;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Корпорация фаолиятининг асосий тамойиллари унинг тузилмаси, ташкилий санъати, ажralиб турувчи устунликлари, бюджети, таъминот тизимлари, мотивациялари, сиёсати ва тадбирлари, маданиятини ишлаб чикиш учун керак бўлади. Маъмурий амалиётда тамойиллардан қанчалик чукур фойдаланилса, шунчалик қудратли стратегияни барпо этиш мумкин.


Мак Кинсей фирмаси компания фаолиятининг етти соҳасидаги тамойилларни баҳолаш учун маҳсус конструкция ишлаб чиқди:

- стратегия (strategy);
- тузилма (structure);
- тамойиллар, мавқелар ва фалсафа (shared value);
- штаб фаолиятига ёндашувлар ва унинг ходимларга йўналтирилганлиги (staff);
 - маъмурий амалиёт, кундаклик фаолият процедуралари, мукофотлар тизими, расмий ва норасмий сиёсат, бюджетларни ишлаб чиқиш, молиявий бошқарув ва назорат (systems);
 - ташкилий санъат, имкониятлар ва ажратиб турувчи устунликлар (skills);
 - раҳбарлик услуби (style).

Ушбу конструкция 7S конструкцияси, деб аталади (7-чизма).

Фаолият тамойиллари ташкилий фаолиятининг негизини ташкил килади. Ушбу тамойиллар компаниянинг «Биз киммиз? Ниша қилмоқдамиз? Қаёққа кетмоқдамиз? Қандай тамойилларга амал қиласиз?» сингари стакчи стратегияларини белгилаб беради. Улар корпоратив маданиятни тавсифлайди. Айни пайтда 7S схема

маси раҳбариятнинг маъмурӣ фаолиятидаги турли соҳалар ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини, уларнинг бирортасига ўзгариш киритилса, қолганларига ҳам ўзгаришлар киритиш кераклигини кўрсатади.



7-чизма. Маъмурӣ фаолият соҳаларининг ўзаро таъсирлашув 7S схемаси.

5.4. Компания раҳбариятининг стратегик соҳадаги саъй-харакатлари асослари

Компаниянинг стратегик раҳбарияти олдидағи муаммо вазиятни аниқлаш ва уни кўлга олишнинг бир ёки бир неча йўлларини ташашдир. Бунда раҳбариятнинг олти хил асосий хатти-харакатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- юз берәётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб туриш ва энг оқилона чора-тадбирлар йўлини қидириш (вазиятни назорат килиш);

- компаниянинг стратегияни амалга оширишга қаратилган хатти-харакатлари янада жонлироқ бўладиган маданиятни илгари суриш;

- ташкilotнинг ўзгарган шароитлардаги фаолиятини қўллаб-куvvatлаш, янги имкониятларни қўлдан бермасликка тайёрланиш ва инновацион гояларга кизикиш;

- фикр-мулоҳазаларни консенсусга келтириш, стратегияни ва уни амалга ошириш сиёсатини ифодалаш;

- компания амалиётига ахлоқий меъёрларни киритиш;

АҚШдаги тўққизта энг йирик компаниялардаги стратегик бошқарувга оид тадқиқотларнинг кўрсатишича, менежерлар қўйидаги сиёсатни илгари суришга интилишлари лозим:

- фирмада яхши қўллаб-куvvatланмаган гояларнинг ўз-ўзидан йўқолиб кетишига имкон бериш;

- яхши кўллаб-қувватланган, бироқ менежерлар учун макбул бўлмаган фояларга қўшимча тўсиқлар ва тест (синовлар) ташкил қилиш (бу очиқдан-очик муҳолифатдан кўра яхширок);
- мутлақо тўғри келмайдиган таклифлар учун менежерга бўйсунувчиларнинг салбий хулоса беришига сабаб бўладиган вазият яратиш;
- салбий қарорларнинг кўпчилиги бошқарувнинг турли гурухлари ўртасидаги консенсус натижаси бўлишига интилиш;
- ўзининг шахсий карши, овозини жиддий масалалар ва қалтис вазиятлар учун сақлаб кўйиш;
- стратегияни фақат оғзаки айтиб турмай, балки унга раҳбарлик килиш (консенсусга эришгунга қадар бўйруқ ва қарорлар сони камрок);
- салбий ҳатти-ҳаракатларни рағбатлантириши мумкин бўлган рамзий таъсиrlар ва ҳолатларга шубҳа билан қараш;
- компаниядаги барча асосий кучлар олий менежментда ўз овозига эга бўлиши ҳақида ғамхўрлик килиш.

Ҳар қандай стратегик режа ҳам баъзи бир ўзгартиришлар киритишин талаб қиласи. Менежернинг ўзгартириш киритиши йўлларини муҳокама қилишдаги ҳатти-ҳаракатларини фаол ёндашувлар орқали ифодалаш мумкин. Ўзгартириш киритишига оид таклифларни ишлаб чиқиш учун маълум бир вактда мавжуд бўлганда реактив ёндашувдан фойдаланиш мумкин, яъни:

- мослашувчан бўлиш, таклифлар рўйхатини имкон қадар очик сақлаб туриш;
- таклифлар муаллифларига имкон қадар кўпроқ саволлар бериш;
- мутахассислардан иложи борича тўлиқ ахборот олиш;
- муҳокама қатнашчиларнинг субординациясини кўллаб-қувватлаш;
- кўрилаётган муаммо бўйича имкон қадар кўпроқ кишиларнинг реакциясини билишга интилиш.

Яқуний қарор имкон қадар кўп микдордаги ахборотни ўз ичиға олиши, вазиятни иложи борича аниқлаштириши, турли гурухлардаги фикр-мулоҳазаларнинг ҳисобга олинишига асосланган бўлиши керак.

5.5. Стратегияни амалга оширишда назоратнинг ўрни

Умумий ҳолдаги назорат зарур, чунки бошқарув тизими ижрочиларга ўринлар ва вазифаларни бўлиб берса-да, уларни рағбатлантириш билан таъминламайди.

Стратегик назорат тизими назорат, кузатув, баҳолаш ва тескари алоқанинг расмий тизими бўлиб, улар менежерларни ташкилотнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлайди. Демак, назорат тизими тўртта боскични амалга ошириши лозим:

-стратегия билан бир пайтда ишлаб чиқилиши лозим бўлган фаолиятни баҳолаш стандартларини белгилаш;

-мақсадларга эришиш даражасини кўрсатадиган ўлчов тизимини яратиш, бу эса комплекс вазифадир, чунки кўпчилик хатти-харакатларни баҳолаш қийин бўлади;

-реал фаолиятни белгиланган мақсадлар билан солишириш;

-солишириш натижаларини баҳолаш ва зарур ҳолларда керакли ўзгаришларни киритиши.

Назорат тизимлари ташкилотнинг чиқишлиарини ўлчашдан то ташкилий хулқни ўлчашгача бўлган жуда кенг кўламли ҳодисаларни таҳдил килиши мумкин бўлиб, бу албатта, анчагина мураккаб вазифадир. Назорат бошқарувнинг барча миқёсларида: корпоратив, дивизионал, функционал ва индивидуал миқёсларда амалга оширилиши лозим.

Назоратнинг барча турлари 8-жадвалда келтирилган.

Бозор назорати энг объектив, яъни холис назоратдир, чунки у нархлар тизими асосида олиб борилади ва фирманинг феъл-авторини баҳолашга имкон беради. Унда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ҳам етарлича холис. Акцияларнинг бозор нархлари ракобат на-тижасида белгиланади ва унинг барча ўзгаришлари асосида менежерлар тескари алоқа кўринишида уларнинг фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Инвестицияларнинг қайтиш тезлиги бозор назоратининг яна бир шакли бўлиб, у инвестицион капиталнинг самарадорлигини ўлчайди. Корпоратив миқёсда бундай баҳо компания фаолияти натижаларини бошқа фирмаларга нисбатан кўрсатиши мумкин, дивизионал миқёсда бу фирманинг бўлинмалари ишига нисбий баҳо беради, бу нарса диверсиялаш учун муҳим саналади.

8-жадвал

Назорат тизимларининг турлари ва уларнинг мазмуни

Назорат тури	Бозор	Чиқиш бўйича	Бюрократик	Жамоа томонидан
	Акцияларнинг нархи	Дивизионал натижалар	Қоида ва тадбирлар	Меъёрлар

Назорат қилинадиган тавсифлар	Инвестицияларнинг қайтиши	Функционал натижалар	Бюджетлар	Натижалар
	Трансферт нархлари	Индивидуал натижалар	Стандартлаш- тириш	Ижтимоий жавобгарлик

Трансфер нархлар бўлинмалар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни кўрсатади. Улар икки хил усулда: бозор нархлари кўрсаткич сифатида фойдаланишда баъзи бир муаммолар учраб туриши табиий ҳол.

Дивизионал миқёсда бозор назоратининг муваффакияти корпоратив ва дивизионал миқёсдаги менежерларнинг нарх ресурслари бўйича бир хил қарорларга эриша олиш қобилиятига боғлик. Бу бўлинмалари кўп бўлган компаниянинг асосий офиси учун жуда муҳим.

Бозор назорати – портфелни режалаштиришнинг асоси ҳисобланган. Чунки инвестицияларнинг қайтиш тезликларини солиштириш компаниянинг ўз бўлинмалари фаолиятини баҳолашдаги асосий йўл саналади.

Чиқиши бўйича назорат, назоратнинг яна бир объектив, яъни холис шакли бўлиб, ундан бошқа объектив усуллар бўлмаган ҳолларда фойдаланилади.

Дивизионал миқёсда савдо ҳажми, унумдорлик, ўсиш ва бозорнинг назорат остидаги улуши баҳоланади. Бу кўрсаткичлар бўлинмаларнинг фаолият жараённида ўзгариб боради ва бўлинма менежерларининг феъл-атворини акс эттиради.

Функционал даражада тегишли мақсадларга қай даражада эришилганлиги ҳам баҳоланади. Функционал натижалардан компания томонидан ажратиб турувчи устунликларни ишлаб чиқиши учун фойдаланиш мумкин бўлиб, айни пайтда улар ходимларнинг феъл-атворини назорат қилишнинг кудратли усулларидан биридир.

Шахсий натижалар бўйича назорат менежерлар, ўтказувчилар, ишлаб чиқарувчи каби даражалар учун одатий ҳол. Бироқ, фаолиятни баҳолашда қийинчиликлар бўлса (масалан, ИТТКИ соҳасида ёки жамоа ишида), ходимларнинг шахсий ҳиссасини баҳолаш жуда қийин кечади. Чиқиши бўйича назоратдан нотўғри фойдаланиш ташкилотнинг барча табақаларида салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бюрократик назорат бўлинмалар, функционал органлар ва ходимлар фаолиятини назорат қилишнинг директив шакли саналади. Ушбу назоратда натижаларга эришишнинг энг яхши усуллари кўрсатиб берилади. Коида ҳамда тадбирлар нима қилиш кераклиги-

ни кўрсатади ва шу тарика стандарт феъл-автор аввалдан кўзланган натижага олиб келади.

Бюджетлар – ресурсларни тақсимлаш қоидаларининг тўплами. Улар ташкилотнинг тузилмасига қараб белгиланади ва маълум бир чеклашларни жорий қилади. Уларни бажаришда бўлинмалар ва функционал органлар ўртасида низолар келиб чиқмаслигига алоҳида эътибор каратиш зарур.

Стандартлаштириш – феъл-авторни назорат қилишнинг жуда муҳим усули. Одатда, киришлар, жараёнлар ва чиқишлиар стандартлаштирилиши мумкин. Киришда инсоний ёки жисмоний ресурсларнинг юкори сифатини таъминлаш мақсадида назорат қилинади. Жараённи стандартлаштиришдан мақсад феъл-авторни дастурлаш, харажатларни камайтириш ва юкори сифатни таъминлаш. Ташкилий чиқишлиар пировард маҳсулотнинг ўзига хос мезонлари, сифати ва сервис хизмат кўрсатиш бўйича стандартлаштирилади. Компания ўз фаолиятини стандартлаштириб, бу фаолиятни кузатиб борадиган самарали тизимни ташкил қилади.

Менежер бюрократик назоратдан фойдаланишни кузатиб бориши ва унинг мос келаёттанилигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, назоратнинг ушбу тури анчагана қимматбаҳо ва бозор назоратидан қиммат.

Чиқишлиарни ҳам, феъл-авторни ҳам кузатиб бориш ёки баҳолаш мумкин бўлмаса, ташкилот назоратнинг бошқа шаклларини топиши керак бўлади. Жамоа томонидан назорат бўлиши жуда фойдали. У фирма натижаларининг ички тизимини ташкил қилишга асосланади. Назоратнинг ушбу шаклида ходимлар меъёрларни ва ўз феъл-автор натижаларини ўзлари белгилайди. Бундай назорат айниқса, киришларни стандартлаштириш билан биргаликда амалга оширилса, фойдали бўлади.

Катта ташкилотда турли бўлинмалар ёки маҳсулот йўлларининг маданияти турлича бўлиши мумкин ва бундай вазият улар ўртасидағи алоқага путур етказади. Компания тез ўсаётган ёки ўзгараётган бўлса, жамоа томонидан амалга ошириладиган назорат нокулайдир, чунки ушбу ташкилий ўзгаришларни хисобга олишга вақт бўлмайди. Амалда компания томонидан назоратнинг турли шаклларидан бир пайтда фойдаланилади, шунинг учун уларни тўғри уйғунлаштириш жуда муҳим. Функционал ва корпоратив миқёслардаги стратегик танлаш табиий равишида бошқарув тузилмасини ва назорат тизимини белгилаб беради.

Функционал даражаси

Бу миқёсдаги бошқарув тизимлари вертикал табақалаштириш билан изохланади. Горизонтал табақалаштириш камроқ мос келади, чунки гап битта бошқарув функциясини амалга ошириш ҳақида боряпти ва бу қатый назоратни таъминлайди. Айни пайтда бюрократик назоратдан ва харажатларни камайтириш учун чиқищдаги назоратдан ҳам фойдаланилади. Кирish, чиқиш ва инсоний ресурсларни назорат қилиш учун стандартлаштириш жуда муҳим. Қоидалар ва бюджетларни ишлаб чиқиши ва ходимларни назорат қилиш лозим. Умуман олганда, ишлаб чиқаришда назоратнинг функционал даражадаги асосий вазифаси харажатларни камайтириш ҳисобланади.

Компания ИТТКИ соҳасида, аввало, технологик ажратиб турувчи устунликларни вужудга келтиришдан ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан манфаатдор. Бу соҳани назорат қилиш анчагина мушкул. Сабаби, кишиларнинг нима билан машғул эканлигини кузатиш қийин. Бу ерда назорат, одатда, ўз-ўзини назорат қилиш шаклида ёки ҳамкорликда ишловчи ходимларнинг кичик гурухлари томонидан амалга оширилади.

Маркетинг соҳасида ҳам, ИТТКИ даги каби, бошқарувнинг ясси тузилмаларидан фойдаланилади ва уларда ходимларнинг фаолиятини кузатиб бориш қийин кечади. Шунга қарамай, бу ерда чиқиши бўйича бюрократик назоратдан фойдаланилади. Назоратнинг функцияларга кўра турлари 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Фирма фаолиятидаги асосий функциялар учун бошқарув ва назорат тузилмаларининг турлари

Функция	Тузилма тури	Асосий назорат тури
Ишлаб чиқариш	Топ марказлашган	Чиқиши бўйича назорат (масалан, харажатлар назорати)
Материалларни бошқариш	Ясси марказлашган	Чиқиши бўйича назорат (масалан, инвентаризация, харидлар)
ИТТКИ (НИОКР)	Ясси марказлашмаган	Жамоа томонидан (масалан, меъёрлар, натижалар, маданият)
Маркетинг	Ясси марказлашмаган	Чиқиши бўйича назорат (масалан, савдо назорати)
Хисоб ва молия	Топ марказлашмаган	Бюрократик (масалан, бюджетлар)
Ходимлар	Ясси марказлашган	Бюрократик (масалан, стандартлаштириш)

Ўрта корхона миқёси (соҳавий бизнес). Назорат тизимини танлаш фойдаланилаётган стратегияга ва тармокнинг ҳаёт цикли босқичига боғлик.

Диверсиялаш даражаси кичик бўлган оддий бошқарув тузилмалари нарх пешқадамлигида фирма фаолияти харажатлари назоратининг оддий шаклларига олиб келади.

10-жадвал

Турли стратегияларда назорат тизимларидан фойдаланиши

Стратегия	Нархда пешқадаммлик	Дифференциация	Фокусланиши
Максадга мувоғик Бошқарув тизими	Чизикили функционал, маҳсулот, дивизионал	Махсулот, дивизионал,	Чизикили функционал
Чикиш бўйича назорат	Кўп фойдаланиши (масалан, харажатлар назорати)	Камроқ фойдалниш (масалан, сифат	Камроқ фойдаланиши (масалан, харажатлар ва сифат назорати)
Бюрократик назорат	Камроқ фойдаланиши (масалан, бюджет, стандартлаштириш)	Кўп фойдаланиши (масалан, кридалар,	Камроқ фойдаланиши (масалан,
Жамоа томонидан назорат	Кам фойдаланиши (масалан, сифат ёки циклилар бўйича)	Кўп фойдаланиши (масалан, меъёрлар ва	Кўп фойдаланиши (масалан, меъёрлар ва маданият)

Диверсиялашда ажратиб турувчи устунликларни химоялаш ҳам назорат тизимининг вазифаси хисобланади. Шу сабабдан бюрократик ва жамоа томонидан назорат катта аҳамият касб этади. Фокуслаш стратегиясидан фойдаланадиган компанияларда назорат харажатлар назорати ва ажратиб турувчи устунликлар ўртасидаги муросага асосланади. Одатда, бу нисбатан кичикроқ компаниялар бўлиб, жамоа назорати алоҳида аҳамият касб этади.

11-жадвал

Ўрта корхона ҳаёт даврининг босқичлари ва назорат турлари

Назорат турли босқичи	Чикиш бўйича	Бюракратик	Жамоа томонидан
Тугилниш	Кам фойдаланилади	Кам фойдаланилади	Кам фойдаланилади
Ўсиш	Кам фойдаланилади	Кам фойдаланилади	Кам фойдаланилади
Пасайиш	Кам фойдаланилади	Кам фойдаланилади	Кам фойдаланилади
Ўсишнинг секинлашиши		Камроқ фойдаланишдан кўп фойдаланишга (стратегия қараб)	
Етуклик		Камроқ фойдаланишдан кўп фойдаланишга (стратегия қараб)	

Туғилиш босқичида бошқарувнинг кичиклигини ва таркиби-нинг соддалигини хисобга олган ҳолда, кичик ишчи гурухлар ичидаги ходимлар назоратининг ўзи етарли бўлади.

Бошқарув тузилмалари ривожланган сари, ўсиш босқичида компания арzon ваколатни ривожлантиришга ёки табақалаштиришнинг келгуси устунликларини кидиришга мухтож бўлади, назорат (асосан, жамоа томонидан) ҳам етарлича ҳаракатчан бўлиши керак.

Ўсишнинг секинлашиши босқичида нарҳ пешқадами кириш бўйича ва бюрократик назоратдан фойдаланиши, табақалаштирувчи эса жамоа назоратига ҳам эътибор бериши керак бўлади.

Етуклик босқичида маҳсулотлар стандартлаштирилиши, уларнинг кўлами эса кенгайиши лозим. Нарҳ пешқадами учун назоратнинг асосий мақсади – ҳаражатларни камайтириш. Табақалаштирувчи ажralиб турувчи устунликларни ривожлантиришга интилиши керак. Шунга мос равишда, бюрократик назорат ҳамда жамоа томонидан амалга ошириладиган назорат алоҳида аҳамият касб этади.

Пасайиш босқичида назорат ҳаражатларини ва стратегияни ўзгартиришнинг тўлиқ қийматларини кузатиб бориши лозим. Та-бииики, бундай тизим арzon бўлиши керак.

Корпорация миқёсидаги назорат тизими.

Бошқарув ва назорат тузилмалари танланган стратегияга ва ўрта корхоналарнинг синергизм даражасига боғлиқ бўлади (12-жадвал).

12-жадвал

Корпоратив стратегия ва назорат турлари

Назорат тури Стратегия	Бозор	Бюрократик	Жамоа томонидан
Боғлиқ бўлмаган диверсификация	Кўп фойдалан	Маҳсулот, дивизионал,	Чизиқли функционал
Вертикаль интеграция	Кўп фойдалан	Кўп фойдаланиш	Камроқ фойдаланиш (масалан, харажатлар ва сифат назорати)
Боғлиқ диверсификация	Кўп фойдалан	Кўп фойдаланиш	Камроқ фойдаланиш (масалан, бюджетлар)

Боғлиқ бўлмаган диверсиялашда ўрта корхоналар ўртасидаги алокалар жуда кам бўлиб, корпорация миқёсида компаниянинг умумий стратегиясига риоя қилинишини кузатиб бориш керак бўлади ва бунинг учун бозор назорати усувларидан фойдаланилади.

Вертикал интеграцияда асосий идора томонидан ўрта корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш зарурати юзага келади. Бу эса марказлаштирилган назоратни талаб килади, бозор усуллариға қўшимча равишда бюрократик назорат усулларидан фойдаланилади.

Боғлиқ диверсиялашда ўрта корхона синергизмидан фойдаланилади, бу бошқарув ва назоратнинг анчагина марказлаштирилишини талаб қилади. Шунинг учун бюрократик ва жамоа томонидан килинадиган назоратнинг роли кучаяди.

VI боб. МАРКЕТИНГНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

6.1. Стратегик режалаштириш

Хар бир фирма ёки компания мавжуд шароит, имкониятлар, мақсад ва ресурслар манбаларини ҳисобга оладиган индивидуал ишлаб чиқариш услугуга эга бўлиши лозим.

Ҳамма корхоналар ўзларининг узоққа мўлжалланган стратегияларини ишлаб чиқишида юкорида кўрсатилган стратегик режаларни ҳисобга олишлари керак. Бу эса ўз навбатида тез-тез ўзгариб турадиган бозор шароитида узоқни кўра билишликни таъминлайди.

Стратегияни режалаштиришда маркетинг муҳим роль ўйнайди, чунки у стратегияни режалаштириш учун керак бўладиган маълумотлар билан таъминлайди.

Ўз навбатида эса, стратегик режалаштириш ташкилотнинг маркетингида катта роль ўйнайди. Мисол учун, маркетинг хизмат стратегик режалаштиришни ишлаб чиқарадиган бўлимлари билан фирманинг стратегик мақсади учун биргаликда иш олиб боради.

Маълум сабабларга кўра, хозирги вактда ўз навбатида фирмалар комплекс стратегик режалаштиришни ишлаб чиқариш имкониятига эга эмаслар. Шунинг учун улар бизнес-режани ишлаб чиқариш билан чегараланмоқдалар.

Ривожланган давлатларнинг йирик компанияларининг тажрибалирига кўра, фирма ёки ташкилотларнинг ташкил топиш босқичларидаёқ, унинг ўзига хос хусусиятлари ва асосий фаолият йўналишига қараб вазифалар ва стратегик мақсадни ишлаб чиқиш лозим. У нафақат миллий бозорда, балки жаҳон бозорида ҳам реал муваффақият воситаларини ўзида жамлаштириши керак.

Тажрибани ишлаб чиқариш ва стратегик режа ва маркетинг дастурини амалга оширишда миллий тадбиркорлар ва ишбилармонлар (бизнесмен) манбаларини нафақат чет эл фирмаларидан, ўз навбатида иш юритаётган йилғор миллий фирмалардан ҳам олишлари мумкин.

Стратегик режалаштириш ташкилотнинг глобал, узоққа мўлжалланган мақсадларини ва уни амалга ошириш механизмини ўзида мужассамлаштиради. Вактга боғлиқ ҳолда стратегик режа қисқа муддатли (йиллик) ёки узоқ муддатли (компаниянинг жорий фаолияти билан боғлиқ ҳолда) бўлади.

Қиска муддатли режа жорий шароитни, компаниянинг мақсадини, унинг келаси йилги стратегиясини, фаолият дастурини, бюджет ва бошқариш усулларини ўз ичига олади.

Узок муддатли режанинг асосида корхонага келгуси бир неча йилдан кейин таъсир қилиши мумкин бўлган ички ва ташки омилларни баҳолаш ётади.

Узок муддатли режа асосида узок муддатли мақсад, зарур ресурслар ва режани амалга ошириш учун керак бўладиган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқарилади.

Корхонанинг вазифалари шартига қараб узок муддатли режа вақти-вақти билан янгидан кўриб турилиши керак.

Шунинг учун корхона ўзгарувчан муҳитда ўзи учун самарали томондан фойдаланиш учун стратегияларни ишлаб чиқаради. У эса биринчи томондан компаниянинг имкониятлари ва мақсадларидан келиб чиқсан холда жараённи жойлаштириш бўлса, бошқа томондан бозор коньюктурасининг ўзгариб туришидан келиб чиқсан холда жараёни жойлаштиришдир.

Стратегиялар нимани ўз ичига олади? Бу саволларга жавоб бериш учун босқичларни кўриб чиқамиз: таҳлил, режалаштириш, амалга ошириш ва текширув (назорат).

Жараённи режалаштиришдан олдин корхонанинг ички ва ташки таҳлилини олиб боришимиз лозим.

Корхонанинг кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиш зарур. Бу эса, кейинги босқичлардаги маркетинг тадқиқотлари учун керакли маълумотларни беради.

Режалаштириш алоҳида 2 гурухга бўлинади: стратегик режалаштириш ва маркетинг бўйича режалаштириш. Корхонанинг стратегик режалаштириши ҳар бир иқтисодий субъектга қандай ёндашиб кераклигини ҳал қиласди.

Ишчилар эса, ишлаб чиқариш стратегияларини амалга ошириш босқичида ҳаётга тадбик этадилар. Режаларнинг амалга ошириш фаолиятини ва таҳлилнинг ҳамда олдинга кўйилган мақсаддан амалга ошириш натижаларини кузатиб бориш учун назорат зарур бўлади. Назорат ҳамда бошқа фаолият доиралари учун маълумот манбаи бўлиб ҳам хизмат қиласди.

6.2. Фирма стратегиясини мавжуд шароитга мослаштириш

Фирма стратегиясини мавжуд шароитга мослаштириш вазифаси анча мураккаб, чунки бунда бир қанча ички ва ташки омилларни таҳлил қилиш керак бўлади. Асосий омилларни иккита катта гурухга ажратиш мумкин:

1. Тармоқ ҳолатини ва ундаги рақобат шартларини тавсифловчи омиллар.

2. Фирманинг рақобат имкониятларини, унинг бозордаги мавқеи ва имкониятларини тавсифловчи омиллар.

Маркетинг стратегиясини мавжуд шароитга мослаштириши амалга ошириш учун тармоқдаги вазиятнинг бешта классик вариантини ва фирма аҳволининг учта классик вариантини кўриб чиқиб, намойиш этиш мумкин.

Тармоқдаги шароит варианtlари:

1. Янги ва тез ўсаётган тармоқлардаги рақобат.

2. Етуклик босқичида бўлган тармоқлардаги рақобат.

3. Бир вазиятда туриб қолган ёки тушкунлик ҳолатида бўлган тармоқлардаги рақобат.

4. Тарқоқ тармоқлардаги рақобат.

5. Халқаро бозордаги рақобат.

Фирма аҳволининг варианtlари:

1. Бозордаги илғорлар (етакчилар).

2. Иккинчи даражали ўринда бўлганлар.

3. Заиф ёки рақобатда талофат кўрган фирмалар.

Янги тармоқларда рақобат стратегияси

Янги тармоқ – «оёқка туриш»нинг илк босқичида бўлган тармоқ саналади. Янги тармоқлар стратегияни ишлаб чиқувчилар олдига алоҳида муммоловар кўяди. Улар қуидагилар:

-янги бозор яхши ўрганилмаганлиги, статистик маълумотлар етарли бўлмаганлиги учун унинг келажакдаги ривожланиш тенденцияларини аниқ белгилаш имконияти бўлмайди;

-ноу-хауларнинг кўп қисми патентланган бўлиб, мустахкам қўриклиданади, шунинг учун улардан фойдаланиш имконияти бўлмайди;

-рақобат курашида технологияларнинг қайси бири ютиб чиқиши ва қайси товарлар харидорларга маъқул келиши ҳақида бир хил фикрга келиш қийин бўлади;

-хар бир фирма ўз технологиясини, товар турини ва маҳсулотни тарқатишга бўлган стратегик ёндашувини истеъмолчиларга тан олдиришга ҳаракат қиласди;

-ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши билан тажрибанинг эгри чизиги самараси ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли даражада пасайтиради;

-фирмалар ўз рақобатчилари ҳакида маълумотлар етиш маслигини доим ҳис қиласдилар;

-кўп ҳолларда фирмаларда хом ашё ва материаллар билан таъминлайдиган ишончли таъминотчиларни қидириш муаммолари юзага келади;

-жуда кўп компаниялар пул маблағлари етишмаслиги туфайли рақиб фирмаларга кўшилиб кетадилар ёки уларни сотиб оладилар.

Янги тармокда бизнес қилишнинг энг муҳим стратегик муаммоларидан бири шуки, унда доимо таваккалчилик қилиш ва имкониятларни баҳолаб бериш талаб этилади. Янги тармокда муваффақиятга эришиш учун бир қанча тавсияларга амал қилиш зарур бўлади.

Стратегияни ишлаб чиқарадиган менежерларга тавсиялар:

1. Таваккалчилик қилиб ва яратувчиликнинг дадил стратегиясидан фойдаланиб, илгорлик учун қурашишга, биринчи босқичда гала-бага эришишга ҳаракат қилинг.

2. Технологик жараённи такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ташаббусларини фаол кўллаб-кувватланг.

3. «Қалдиргочлик»нинг ҳар қандай устунликларидан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

4. Янги истеъмол сегментларини, товарни истеъмолчиларга етказиб беришнинг янги воситаларини қидиринг, фаолиятнинг географик чегараларини кенгайтиринг.

5. Рекламада асосий ургуни харидорларни товар билан таништиришдан аста-секин уларда фирма ва товар маркаси ҳакида яхши фикр пайдо қилишга кўчиринг.

6. Технологик ўзгаришларга тез жавоб беринг.

7. Бозорга харидорлар гурухини жалб этиш учун нархларни пасайтиришдан фойдаланинг.

8. Бозорга молиявий жиҳатдан бакувват аутсайдерлар киришини кутинг. Бу – тармокка инвестициялар қўйишдаги хавф камайганда мумкин бўлади.

9. Кучли рақобатчилар пайдо бўлишига тайёрланинг.

Фирма илғорлик учун курашда илк ғалабадан келадиган бир мавқега манфаатни узок муддатли рақобат устунлиги ва бозорда мустаҳкам позиция яратиш эҳтиёжи билан мувофикалаштириши зарур.

Етуклик босқичидаги тармоқларда рақобат стратегияси

Янги тез суръатлар билан ўсиши узоқ давом этмайди. Етуклик босқичига ўтиш даврида тармоқнинг рақобат мухитида сезиларли ўзгаришлар содир бўлади.

Булар куйидагилар:

1. Истеъмол талабининг пасайиши тармоқнинг бозордаги улушини сақлаб қолиш учун кучли рақобатни юзага келтиради.
2. Мижозлар инжиклашиб борадилар ва тақрорий харидларида катта фойда талаб қиласидилар.
3. Рақобат кўп ҳолларда харажатларга ва хизмат кўрсатиш даражасига катта таъсир кўрсатади.
4. Ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришда жиддий муаммолар пайдо бўлади.
5. Инновацион жараён ва товарларни қўллашнинг янги усулларини излаш қийинлашади.
6. Халқаро рақобат кучаяди.
7. Тармоқнинг даромадлилиги пасаяди.
8. Рақобатнинг кучайиши аввалги рақобатчиларнинг бирбирига қўшилиб кетишлирага ва бир-бирларини «ютиб» юборишиларига олиб келади.

Етуклик босқичи ривожланиб борган сари фирмалар ўзларининг стратегик ҳаракатларини рақобатчилар орасидаги мавқеларини мустаҳкамлашгага йўналтирадилар. Бунда улар куйидаги воситалардан фойдаланадилар:

- Параметрик қаторларини қисқартириш.
- Ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилишга эътибор қаратиш.
- Харажатларни камайтиришга эътиборни кучайтириш.
- Мавжуд харидорларга сотувни ошириш.
- Рақобатчи фирмаларни паст баҳоларда сотиб олиш.
- Халқаро бозорга чиқиш.

Ишлаб чиқариш суръати ўсмаётган ёки тушкунлик ҳолатидаги корхоналар учун стратегия

Кўпгина фирмалар саноатга нисбатан ўсиш паст тармоқларда иш олиб борадилар. Бундай фирма ёки компаниялар давом этаётган турғунликнинг аниқ вокелигини тан олишлари ва бозорнинг мавжуд имкониятларига мос келадиган мақсадларни ифодалашга ўз кучларини сарфлашлари керак бўлади.

Ишлаб чиқариш суръати ўсмаётган ёки тушкунлик ҳолатидаги тармоқларда муваффақиятга эришган компаниялар асосан қуидаги стратегияларга амал қиласидилар:

1. Ўсуви бозор сегментларини аниқлаб, мос стратегия яратиш ва ишлаб чиқиш йўли билан фокуслаш стратегияси томон йўл тутиш.

2. Сифатни яхшилаш ва инновация асосида дифференциялаш томон йўл тутиш.

3. Харажатлар даражасини пасайтириш учун зўр бериб ва узилишларсиз ишлаш.

Одатда санаб ўтилган учта стратегиянинг биттасидан фойдаланиш талаб этилади. Лекин улар бир-бирини инкор этмайдилар. Унумдорликнинг ўсиши баҳоларни пасайтириш имконини беради, бу ўз навбатида сотув ҳажмининг ўсишига олиб келади.

Тарқоқ тармоқларда рақобат стратегияси

Баъзи тармоқлар юз, ҳатто минглаб кичик ва ўрта фирмалардан иборат бўлади. Уларнинг кўпчилигини хусусий фирмалар ташкил этиб, бирортаси ҳам тармоқдаги умумий сотув ҳажмида сезиларли роль ўйнамайди. Бўлиб ташланган тармоқнинг асосий фарқланадиган хусусияти, унда етакчиларнинг йўқлигиdir.

Бундай тармоқлар қаторига нашриётларни, нефтни танкер билан ташиш, автомобилларни таъмирлаш, тез хизмат кўрсатадиган ресторон ва кафелар, хусусий фирмаларда бухгалтерлик хизматлари, аёллар кийимларини тикиш устахоналари, меҳмонхоналар, мебель ишлаб чиқариш, картон қутичалар тайёрлаш, озиқ-овқат товарларини, қадоқлаш тармоқлари кабиларни киритиш мумкин.

Тарқоқ тармоқларда рақобат кураши ўртача кучидан шиддатли даражагача бўлиши мумкин. Тарқоқ тармоқларга тўғри келадиган рақобат стратегиясининг эҳтимолдаги вариантларига қуидагилар киради:

1. Намунали шароитларни яратиш ва улардан фойдаланиш.

2. Паст харажатларни таъминлаш. Интеграция йўли билан ха-ридор учун фойдани ошириш.

3. Товар турига ихтиослашиш.

4. Харидор турига ихтиоссланиш.

5. Чекланган географик худудларга фокуслаш.

Тармокнинг тарқоқлик шароитида фирмада стратегик танлаш эркинлиги мавжуд: яъни кенг маркетинг мақсадларини кўзлаш, ха-ражатларнинг рақобат устунилиги ёки табақалаштиришдан фойдала-ниш. Тарқоқ тармокларда бир вақтнинг ўзида кўп стратегик ёнда-шувлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Халқаро бозорларда рақобат стратегияси

Фирмаларнинг халқаро бозорга чиқишиларининг асосий сабаб-лари куйидагилар:

-янги бозорларни эгаллаш;

-бошқа мамлакатлар табиий ресурсларидан фойдаланиш хуку-қини олиш ёки яна ҳам паст харажатларга эришиш зарурияти.

Санаб ўтилган ҳар бир ҳолатда дунё бозорига чиқиш стратегия-си мавжуд шароитга мос келиши керак. Дунё бозорларидағи рақобат стратегияларини ишлаб чиқишига миллий бозорлардагига қараганда анча қаттиқ талаблар кўйилади. Бир мамлакат бозорининг иккинчи мамлакат бозоридан асосий фарқларига харидорларнинг дидлари, сотиш каналлари, ўсиш истиқболлари, ҳаракатлантирувчи кучлар ва рақобатчиларнинг тазийклари, миллий бозорлардаги шар-оитлардан қанчалик фарқланиши киради. Бундан ташқари бундай фарқларга халқаро операцияларнинг тўртта характерли хусусиятла-ри ҳам киради.

1.Ишлаб чиқариш харажатлари даражасининг ҳар хиллиги.

2.Валюта курсларининг ўзгарувчанлиги.

3.Хукуматларнинг савдо сиёсати.

4.Халқаро рақобатнинг характеристи.

Турли тармоқларда халқаро рақобат шакллари бир-бирдан туб-дан фарқ қиласди. Францияда ҳам, Бразилия ва Японияда ҳам банк хизматлари мавжуд. Лекин бу мамлакатларда банк соҳасидаги ра-қобат шартлари ва шароитлари турлича.

Халқаро бозорда рақобат глобал ва кўп миллатли бўлади. Тур-ли миллий бозорларда рақобат шароитлари бир-бири билан узвий боғланган тақдирда кенг қамровли (глобал) рақобат мавжуд бўла-ди. Бу эса ҳақиқатда дунё бозорини ташкил этиш имконини беради.

Глобал рақобатнинг мавжуд бўлиш шартларидан яна бири турли мамлакатлардаги илғор фирмалар ўзаро, бир-бирлари билан рақобат қилиши билан ифодаланади. Кўп миллатли рақобат давомида фирмалар миллий бозорда илғорлик учун курашадилар, кенг қамровли (глобал) рақобатда эса фирмалар дунё миқёсида устунликка эришиш учун курашадилар.

Дунё бозорида фирма фаолиятининг стратегик имкониятлари мавжуд бўлади:

1.Чет эл фирмаларига маҳсулот ишлаб чиқариш учун унинг хусусий технологияларидан фойдаланиш хуқуқини бериш.

2.Миллый ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш ва хориж бозорларига товарлар чиқариш.

3.Кўп миллатли стратегия томон йўл тутмоқ Бунда фирма ўз фаолиятини амалга ошираетган ҳар бир давлат учун алоҳида стратегия ишлаб чиқади. Айни пайтда у мазкур давлатлардаги харидорлар дидларига ва рақобат шароитларига мос келиши керак.

4.Паст харажатларнинг кенг қамровли (глобал) стратегиясига йўл тутиш.

5.Табақалаштиришнинг кенг қамровли (глобал) стратегиясига юз бериш.

6.Фокуслашган кенг қамровли (глобал) стратегия томон йўл тутмоқ.

Компания мустаҳкам мавқега эга бўлган ва катта фойда олаётган мамлакат бозорлари «хазина» деб аталади. Япония япон компаниялари учун энг даромадли бозор ҳисобланади. Чунки япон қо-нунчилиги томонидан яратилган савдо тўсиклари уни хорижий рақобатчилардан самарали ҳимоя киласди.

Иккинчи даражали ўринда бўлган фирмалар стратегияси

Иккинчи даражали ўринда бўлган фирмалар бозорда тармоқдаги илғорларга нисбатан анча заиф мавқега эга бўлади. Уларнинг бальзилари тиришқоқ, сергайратликка даъвогар бўладилар ва созланган стратегиялардан ўз мавқеларини мустаҳкамлашда, бозордаги улушини кенгайтиришда фойдаланади. Улар анча чапдаст бўлиб, куйидаги ёндашувларнинг ҳар бирини қўллай оладилар.

1.Вакант уя стратегияси.

2.Мутахассис стратегияси.

3.Фирманинг «бизда улардагидан яхши» стратегияси.

4.«Итоаттўй издош» стратегияси.

5. «Эга бўлиш (ёки орттириш) ҳисобига ўсиш» стратегияси.

6. Обўрга мос стратегия.

Муваффакиятли ишбоп стратегия ишлаб чиқиш учун тавсиялар

Рақобат мавқеи ёмонлашаётган фирма ўз сиёсатини тўртта асосий стратегик имкониятлардан келиб чиқиб кўради. Фирмада молия маблағлари мавжуд бўлса, у қуйидаги стратегияни амалга ошириши мумкин.

-Айланма ҳужум стратегияси.

-Ҳимоя ва мустаҳкамлаш стратегияси.

-Тезлик билан чекиниш стратегияси.

-«Хосил йиғиши» стратегияси.

Бундай фирмалар жозибасиз тармоқларда «хосил йиғиши»дан пул маблағларини даромадли соҳаларга йўналтирадилар.

Муваффакиятли ишбоп стратегия ишлаб чиқиш учун тавсиялар қуйидагилардан иборат:

1) Стратегия ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда фирманинг рақобат мавқеини узок муддатга кучайтириш имконини берадиган ҳаракатларга алоҳида эътибор беринг.

2) Шуни билинки, изчиллик билан аник ишлаб чиқарилган ва кескинлик билан амалга оширилган рақобат стратегияси фирмага обрў келтиради ва унинг тармоқдаги мавқеини тан олдиради. Бир лаҳзалик бозор имкониятларидан фойдаланишга асосланган, ўзгарувчан стратегия эса юзаки натижалар беради.

3) Пастроқ ҳаражатлар ва кенгроқ табақалаштириш ўртасидаги муросасозликка асосланган, «йўлнинг ярмисида тўхталиб қолган» стратегиялардан узокроқ бўлинг.

4) Маблағларни мустаҳкам бозор устунликлари яратишга сарфланг.

5) Рақобат устунликлари яратиш учун агрессив ҳужум тактикасини ва уларни ҳимоя қилиш учун қатъий ҳимоя тактикасини кўлланг.

6) Энг қўлай шароитлардагина муваффакият келтириши мумкин бўлган стратегиялардан қочинг.

7) Фирмага маневр имкониятлари қолдирмайдиган қаттиқ стратегия кўллаётганда эҳтиёт бўлинг, чунки тез ўзгарувчан бозор шароити барча ҳаракатларингизни йўқса чиқариши мумкин.

8) Рақиблар ҳаракатига етарли баҳо бермасликка йўл қўйманг.

9) Салобатли рақобат устунлиги ва етарли молиявий таъминот бўлмаса кучли рақибларга ҳужум қилманг.

10) Кучли рақибдан кўра кучсиз рақибга ҳужум қилиш фойдалироқ эканлигини билинг.

11) Харажатлар бўйича етарли устунликка эга бўлмай туриб, баҳоларни пасайтирманг.

12) Табақалаштириш стратегиясини амалга оширишда сифат, товарлардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатишда муҳимроқ тафутлар топишга ҳаракат қилинг.

VII боб. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИ

Корпоратив бошқарув муаммоси мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш нуқтаи назаридан охирги йилларда ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Корпоратив асосида фаолият кўрсатувчи тузилмалар вужудга келиши, аслини олганда, йирик ва ўрта корхоналарни вужудга келиши билан боғлиқ иқтисодиётни капитализациялаш жараёнининг бошланишидир.

«Корпорация» тушунчаси иқтисодий адабиётда жуда кўп таърифларга эга. Г.С.Векчанов шундай ҳисоблади, «Корпорация (англ. corporation) – маҳаллий ҳокимият органларининг ёки марказий ҳукуматининг чартерини олган юридик субъект (юридик шахс)дир». Ушбу таърифда «чартер» тушунчаси уччалик тўғри ишлатилмаган, уни кўп маънода тушуниш мумкин. Б.А.Райзбергнинг ҳисоблашича, «Корпорация (лот. corporatio – бирлашма) – юридик шахс бўлиб, у умумий мақсадларга эришиш, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлашган ва ҳукукий мустақил субъекти-юридик шахсни ташкил этувчи шахслар йиғиндисидир. Аксарият ҳолларда корпорациялар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади. Хусусий корпорацияда кўпчилик акциялар бир шахсга, бир оиласа ёки акциядорларнинг тор доирасига тегишли». В.А.Чженнинг фикрича, «Корпорация (лот. corporatio – бирлашма; corporation) – икки ва ундан ортиқ акциядор иштироқидаги жамият кўринишидаги юридик шахс шаклидир. Мажбуриятлар бўйича жавобгарлика, чиқарилган акцияларнинг чегараланган қийматига, ўз номидан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, шартномалар тузиш, қарзлар олиш ва бериш ҳамда исталган фуқаролик ҳаракатларини амалга ошириш ҳукуқига эга...» Бироқ унинг айрим фикрларига кўшилмаслик мумкин. Масалан, муаллиф В.А.Чженнинг қуйидаги фикрига кўшилмайди: айрим мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари (АҚШ, Буюк Британия ва б.) корпорация тоифасига корпорация сифатида рўйхатга олинганми ёки йўқми, бундай қатъий назар, маълум белгиларга эга бўлган «дефакто» ташкилотларининг киритилишини назарда тутади ва белгилардан бири ташкил этилишнинг тижорат хусусияти ҳисобланади (яъни унинг фаолиятининг мақсади фойда олиш). Бироқ, масалан, АҚШда корпорация тегишли маҳаллий ҳокимият органида рўйхатга олинади ва янги корпорацияга инкорпорацияланганлик ҳақида сертификат берилади. Ўз навбатида, шуни таъкидлаш жоизки, давлат корпорациялари, квазидавлат кор-

порациялари, нотижорат корпорациялар мавжуд бўлиб, улар ташкил этилиши тижорат хусусиятига эга эмас ва фойда олиш мақсадини кўзламайди.

М.К.Старовийтовнинг фикрича, «умумий ҳолда корпорация – бу молиявий иқтисодий фаолият тури бўлиб, унинг иштирокчиларини умумий мулкка эга бўлиши ва профессионал менежерлар томонидан бошқариш вазифасини амалга оширишини назарда тутади».

М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллевлар фикрича, корпорация – бу ривожланган йирик акционерлар жамияти ва трестлар бирлашмасидир. Корпорацияларнинг негизи акционер жамиятлари ҳисобланади.

Фикримизча, берилган таърифларда умумий белги бу корпорациялар асосини ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этишидадир. Бу ерда аввало қўйидагиларга эътибор бермоқ зарур:

-ташкилотлар ўзининг аъзоларига нисбатан мақоми нуқтаи назаридан бирламчи ва иккиласмчи турларга бўлинади. Ўз навбатида иккиласмчи ташкилотлар корпоратив ва ассоциатив шаклда бўлади. Корпорация худди шу тафсилотларда корпоратив шаклга киради;

-корпорацияда умумий мулкга эгалик ҳуқуқи бўлакларга (акцияларга) бўлинган бўлади, бинобарин, корпорация мулкида иштирок акцияларга эгалик кўринишида ифодаланади;

-фаолиятини тижорий эканлиги, чекланган мажбурият, марказий бошқарув, ўзига тегишли акцияни эркин тасарруф этиши корпорацияни асосий ўзига хос жиҳатларини ташкил этади.

7.1. Корпоратив бошқарувнинг моҳияти ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Корпорация – бу бизнесни ташкил этишнинг маҳсус шакли бўлиб, юридик шахс ҳисобланиб, акционерлик режимида (ўз эгаларидан алоҳида) фаолият кўрсатади ва менежерлар томонидан бошқарилади.

Корпоратив бошқарув концепцияси дастлаб Британияда 19-асрда ишлаб чиқилди. Ўша вактда акциядорлик компанияси деган тузилма ўйлаб топилдики, у мулкдорлар ва бошқарувчилар вазифаларини бир-биридан ажратиб кўйди. Мантиқ шундан иборат эдик, агар компания мулкдорларининг сони ошса, у ҳолда компанияни бошқарма фаол жалб этилмаган мулкдорлар бошқарувчиларнинг фаолиятига таъсир кўрсатиш ва назорат килиш имкониятига эга бўлиши керак эди.

Акционерлик капиталининг субъекти сифатида индивидуал мулкка нисбатан янги, ўзига хос сифатга эга уюшма намоён бўлади. Ушбу комбинация доирасида корхонани бошқариш бўйича вазифалар унинг ҳар хил иштирокчилари ўргасида таксимланади, ишлаб чиқаришнинг ижтимоийлашиши натижасида уларни соф ишлаб чиқариши, техник вазифаларни бажаришдан четлашиши юз беради, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг бошқариш вазифаси ёлланган бошқарувчилар қўлига ўтади. Ушбу уюшма зиммасига эса назорат қилиш функцияси тўғри келади.

Акциядорлик жамиятида акциядорлар кредит берувчи шахслар олдида жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарликка эга эмас, уларнинг мулки эса жамият мулкидан алоҳида ажралган бўлиб, акциядорларнинг сони деярли чекланмаган. Бу эса йирик сармоядорларга жамият эгаларини назорат қилиш имконини беради. Шундай килиб, корпоратив бошқарувни ўзига хос жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

- корпоратив бошқарув тузилмаси кўп погонали бўлиб, нисбатан мураккаблиги билан ажралиб туради;

- бошқарув жараёнига (стратегияси, тактикаси) тегишли механизм орқали (акциядорлик жамиятлари акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши) таъсир этга олиши имконининг борлиги;

- акциядорни корхонага эгалик қилиш билан уни бошқариш жараёни алоҳидалаштирилганлиги сабабли, акциядор корхонани жорий бошқариш жараёнига бевосита аралаша олмаслити;

- ишлаб чиқаришни бошқариш вазифасини ёлланма бошқарувчилар томонидан амалга оширилиши, акциядорлар эса назорат қилиш функциясини бажариши;

- акциядорларнинг сони деярли чекланмаганлиги, бу эса йирик сармоядорларга жамият ишларини бошқариб, назорат қилиш имконини беради.

Ушбу ўзига хосликни тушуниш учун акциядорлик жамиятини бошқарув органлари масаласига тўхтаб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Зоро, корпорациянинг асосини акционерлик жамиятлари ташкил этади.

Акциядорлик жамияти – бу корхона мулкининг эгаси бўлиб, унинг фаолиятига раҳбарлик қиласи ва ишчилар ёллайди. Одатда бундай функцияларни акциядорлар қабул қилинган Низомга биноан тузилган ижро органларига топширилади.

Акциядорлар умумий йигилиши акциядорлик жамияти бошкарувининг олий органи бўлиб, у камида бир йилда бир марта чакирилади. У корхонани ривожланиш стратегиясини асосий йўналишларини белгилаб беради, мавжуд қонунчилик доирасида корхонани бошқаришнинг қоидаларини ишлаб чиқади, тасдиклайди. Умумий мажлислар оралиғидаги муддат ичидаги акциядорларнинг хукукларини химоя ва Низомда кўзда тутилган вазифаларни бажаравучи Кузатувчи Кенгаш тузилади. Кенгаш аъзолари йиллик мажлисида акциядорлар сафидан сайланади. Акциядорлик жамияти бошкарувининг аъзолари Кузатувчи Кенгашга аъзо бўла олишмайди.

Акциядорлик жамиятининг бошқаруви (ижро органи) ёки Низомда кўрсатилган бошқа идора акциядорлик жамиятининг ижроия органи хисобланиб, жамият ишини ташкил қиласди ва жамият фаолияти якунлари тўғрисида йигилишга йиллик хисоботни тақдим этади.

Бошқарув умумий йигилишининг ва кузатувчи кенгашнинг маҳсус ваколати доирасига кирувчи хукуклардан бошқа фаолиятнинг ҳамма масалаларини ҳал қиласди.

Акциядорлик жамиятининг Низомга мувофиқ тайинланадиган ёки сайлаб кўйиладиган бошқарув раиси бошқарув ишига раҳбарлик қиласди. Бошқарув раиси ишонч коғозисиз жамият номидан фаолият кўрсатишга хаклидир. Бошқарувнинг бошқа аъзоларга ҳам Низомга биноан ана шундай хукуклар берилиши мумкин.

Акциядорлар сафидан сайланувчи тафтиш комиссияси жамият бошқарувининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қиласди. Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамиятнинг ижроия органи таркибига кира олмайдилар.

Акциядорлик жамияти ҳар йили камида бир марта ўзининг молия хўжалик фаолиятини тафтиш қилишга мажбуурдир.

Ўз навбатида акциядорлар бойлигини ошириш йўлларини ҳам таъкидлаш лозим. Дивиденд тарзда ва бозорда акциялари инт баҳоси ошишидан олинадиган акциялар фойдасининг қўпайиши менежерлар жавобгарлигининг асосий соҳасидир. Акция қийматини ортиришга хизмат қиливчи тадбирлар жамият учун ҳам фойдали, чунки акция баҳосининг ошиши юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва атроф-муҳитга кам зарар етказган ҳолда, мумкин кадар кам харажатли хизмат талаб қиласди.

Жаҳон тажрибалари хўжалик фаолияти ташкил қилишининг акциядорлик шакли самарадорлигига гувоҳ бўла олади. Ривожланган бозор иқтисодиётига ўзга мамлакатларда ишлаб чиқариш фон-

дининг 30-40 фоизи унинг зиммасига тушади. Фуқаролар, корхоналар, банклар, хорижий фирмалар ва бошқалар акцияларга эгалик қила олишади. Масалан, ГФРда акцияларнинг умумий қиймати күйидагича тақсимланади: фуқароларда – 20 %, корхона ва фирмаларда – 40 %, сугурта жамиятларида – 12 %, банкларда – 9 %, давлатда – 6 %, хорижий мулкдорларда – 13 %. Ишчилар одатда ўз корхоналари акцияларини биржа (бозор) курсидан арzon нарҳда сотиб олишади. АҚШда арzonлаштириш 10 фоизни, Буюк Британияда 37 фоизгачани ташкил қиласи. ГФРнинг «Сименс» электроника фирмасида акцияларнинг 47 фоизи, «Фолксваген» автомобил компаниясида эса 36 фоизи ишчиларга тегишилди.

Корпоратив шаклдаги тузилмаларни ривожланишини таҳлид этиш жараёнида уларниң камчилик ва устун тарафларини инобатга олиш зарур (13-жадвал). Чунки бошқарув жараёнида камчилик тарафларнинг оқибатларини иложи борича юмшатиш, устун тарафларнинг имкониятларидан кенг фойлаланиш зарур бўлади.

13-жадвал

Корпорацияларнинг афзалликлари ва камчиликлари

Афзалликлар	Камчиликлар
Акциядорлар корпорациянинг қарзлари бўйича, корпорация эса акциядорларнинг қарзлари бўйича шахсий жавобгарликка эга эмас	Корпорация эгаларининг икки томонлама соликка тортимиши
Йирик ва майда сармоядорларни жалб этиш йўли билан капитални теззда йигиб олиш	Якка тадбиркорлик ёки ҳамкорликка нисбатан корпоратив фаолиятнинг анча қатъий тартибга солиниши
Акциялар эгалари алмашиши муносабати билан корпорациянинг фаолияти тўхтаб колмайди	Корпорация эгалари бўлмиш акциядорларнинг корпорацияни жорий бошваришидаги чекланишлар

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корпорациялар маълум мезон ёки белгиларга кўра ҳар хил турларга бўлинади. Хусусан, корпорациялар мулкчилик шаклига кўра: давлат, давлат мулки улуши бор корпорацияларга, хусусий корпорацияларга бўлинади; ташкил этиш мақсадига кўра корпорациялар тижорат, нотижорат корпорацияларга бўлинishi мумкин. Янги акциядорларни жалб этиш нуқтai назаридан очик ёки ёпик турдаги корпорациялар сифатида фарқ қиласи. Бошқарув нуқтai назаридан бўйсунишлик даражасига кўра,

корпорациялар масъулияти чекланган компания, бош компания, холдинг компанияси, шұйба компанияларга бўлинади.

Корпорациянинг турларидан бири холдинг компаниясидир (холдинг). «Холдинг (англ.) – бошқа компаниялар фаолиятини назорат килиш ва бошқариш мақсадида улар акцияларининг назорат пакетига эга бўлган компаниядир. Икки турдаги холдинглар мавжуд: соф холдинг ва аралаш холдинг. Соф холдинг акциялар назорат пакетига эгалик қила туриб, бошқа компаниялар фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш билан шугулланади. Аралаш холдинг муайян соҳада (саноат, савдо, транспорт ва х.к.) ҳаракат қила туриб, шу билан бирга иқтисодиётнинг турли соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади».

7.2. Диверсификациялашган стратегия турлари

Олдинги бобларда асосий эътибор ишлаб чиқариш бўлимлари даражасида стратегияларни ишлаб чиқиш ва қўллашга қаратилган эди. Ушбу бобда юқорироқ даражада стратегик режалаштиришнинг корпоратив даражасига қараб чиқиласди.

Корпоратив даражада ҳал этилаётган масалалар бизнесни қайси доирада амалга ошириш, фаолиятнинг ҳар хил турлари ўртасида ресурсларни қандай тақсимлаш билан боғлик бўлиб, қабул қилинаётган қарорлар миқёси ўзгаради. Стратегик ривожланишнинг ушбу масалалари корпорациянинг олдида турган ўз фаолиятини диверсификациялашда анча долзарб вазифага айланади.

Диверсификациялашган корпорацияда юқори раҳбарият қўйидаги муаммолар мажмуасига тўқнаш келади:

1. Ҳар хил фаолият турларини қандай бошқариш мумкин? (Айниқса маълум соҳадаги рақобат шароити ҳақида кам билган холда, ўша соҳада фаолият юритиша).

2. Бўлинмалар ўртасида капитални қандай қилиб тўғри тақсимлаш керак?

3. Корпорацияни бошқаришни қандай ташкил этиш керак? Стратегик қарорларни ишлаб чиқишида қайси алоҳида бўлинмаларга эътибор қаратилиши зарур? Марказлаштирилган бошқарувдан қайси фаолият тури кўпроқ мувафакиятга эришади?

4. Корпорация ичидаги ҳар хил, лекин ўзаро боғлик бўлинмалар ўртасидаги алоқалардан қандай самарали фойдаланиш мумкин?

5. Бўлинмалар раҳбарлари марлакасини ошириш ва рағбатлантириш тизими қандай бўлиши лозим?

Корпорация олдида турган энг муҳим стратегик савол диверсификациялашган корпорациянинг мавжуд бўлишлиги ва унинг акционерлар кўз ўнгидаги қандай устунликка эга эканлиги, корпорациянинг қиймати, унинг алоҳида қисмлари қийматига нисбатан ошганлиги ҳисобланади.

Охиригич чорак аср давомида диверсификациялашган корпорацияларга қизиқишнинг гоҳ ошганлиги, гоҳ пасайиб кетганлиги кузатилди. Уларнинг кўпчилиги 60-йилларда ёки 70-йилларнинг бош-ларидаги ташкил этилган. Бунда икки концепциядан фойдаланилган: бўлинмалар тулари фаолияти бўйича ҳар хил портфелларни бош-кариш ёки бирлашиш (синергизм)ни кучайтиришдаги устунликдан фойдаланиш. Синергизм тушунчаси адабиётларда $2+2=5$ кўри-нишидаги тенгликда тушунтирилади. (Бошқача айтганда бутунлик алоҳида қисмлар йигинидисидан катта). Бу гояни маъкулловчи кўпчи-ликнинг баҳтига уни устунлигини ўлчаш анча қийин. Қуйида диверсификациялашган стратегияни амалга оширишда йўл қўйилган энг кў-пол хатолар келтирилган.

1. Реструктуризация стратегия сифатида. Компанияларни диверсификациялашнинг ушбу усули 80 йилларда кенг тарқалган. Одатда қайсиdir компания оғир аҳволдаги бошқа компанияни сотиб олади ва эски раҳбариятни бўшатиб, норентабел бўлган ишлаб чиқаришни тўхтатади, харажатларни камайтиришга ва шу билан бирга ушбу бизнесда даромадни кўпайтиришга ҳаракат қиласди. Ушбу ҳолатда муаммо шундан иборат бўладики, энди нима қилиш керак? Ҳатто олдинги раҳбариятнинг барча камчиликлари бартараф этилиб, қисқа даврда фойда олинади. Лекин шу билан янги ўз-лаштирилган бизнес келажакда ҳам даромад келтирадими?

2. Рақобатчи фирмаларни сотиб олиш. Бу яна қисқа муддатли даврда муваффақиятга эришишнинг яна бир усули. Ушбу стратегия компаниянинг харажатларини камайтиришга (қўйилма харажатларни қисқартириш ҳисобига) ва соҳа структурасини яхшлашга (рақобатчи фирмаларни сотиб олиш орқали нархни ва фойдани пасайишига олиб келувчи соҳадаги рақобатни пасайтиришга) имкон яратади. Лекин барibir биринчи ҳолатдаги каби энди нима қилиш керак? деган савол юзага чиқади. Шундай бўлсада ўта баҳоловчи бўлмаслик керак. Агар раҳбарият ўз ишини яхши билса диверсификациялашган корпорация ўз-ўзига яхши ғоя ҳисобланади. Лекин

хисобланади. Лекин бош масала бошқа нарсаны назарда тутади: корпорация ҳар бир алохида бўлинманинг рақобатда устунлигини ошира оладими? Агар ошира олмаса, корпорация хиссадорлари ушбу корпорация-нинг бўлиниб кетишини ва унинг алохида қисмларини сотилишини маъқул кўришади.

Охирги пайтларда қарама-карши бирлашиш тенденцияси юзага келади. Ҳозир майдалаштириш урф бўлган. Ҳаттоқи «салбий синергизм» бирлашишни кучайтиришнинг тескари назарияси пайдо бўлади, бунда диверсификациялашган корпорация акциялари бозор нархи паст.

✓ Ҳамкорликда фойдаланиш – муваффақият гарови. Қайси вазиятларда бўлинма корпорациянинг бир бўлаги ҳисобланганда унга фойда келтиради? Бу саволга жавоб топиш учун қўйидаги чизмага эътибор қаратамиз. Бу бўлинмалар ўртасида алоқа ўрнатишнинг уч мухим усулларидан бири келтирилган.



6-расм. Тажриба ва ресурслар алмашиш.

1. Янгиликлар ва ресурслар алмашиш. Бундай вазиятда ҳар бир бўлинма ўзаро ҳамкорликдан ресурслар ва янгиликларни ўзлаштириб олади. Масалан, X бўлинма маркетинг фаолияти соҳасида бой тажрибага эга, Y бўлинма эса бу соҳада кўп муаммоларга дуч маркетинг стратегиялари ишлай олмайди. X бўлинманинг тажрибасидан фойдаланиб кўриш орқали Y бўлинма ҳам ўзининг соҳасида рақобат бўйича устунликни кўлга киритиш мумкин. Бунга бошқа мисол қилиб бирга-

ликда таксимлаш каналларидан фойдаланиш, тадқиқотлар ўтказиш, ўқитиш марказларини ташкил этишларни ҳам келтириш мумкин.

2. Структура ва тизимларни алмашиш. Бир қанча йирик корпорациялар ўзларининг янгидан кўлга киритган компанияларининг фойдалилигини кўпайтиришни уларнинг раҳбарияти ва молия назорати тизимини такомиллаштириш, шунингдек, бу компаниялар бўлинмаларини айрим турларини ихтисослаштириш бўйича кайта структуризациялаш йўлларини кўллашади. Бундай вазиятда тажриба ва ресурслардан ўзаро фойдаланиш ижобий самара келтиради.

3. Маданият ва қадриятларни алмашиш. Ушбу вазиятда ҳар бир хўжалик бўлинмаси ягона корпоратив маданиятга жамоавий қадриятларга эга эканлигининг тан олинганлигидан ютади. Масалан, эгалик қилувчи корпорация инновация соҳасида кучли анъаналарга эга бўлса, бу албатта кўлга киритилган компания учун ҳам ижобий таъсир этади.

Албатта, алоҳида ҳолатларда бўлинма ўз позициясини камида битта йўналиш бўйича алокалар ўрнатиш йўли билан кучайтириши мумкин, лекин амалда муваффақиятли ривожланаётган корпорация ўзининг бўлинмаларини даромадлилигини ошириш учун улардан бирига таянишга интилади. Алмашув самарали бўлиши учун у содир бўлаётган бўлинма турдаги соҳада бўлиши керак, акс ҳолда бундай алмашувдан самара сезилмайди ёки эгалик қилувчи корпорациянинг позицияси ёки эгалланган фирмада ўзгаришлар бўлмайди. Етарлича далилларнинг мавжудлиги боғланган соҳалардаги диверсификация, боғланмаган соҳалардан кўра яхшироқ натижалар беришини таъкидлайди.

Диверсификацияни янги ташкил этилган ноль бизнесдан эмас, кўлга киритилган мавжуд бўлган фирмадан бошлиш зарур. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, бозорда янги иштирокчини (янги корхонани) пайдо бўлиши ушбу соҳада ракобатнинг кучайишига олиб келади. Шу билан биргаликда шундай мисоллар мавжудки, бунда тахминлар янги эгалланган корхоналарга эмас, балки корпорация ичидаги такомиллаштириш жараёнларига, айниқса корхоналарни сотиб олиш ва ўзлаштиришда мавжуд бўлган структурада пайдо бўлади.

Фирмаларни кўлга киритишдаги қийинчиликлар мавжуд бўлган маданият ва қадриятлардаги фарқлар билан боғлиқ. Бу фарқ қанчалик катта бўлса, интеграция жараёни шунчалик қийин бўлади. Интеграция жараёнидаги турли фикрлар, келишувлар, ички баҳслар даври узоқ давом этиб, компания раҳбариятини зътибо-

рини мұхым нарсадан – корхонани ушбу соҳадаги рақобат позициясими яхшилашдан ғалғитиши мүмкін.

Японияда ҳам тарихан, ҳам юридик жиҳатдан мамлакатда компанияларни құлға киришиң жуда мураккаб бўлиб, фирмалар диверсификацияни анъанавий тарзда ички ривожланиши ҳисобига амалга оширишади. Мавжуд корпорация янги корхона ташкил этади, янги мутахассисларни янги корпорация ходимларидан тайёрлашади ёки ташқаридан ёллашади ва уларга корпоратив фикрлашиши сингдирилади.

Шу тарздаги муваффакиятли бошлаш компанияни ташкил этиш бўйича қимматли тажриба тўплашда имкон яратади, бу эса ўз навбатида корпорация бўлинмалари ўртасида соғлом рақобатни пайдо бўлишига туртки беради.

Шу вактгача вертикаль интеграция диверсификациянинг бир стратегияси деб қараб келдик. Бундай стратегия фирмани ёки «оралиқ бўйича пастга» (транспортировка, тақсимлаш, қўтара савдо) фаолиятни амалга ошириб, оддига ҳаракат қилишга ёки «оралиқ бўйича юқорига» хом ашё бўйича назоратни қўлга киритиб, орқага ҳаракат қилишга мажбур киласди.

Корпорация бунга фирмани сотиб олиш орқали ёки ички ривожланиши йўли билан эришиши мүмкін. Агар иккинчи вариант танланса, корпорация раҳбарияти биринчи вариантга, бунда корпорация ушбу соҳада самарали ишлай оладими йўқми, эътибор қаратиши зарур. «Оралиқ бўйича ва оралиққа қарши» ҳаракат бевосита корпорациянинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлсада, кўпгина муносабатларда бу янги фаолият доирасининг янги соҳадаги ҳаракати ҳисобланади.

Вертикаль интеграция қачонки корпорация ўзининг бозордаги муваффакияти ҳаётий зарурати учун шу соҳани назорат қилиши зарур деб ҳисоблаганды қўлланилади. Битта соҳа билан боғлиқ бўлган йирик бюрократик структуралар кўпроқ жараён босқичларини назорат қилиши учун, тез-тез вертикаль интеграцияни танлашади. Шунинг учун бундай фирмалар яхши ташкил этилган ёрдамчи персоналларга эга бўлишига интилишади. Қаерда корпорация фаолият доираси анча кенг бўлиб, уларни битта раҳбарият структурасида самарали назорат қилиш учун ва қаерда вертикаль интеграция компанияларни сотиб олиш йўли билан эришилган бўлса, кўп бўлинмали структура зарур бўлади (мультидивизионал).

Ушбу структура билан одатий дивизионал структура ўртасидаги фарқ кўпгина диверсификациялашган корпорациялар учун шундан

иборатки, вертикал интеграциялаштирилган корпорациялар ўзининг бўлинмаларини ҳаракатини анча пухта мувофиқлаштиришлари керак бўлади. Масалан, интеграциялаштирилган нефть компанияси ўз бўлинмаларини қазиб олиш, тозалаш, юклаш, қайта ишлаш, тақсимлаш ва кўтара савдо бўйича мувофиқлаштириши керак бўлади.

7.2.1. Янги тармоқларга кириш стратегиялари

Янги тармоқка кириш қўйидаги уч шаклдан бирида давом этиши мумкин:

- «ютиб юбориш»;
- янги компания тузиш;
- кўшма корхона тузиш.

Мавжуд фирмани «ютиб юбориш» энг оммавий усул бўлиб, янги бозорга тезроқ кириш устунлигига эга. Шунингдек, у технологик қолоқликни тугатиш, таъминотчилар билан алоқалар боғлаш, янги тармоқда рақобатбардошликка эришиш каби тўсиқларни енгиш учун ёрдам беради. Кўп тармоқларда зарур ахборот базасини ривожлантириш, ўзини ресурслар билан таъминлаш ва жиддий рақобатчи обрўсини эгаллаш учун фирмаларга бир неча йил керак бўлади. Бу қўйидаги ҳолларда жозибали ҳисобланади:

- етарли вақт бўлган тақдирда;
- янги фирманинг бозорни эгаллашга бўлган ҳаракатларига рақобатчи фирмалар реакция билдирилдилар.

Бундай йўл билан бозорга чиқиши бошқа компанияни сошиб олишдан арzonга тушади.

Фирма самарали фаолият кўрсатиши учун етарли тажрибага эга бўлади.

Янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш тармоқдаги тараб ва таклиф музозанатига салбий таъсир кўрсатмайди. Мақсадли тармоқда нисбатан катта бўлмаган фирмалар бўлганлиги учун ёш компанияларга йирик рақобатчилар билан рақобат қилишига тўгри келмайди.

Кўшма корхоналар тузиш қўйидаги ҳолларда фойдали самара бериши мумкин. Кўшма корхона – якка тартибда бирор-бир ишни бажаришни хавфли ёки тежамсиз эканлигига яхши усуздир. Кўшма корхоналар ресурсларни бирлаштириш янада кучлироқ рақобат устунликларига эга бўлган таркибни яратадиган тақдирда қулайдир.

Хорижий хамкорлар билан кўшма корхоналар баъзидаги импорт квоталарини, тарифларни миллий-сиёсий манфаатлар ва мадданий тўсиқларни енгиб ўтишнинг ягона имконияти ҳисобланади.

7.2.2. Турдош тармоқларга диверсиялаш стратегияси

Диверсиялаш вариантиларини излаш жараёнида компания турдош тармоқларни танлаши мумкин. Бундай пайтда тармоққа диверсиялаш стратегик мувофиқлиқдан келиб чикиб, амалга оширилади. Турли фирмалар ўхаш ишлаб чиқаришга эга бўлган тақдирда стратегик мувофиқлик мавжуд бўлади. Бу эса қўйидагиларни амалга ошириш учун имконият яратади:

- маҳорат ва тажрибани бир корхонадан бошқа корхонага ўтказиш.

Стратегик мувофиқликка асосланган алоқалар ишлаб чиқариш соҳасида, персонал маҳоратига бўлган талабларда, минерал ресурслар ва таъминотчилар манбаларининг ягоналигига, қисмлар ва таркибий қисмларни биргаликда ишлаб чиқариш учун салоҳиятда, ўхаш ишлаб чиқариш усуллари ва бошқарув ноу-хауларидаги, маркетинг ва маҳсулот сотишида бир хил ёндашувларни қўллашда, бир хил улгуржи харидорлар ва чакана дилерларда, сотувдан кеинги хизмат кўрсатиш салоҳиятида, шунингдек, умумий савдо маркасидан фойдаланишида олинган синергетик самарада намоён бўлади.

Турдош тармоқларга диверсиялаш ҳақиқатда жозибали кўринали. У мавжуд ишбоп фаоллик даражасини сақлаб қолиш, маҳорат ва тажрибани ўргатиш ҳисобига рақобат устунлигидан фойдаланиш, шунингдек, инвестициялаш хавфини турдош тармоқлардаги фирмалар билан бўлишиш имкониятини беради.

Иккита корхонага раҳбарлик қилиш, уларнинг алоҳида фаолият кўрсатишига нисбатан арzonга тушса, шундагина турдош диверсиялашда фаолият миқёсларидағи тежамкорлик мавжуд бўлади. Турдош тармоқлар ўртасидаги стратегик мувофиқлик қўйидагилар ҳисобига рақобат устунлиги учун салоҳиятни вужудга келтиради:

- анча паст ишлаб чиқариш харажатлари;
- бир тармоқдан иккинчисига асосий малака ва тажриба, технологик хусусиятлар, бошқарув ноу-хауларни самарали узатиш;
- умумий товар маркасидан фойдаланиш имкониятлари.

Бизнеснинг бир-бирига яқин соҳаларида стратегик мувофиқлик ҳисобига эришилган рақобат устунлиги индивидуал ишлаб чиқаришга караганда кўшимча салоҳият беради.

Рақобат устунлигининг кўшимча манбаи акциялар даромадлиги бўйича $2+2=5$ самарасини олиш имконини беради. Турдош тармоқларга диверсиялашнинг энг тарқалган йўллари қуидагилар:

1. Сотиш имкониятлари ва реклама фаолиятидан биргаликда фойдаланиши мумкин бўлган тармоқларга кириш.

2. Турдош технологиялардан фойдаланиш.

3. Ноу-хау ва тажрибаларни бир фаолият туридан бошқа фаолият турларига ўтказиш.

4. Янги маҳсулотга фирманинг номи ва истеъмолчилар ишончини сингдириш.

5. Фаолиятнинг асосий турини қувватлаш учун янги тармоқларда харид қилиш.

Диверсиялаш ҳакидаги карор даромадли компанияларни излаш ва сотиб олиш натижаси ҳисобланади. Нотурдош диверсиялашнинг асосий қоидаси шуки, унда манфаатли молиявий шартларда сотиб олиниши мумкин бўлган ва фойда олиш учун яхши истиқболга эга ҳар қандай компания диверсиялаш учун манфаатли йўналиш саналади. Баъзида нотурдош диверсияни амалга ошираётган компаниялар ўзининг алоҳида мавқеи ҳисобига тез молиявий фойда олиш учун имкониятларни таклиф қиласидиган компанияларни излаб топишга ўз кучларини йўналтирадилар Бундай корхоналарнинг учта тури мавжуд:

1) Нархи пасайтирилган компания. Бундай ҳолда мазкур корхоналарни бозор нархларидан пастроқ нархларда сотиб олиш имконияти мавжуд. Бу эса кейинчалик компанияни нисбатан юкори нархда сотиш имконини беради.

2) Молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган компаниялар. Бундай фирмалар шартномавий нархларда сотиб олиниши мумкин.

3) Ўсиш имкониятлари катта, лекин инвестиция имкониятлари бўлмаган компаниялар.

Нотурдош тармоқларга диверсиялаш қуидаги нуқтаи назардан жуда манфаатлидир:

Тижорат таваккалчилиги саноатнинг кўпгина ҳар турли тармоқлари бўйича «сочилган» бўлиб, бу компаниянинг бирор-бир соҳасида пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммолар измида бўлиш даражасини камайтиради.

Компаниянинг молиявий ресурслари рентабеллик нуқаи назаридан жозибали истиқболлари бўлган тармоқларга инвестиция қилиниши мумкин.

Компаниянинг ички фойда меъёри сезиларли даражада барқарорлашади, чунки бир тармоқдаги қийинчилик даврлари бошқаси ҳисобига қисман компенсация килиниши мумкин.

Корпоратив раҳбарият етарли баҳоланмаган компанияларнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш тажрибасини ортириб борган сари, корпорациянинг молиявий ахволи яхшиланиб, акцияларнинг даромадлилиги ошиб боради.

7.2.3. Қисқартириш ва тугатиш стратегияси

Корпорация фаолиятининг аниқ йўналиши ўз жозибасини йўқотиб қўйса, бундай ахволдан омадли чиқиш йўли бизнесни сотиш ҳисобланади. Махсулотни сотиш вактини ва заруратини аниқлашнинг муҳим тамоили бу «Агар биз мазкур фаолият билан шуғулланмаганимизда, ҳозир шу соҳада иш бошлармидик?», деган саволга жавоб бериш ҳисобланади. Агар жавоб салбий бўлса, бундай корхонани сотиш имкониятларини ҳисоблаб чиқиш керак бўлади.

Аксинча, «Ким учун бу корхона муваффақиятли харид бўлиши ва қандай вазиятда улар учун маъқул бўлиши мумкин?», деб қаралса, оқилона иш бўлади. Қайси ташкилот учун бундай корхонани сотиб олиш фойдали бўлса, шу ташкилот энг юқори баҳода сотиб олиши мумкин.

Барча мавжуд стратегик муқобил варианtlар ичida тугатиш, ягона бизнес билан шуғулланувчи корхоналар учун энг ноҳуш ва аянчли ҳолат ҳисобланади. Чунки улар учун бундай вазият тирикчилик ўтказишни бутунлай тўхтатишни англатади. Шунга қарамай, иложсиз қолган шароитда акциядорлар манфаатига эрта тугатиш, банкрот бўлишга нисбатан мос келади.

7.2.4. Қайта таркиблаштириш стратегияси

Портфелни тиклаш тежамкорлик ва қайта таркиблаш стратегияси харидорлари қашшоқлашаётган корхоналарда вазиятни ўзгартириш талаб этилган тақдирда кўлланилади.

Тиклашнинг корпоратив стратегияси заرارга ишлаётган корхоналардан қутулишга эмас, уларни қайта тиклашга ургу беради. Бундай стратегиянинг мақсади харидорлар умумий сонининг камайишига «катта хисса» қўшаётган корхоналарнинг муаммоларини ҳал этиш орқали корпорацияни соғломлаштиришдан иборат.

Тежамкорликнинг корпоратив стратегияси ўз эътиборини диверсиялаш миқёсларини қискартириш ва корхоналар сонини камайтиришга қаратади.

Портфелни қайта таркиблаш стратегияси таркибни ва корпорациянинг ишбоп портфелида фоиз нисбатларини тубдан қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади. Қайта таркиблашга бўлган эҳтиёж куидаги вазиятларда пайдо бўлиши мумкин:

1. Қийин пайтларни бошдан кечираётган пайтларда бир ёки бир неча муҳим йўналишлар.

2. Компаниянинг янги раҳбарияти корпорациянинг стратегик сиёсатини қайта кўриб чиқиш хақида карор қабул қиласди.

3. Янги технологиялар ва маҳсулотлар пайдо бўлади.

4. Портфелдаги кўпгина йўналишлар борган сари самарасиз бўлиб боради ва уларни жиддий равишда қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

7.2.5. Кўпмиллатли диверсиялаш стратегияси

Диверсиялашнинг кўпмиллатли стратегиясини фарқлантириб турувчи белгиси портфелда корхоналар ва қамраб олинган миллий бозорлар сонининг кўплиги ҳисобланади. Бундай ҳолларда корпорация раҳбарияти ҳар бир тармоққа ҳеч бўлмагандан биттадан турли стратегик ёндашувларни ривожлантириб ва кўллаб бориши керак. Менежерлар турли тармоқларга тегишли ва турли мамлакатларда жойлашган фирмаларнинг стратегик тадбирларини мувофиқлаштириш учун муваффақиятли ечимлар топишни билишлари лозим. Стратегик мувофиқлаштиришнинг мақсади фаолиятининг ҳар бир соҳасида ва ҳар бир миллий бозорда барқарор рақобат устунлигини таъминлаш учун ресурслар ва мувофиқлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади.

60-йилларнинг бошланишида ТНК турли мамлакатларда бутунлай мустақил бўлган кичик корхоналар сифатида мавжуд бўлган. Уларнинг ҳар биридан ўз миллий қонунчиликларининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ келишлиги талаб этилган.

70-йиллардан бошлаб кўпмиллатли стратегия ўз самарасини йўқота бошлади.

80-йиллардан бошлаб рақобатчилик устунлигининг бошқа манбаи вужудга кела бошлади. Бу бир йўла бир неча тармоқларда кучли рақобат мавқеларини эгаллаш учун боғлиқ тармоқларни диверсиялашнинг стратегик манфаатларидан фойдаланиш.

VIII боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎРНИ

Стратегик бошқариш деб фирмани шундай бошқаришга айтиладики, унда инсон ўз салоҳиятига суюниши, ишлаб чиқариш фаолиятини истеъмолчи талабига мўлжаллаб иш кўриши, ташкилотда тез мослашув ва вактида ўзгаришларни амалга ошириши, узок истиқболда фирма ўзининг мақсадларини сақлаб колдириши ва пировард натижада уларга эришиш имкони берилиши тушунилади.

Мураккаблашиб борадиган ракобат курашида корхона сақлашиб қолиши учун, стратегик бошқариш муҳим омил бўлишига қарамай, ташкилотлар ҳаракатида стратегикликнинг доимо ҳам бўлавермаслиги оқибатида кўп ҳолларда бозор ракобатига бардош беролмай, мағлубиятга учраши мумкин. Стратегик бошқаришнинг йўклиги аввало куйидаги икки ҳолда кўринади.

Биринчидан, ташкилот ўз фаолиятини шундай режалаштирадики, худди атрофидаги муҳит ўзгармайди, ўзгарса ҳам унда сифат ўзгариши рўй бермайди Стратегиясиз бошқаришда муайян ҳаракатларнинг режаси муҳитнинг ҳақиқий ҳолати амалда ўзгармайди деган мақсадда тузилади. Экстрополяция усулига асосланиб, кўп (узок) йилларга тузиладиган режаларни белгилари стратегик бошқариш бўла олмайди. Узок муддатли истиқболни кўра билиш бошқаришнинг муҳим таркиби. Аммо амалда мавжуд экстрополяция ва бор муҳитнинг ҳолатини кўп йиллар олдиндан ифодалаши бу стратегик бошқариш дегани эмас.

Стратегик бошқариш ташкилот фаолият кўрсатаётган вактнинг ҳар бир онида келажакда эришмоқчи бўлган мақсадлари ўз ифодасини топади, яъни стратегик бошқаришда келажакдан ҳозирги фаолиятга қараш амалга оширилади. Ҳозирги вактда ташкилот ҳаракати аниқланади ва рўёбга чиқарилади, режа эса ишлаб чиқилмайди ёки келажакда ташкилот нима қилмоғи керак деган савол туғилмайди. Стратегик бошқаришга хослик шуки, ташкилотнинг келажакда исталаётган ҳолати белгиланибгина қолмай, шу билан бирга стратегик бошқаришнинг муҳим вазифасини, атрофидаги ўзгаришларни сеза оладиган ва келажакдаги исталган мақсадларига эришиш имконини берадиган қобилият ишлаб чиқилади.

Иккинчидан, стратегик бошқариш қотиб қолган ҳолда бажариладиган иш тартиби ва схемасини теришдан иборат эмас. Унинг ёзиладиган назарияси йўқки, маълум масалаларни ёки муайян ҳо-

латларда нима ва қандай қилиб ечиш кераклиги күрсатылсın. Стратегик бошқариш – бу бизнес ва менежментнинг маълум фалсафаси ёки мағкураси деса бўлади. Стратегик бошқариши ҳар бир менежер маълум даражада ўзича тушунади ва амалга оширади. Албатта, қатор тавсиялар, қоидалар ва стратегиянинг муаммоларини таҳлил қилиш мантиқий схемалари ва танлашлар мавжуд, шу билан бирга стратегик режалаштириш ва стратегияни амалий рӯёбга чиқаришлар бор.

Аmmo стратегик бошқариш умуман – бу олий раҳбарликда, симбиоз, яъни икки хил муҳитнинг муайян бир шароитда бир-бигра фойда ёки заарар келтириб, бирга мавжуд бўлган сезирлик ва санъат, улар орқали ташкилотни стратегик мақсадларига эриштириш, ташкилотни муҳит билан алоқасини таъминлашдаги хизматчиларнинг юқори касбий ва ижодий маҳоратидир. Ташкилот ва унинг маҳсулоти (хизмати)ни янгилай олиш, шу қатори жорий режаларни бунёд қилиш ва ниҳоят, ташкилот масалаларини амалга оширишда мақсадларга эришишнинг энг оқилюна йўлларини топиша барча ходимларнинг фаол иштирок этишидир.

Учинчидан, ташкилотда стратегик бошқариш жараёнини амалга оширишга кенг кўламли ҳаракат, кўп вақт ва ресурслар сарфлаш талаб қилинади. Ҳар қандай шароитда бажарилиши мажбурий бўлган узок муддатли режаларнинг ишланмасидан фарқли стратегик режалаштиришни яратиш ва амалга ошириш лозим. Стратегик режа тез мослашувчан бўлиши керак. У ташкилотнинг ички ва ташқи ўзгаришларига сезир ёки мослашувчан бўлиши лозим, бунинг учун эса жуда катта ҳаракатлар ва катта ҳаражатлар талаб этилади. Шу билан бирга, ташкилотда муҳитга кириб борувчи бўлинмалар яратилиши керак. Маркетинг хизмат бўлинмаси жамоа муносабатлари ва ўта зарур аҳамият касб этади ва сезиларли кўшимча ҳаражатлар талаб қиласди.

Тўртингчидан, стратегик кўра билишнинг салбий оқибатлари тўсатдан кучаяди. Қисқа муддат ичida мутлақо янги маҳсулот яратилса, бизнес учун кутилмаганда янги имкониятлар пайдо бўлса, тегишли стратегик танловнинг хатоси учун ташкилот иктисодий оғир ҳолатга тушиб қолиши мумкин.

Бешинчидан, стратегик бошқариши амалга оширишда аксарият стратегик режалаштиришга суюнлади. Аслида ҳам у стратегик бошқаришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб стратегик режани амалга оширишга хизмат қиласди. Бу эса ташкилий маданиятнинг яратилишини талаб этади. Ташкилотда кичик тизим стратегик ре-

жалаشتариш бўлганида ҳам ташкилий маданият (стратегияни амалга оширувчи), мойиллик тизимини яратиш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳоказолар бўлмаса, стратегик бошқаришга ўтиб бўлмайди.

8.1. Фирмада стратегик бошқариш

Стратегия – бу мақсадли амалга оширишда раҳбарлик қилиш санъати, ҳар бир жараён ҳолатига ечим қабул қилишда маълум ҳаракатнинг тараққиётида энг муҳим масалалар ва йўналишларни ажратиш уларни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишидир.

Стратегия – туб маънода мужассамлаштан режалаشتариш сиёсати, хўжалик ва ҳарбий жиҳатдан энг ҳаракатли йўналиш маъносини англатади ва мақсадни амалга оширишга раҳбарлик қилиш санъатини бошқаради.

Стратегия менежмент кўламида ўз моҳияти жиҳатидан тўрт гурух тушунчалар билан бойитилади:

1. Фирманинг жорий ва истиқболдаги фаолиятининг натижаларини баҳолашдаги қоидалар (баҳо мезонларининг сифат жиҳатларини – мўлжал белгилайди).

2. Фирманинг ташки мұхит билан юзага келадиган муносабатларининг умумий қоидалари (қандай маҳсулот ва технология билан бозорга чиқиш, маҳсулотларни айирбошлиш, қандай қилиб ўз ракобатдошлари билан курашиш ва уларга нисбатан илдамликка эришиш тўғрисидаги умумий қоидалар) – бу бозор стратегияси.

Бевосита ташкилот (фирма) миқёсида белгиланадиган қоидалар «ташкилий концепция» дейилади.

Фирманинг кундалик фаолиятида қўлланиладиган қоидалар – асосий жорий услублар деб аталади. Стратегия аниқ ҳаракатларда намоён бўлмайди. У, одатда, фирманинг мавқеини ва ўсишини таъминловчи асосий йўналишларни белгилаш билан чекланади.

Стратегия – лойиҳалар стратегиясини таваккалчилик асосида ишлаб чиқиш ва фойдаланиш имконини яратади. Агар муайян воқеалар ва ҳодисалар ривожланиши фирмани маъқул бўлмаган ҳолатларга бошласа, қабул қилинган стратегияга бўлган зарурат йўқолади. Излаш жараёни, тегишли аниқ ахборотлар воситасида муқобил стратегиялар ойдинлашади. Танлананаётган лойиҳаларни стратегиялар сифатида кўрилиши уларни мўлжал тарзида бўлишини англатиши мумкин.

Стратегия ва мўлжаллар ўзаро бир-бирларини тўлдирувчан хисобланади, бошқаришнинг турли бўғинларида ва муддатларида улар юзага келиши мумкин.

Умумлаштириб айтганда, стратегия бирмунча қийин ва мавхумлаштирилган амалий фаолият фалсафаси сифатида намоён бўлади. Тегишли давр мобайнида, қисқа муддатда, тегишли шароитдан келиб чиқкан ҳолда, қабул қилинадиган қарорларда, таваккалчилик сиёсатидаги услублар йиғиндиси – тактика тарзида ушбу стратегияни амалга оширади.

Фирмада стратегик бошқариш тизими – бу бешта ўзаро бир-бирига боғлиқ бошқариш жараёнларининг йиғиндиси деб қаралади. Бу жараёнлар мантиқан бири-биридан келиб чиқади. Аммо баркарор тескари боғлиқлик мавжуд ва мос равишда ҳар бир жараён қолганларига ва уларнинг барча йиғиндиларига таъсир ўтказади. Бу эса, стратегик бошқариш тизимининг муҳим хусусиятидир. Стратегик бошқариш тизимининг тузилишини қуидаги схемадагидек ифодалаш мумкин (8-чизма).

Мухитни таҳлил этиш одатда стратегик бошқариш тизимининг бошлангич жараёни хисобланади, чунки у фирманинг юксак вазифалари ва мақсадларини аниқлаш ҳамда фирма ўзининг юксак вазифа ва мақсадларига эришмоқ учун стратегик хулқни ишлаб чиқишига асос яратади. Мухитни таҳлил қилиш уни уч қисмга бўлиб ўрганишни мўлжаллайди: макроқамров; бевосита қамров; ички мухит.

Макроқамровни таҳлил этиш иқтисоднинг ҳолати, ҳуқуқий созлаш ва бошқариш, сиёсий жараёнлар, табиий мухит ва неъматлар, жамиятнинг ижтимоий ва маданий таркиблари, жамиятнинг илмий-техник ва технологик ривожланиши, инфратузилма каби мухитнинг таркибий қисмлари таъсирини ўрганишдан иборат.

Бевосита қамров қуидаги асосий таркибий қисмлар бўйича таҳлил қилинади: сотиб олувчилар; жўнатувчилар; рақобатчилар; ишчи кучининг бозорлари.

Ички мухитни таҳлил қилиш фирманинг рақобатли курашда ўзининг мақсадларига эришмоқлик жараёнида зарур бўлган ички имкониятлари ва салоҳиятини ҳисоблаб чиқишини ойдинлаштиради. Ички мухитни таҳлил қилиш ташкилотнинг юксак вазифалари ва мақсадларини яхшироқ тушунтиришда уларни тўғри ифодалашга имкон беради. Ҳар бир ташкилот атрофдагилар учун маҳсулот чи-

карибгина қолмай, ўзининг аъзоларини иш, фойда олиш, улар учун ижтимоий шароитлар яратиш кабилар билан таъминлаши лозим.



8-чизма. Стратегик бошқариш тизимининг тузилиши.

Ички мухит куйидаги йўналишлар бўйича таҳлил этилади:

- фирма ходимлари, уларнинг салоҳияти, малакаси, манфаатлари ва х.к.;
- бошқаришни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш, у билан боғлиқ бўлган ташкилий, операцион ва техник-технologik тавсифлар, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар;
- фирманинг молияси;
- маркетинг;
- ташкилий маданият.

Юксак вазифа ва мақсадларни аниқ ўрганилаётган стратегик бошқариш тизимининг жараёнларидан бири, у учта кичик жараёнлардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири мухим масъулиятли ишdir. Биринчи кичик жараён фирманинг юксак вазифасини аниқлашда, иккинчиси узок муддатли мақсадларини аниқлашда ва ниҳоят қисқа муддатли мақсадларини аниқлашда ифодаланади. Фирманинг юксак вазифаси ва мақсадларини аниқлаш, фирма нима учун фаолият кўрсатаяпти ва нимага интилишини билишга имкон беради. Буни билиш орқали истиқболли стратегик хулқни танлаш мумкин.

Юксак вазифа ва мақсадлар аниқлангач, стратегияни таҳлил килиш ва танлаш босқичига ўтилади. Бу жараён хақиқатан ҳам стратегик бошқаришнинг ўзаги дейилиши мумкин. Ташкилот маҳ-

сус усууллар ёрдамида ўзининг мақсадларига ва юксак вазифалари ни амалга оширишга эришади.

Стратегияни бажариш кескин жараён бўлиб, айнан у муваффакиятли бўлганидагина фирмани олдига қўйган мақсадларига эришишга олиб келади. Агар фирмадаги имкониятлар етарли дарожада жалб этилмаса, стратегия амалга оширилмай қолиши мумкин. Айниқса, бу меҳнаткашлар имкониятидан фойдаланилмаган холларда рўй беради.

Стратегиянинг бажарилишини баҳолаш ва назорат қилиш мантиқан сўнгги жараён бўлиб, стратегик бошқаришда намоён бўлади. Ушбу жараён ташкилот мақсадларини амалга ошираётган жараённинг бориши ҳакида тескари боғланиш барқарор бўлишини таъминлайди.

Ҳар қандай назоратнинг асосий масалалари қўйидагилар:

- кайси кўрсаткич бўйича текшириш лозимлигини аниқлаш;
- назорат қилинувчи объектнинг ҳолатини баҳолашда қабул қилинган стандартлар, меъёrlашлар ёки бошқа этalon кўrсаткичлар билан мос келиши;
- ўтказилган баҳолаш оқибатида оғиш сабаблари аниқланса, у ҳолда оғиш сабабларини тушунтириш;
- лозим ва зарур бўлса, баҳолашга тузатишлар киритиш.

Стратегик назорат натижаларига биноан тузатиш киритилса, фирманинг стратегиясига ҳам, мақсадларига ҳам тааллуқли бўлади.

8.2. Бизнеснинг стратегик турлари

Бизнес – соҳибкорлик – тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш. Бизнес – товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизмат кўrсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир. Бизнес хўжалик юритиш кўламига қараб йирик, ўрта ва майда турларга бўлинади.

Йирик бизнесга асосан ишлаб чиқаришда 500 дан ортиқ киши банд бўлган, ўрта бизнесга 20-500 киши банд бўлган фирма (ташкилот)лар, майда бизнесга – 10-20 ва ундан кам киши ишлайдиган ташкилотлар киради (бу ҳақда аввал тўхталган эдик).

Йирик ва ўрта бизнесга асосан йирик ишлаб чиқариш, кўп сонли товарлар чиқарадиган, механизациялашган ва автоматлаштирилган соҳалар киради. Майда бизнес қишлоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўrсатиш соҳаларида кенг'таркалган. Майда бизнес ша-

роитга тез мослашувчанлиги билан ажралиб туради, чунки унинг фаолияти катта маблағ талаб килмайди ва кичик маблагларни тез топиш мумкин. Майда бизнес самарали бўлганидан кенг тарқалган, айникса, йирик бизнес учун қулай бўлмаган соҳаларда авж олади.

Фирма деганда савдо-сотиқ ташкилоти ёки ишлаб чиқариш бирлашмаси тушунилади. У эса ишлаб чиқариш муносабатларининг йифиндисига асосланиб, хўжалик юритади. Фирманинг хўжалик юритишидаги тамойиллари:

- ўзини ўзи қоплаш – даромад харажатлардан кўп бўлишини таъминлаш;

- ўзини ўзи молиялаш, техник ва ижтимоий тараққиётини ўзининг даромадидан молиялашни таъминлаш;

- ўзини ўзи бошқариш, бошқаришнинг кўргина қисмини фирма миқёсида ечиш;

- ўз-ўзига хом ашёни етказиб бериш ва маҳсулотни сотиш шартномаларини тузиш.

Фирма хўжалик юритишини танлашда барча шаклларни хисобга олиб, солиштирилиши лозим. Фирма фаолиятига давлат, таъсис қилувчи, қарз берувчилар, таъминловчилар, жамоатчилик, раҳбарлари, истеъмолчилар, ишчилар таъсир этадилар.

Фирма учун стратегияни аниқлаш фирма фаолият кўрсатаётган муайян ҳолатга ўта боғлик. Аммо стратегияни ифодалашда баъзи умумий ёндашишлар мавжуд.

8.3. Фирма стратегиясини ишлаб чиқиши, стратегияни аниқлаш босқичлари

Стратегик бошқаришнинг муҳим таркибий қисмидан бири стратегиядир. Стратегияни танлаш ва уни амалга ошириш стратегик бошқаришнинг асосий мазмунини ташкил қиласди. Стратегик бошқаришда стратегия ташкилот (фирма)нинг ривожланишини узоқ муддатга сифат жиҳатдан аник йўналиши, шу билан бирга, ташкилот фаолиятининг соҳасига, унинг фаолият воситаси ва шаклига, ташкилот ичидаги ўзаро муносабатлар тизимига ҳамда ташкилотнинг мақсадларига етиштирувчи (олиб келувчи) йўналиши борадиган (жараёни кечадиган) атроф-муҳитга боғлик.

Ташкилотларни бошқаришнинг энг юқори погонасида стратегия бош ҳаракат йўналиши деб тушунилса, ташкилот погонасида у мақсадга айланади.

Фирманинг стратегиясини аниклашда раҳбарият бозордаги фирманинг ҳолати билан боғлиқ бўлган учта масалага дуч келади:

- қайси бизнесни тугатиш;
- қайси бизнесни давом эттириш;
- қайси бизнесга ўтиш.

Бу ҳақда стратегик бошқариш соҳасининг етакчи билимдони М.Портер томонидан бозорда фирманинг фаолият кўриш стратегиясининг учта асосий ишлаб чиқиши соҳаси борлиги аникланган.

Биринчи соҳа ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда раҳнамолик қилиш билан боғлиқ. Бунда маҳсулот таннархи билан боғлиқ бўлган харажатлар (ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш ва таъминлаш, яхши технология ва мухандис-конструкторлик ишлари, маҳсулотни яхши тақсимлаш тизими ва ҳоказолар) юкори даражада амалга оширилиши лозим. Маркетинг бўлинмаси бу ҳолатда юкори ривожланиши зарур эмас.

Стратегияни ишлаб чиқишининг иккинчи соҳаси маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш билан боғлиқ. Бу ҳолатда фирма юкори ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни амалга ошириши ва ўзининг маҳсулотини ишлаб чиқариш соҳасида маркетинг раҳнамолик қилиши керак. Бу тоифадаги фирмалар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (НИОКР) учун юкори салоҳиятга, ажойиб дизайннерларга, юкори сифатли маҳсулот билан таъминлайдиган мураккаб тизимга, шулар қатори ривожланган маркетинг тизимига эга бўлиши лозим.

Стратегияни аниклашдаги учинчи соҳа фирма бозорининг маълум гурӯхига қайд килиниши ва танланган бозор гурӯхига фирма имконини йўналтирилиши тааллукли. Бу ҳолатда фирма ҳамма бозорда ишлашга ҳаракат қилмай, маълум аник гурӯхда ишлайди ва маҳсулот ишлаб чиқаришда ихтисослаштириш сиёсатини ўтказиш орқали харажатни камайтиришга интилади.

Намунали стратегияларнинг ривожланиши

Амалиётда ўта тарқалган ва адабиётларда кенг ёритилган бизнеснинг стратегик тараққиёти, одатда, таянч ёки намунали деб аталади. Улар фирманинг ривожланиши ва ўсишига тўрт хил ёндашиш билан тасвирланади. Бунда маҳсулот, бозор, соҳа ичидаги фирманинг ҳолати, технология каби унсурларнинг ўзгаришлари фирма стратегиясига таъсир этади. Бешта унсурнинг ҳар бири амал кўрсатаётган ҳолатида ёки янги ҳолатдан бирида бўлиши мумкин.

Намунали стратегиянинг биринчи гурух ёндашиши концентрация жамланган ўсиш стратегияси деб аталади. Ушбу стратегияга маҳсулот ёки бозорни ўзгариши билан боғлик бўлганлари киради ва қолган учтаси бошқа унсурларга тааллукли бўлмайди. Бу ҳолатда соҳага ўзгариш киритмаган ҳолда фирма ўзининг янги маҳсулотини чиқариши ёки ўз маҳсулотни яхшилашга интилиши мумкин. Бозорга тааллукли томони эса, ишлаб турган бозордаги ҳолатини яхшилаш имконини излайди ёки янги бозорга ўтиши мўлжаллади.

Биринчи гурух стратегиянинг муайян тоифалари қуйидагилар:

- бозордаги мавқени кучайтириш стратегияси;
- бозорни тараққий этиририш стратегияси;
- маҳсулотни тараққий этиририш стратегияси.

Намунали стратегиянинг иккинчи гурухига янги тузилманни кўшилиши йўли билан фирмани кенгайтиришга қаратилган бизнеснинг стратегиялари киради. Бу стратегияларни **яхлитлаштирилган ўсиш стратегияси** деб аталади.

Яхлитлаштирилган ўсиш стратегиясининг иккита асосий тоифасини айтиб ўтиш мумкин:

- тескари вертикал яхлитланиш стратегияси, таъминловчилар устидан назоратни кучайтириш ёки ўзига ўхшаш тузилмани яратиш йўли билан ўсиш;

- олдинга (олға) йўналувчи вертикал яхлитланиш стратегияси, яъни фирма таркибидаги бўлинмалар устидан назоратни кучайтириш йўли билан ўсиш.

Бизнеснинг тараққий этишидаги эталонли стратегиянинг учинчи гурухи бундан бўён ўса олмаслик (диверсификация қилинган) стратегияси. Агар фирма бундан бўён фаолият кўрсатаётган бозорида ўзининг ҳозирги маҳсулоти билан тараққий эта олмаса (ўз соҳаси доирасида) ушбу стратегияни амалга оширади.

Ушбу тоифага қуйидаги стратегиялар киради:

- марказий бизнес қолган ҳолда янги ишлаб чиқариш ўзлаштирилган бозорга мўлжаллаб пасайиш ёки ўса олмаслик стратегияси;

- горизонтал ўса олмаслик стратегияси (янги маҳсулотни ўзлаштириши ҳисобига амал кўрсатаётган бозорда ўсиш имконини излаш назарда тутилади);

- конгломератив (ёки шахснинг, айниқса менежернинг омилкорлиги, бозорнинг «ҳаётида» мавсумийлиги, пулнинг зарар миқдорининг борлиги ва ўса олмаслик стратегияси.

Бизнеснинг тарақкӣӣ этишидаги намунали стратегиянинг тӯрттинчи тоифасига қисқартириш стратегияси киради.

Бу тоифага куйидаги стратегиялар мансуб:

- йўқотиш ёки бартараф қилиш стратегияси;
- «хосилни йиғиш» стратегияси;
- қисқартиш стратегияси;
- харажатларни қисқартириш стратегияси.

Фирма амалиётида бир вактнинг ўзида бир неча стратегияларни амалга ошириш мумкин. Бу эса, кўп соҳали компанияларда кенг тарқалган. Шу билан бирга, фирмаларда комбинациялаштирилган стратегиялар ҳам кўлланилади.

Стратегия танлаш

Фирманинг ҳолатини белгиловчи муҳим омилларни таҳлил қилиш асосида раҳбарият томонидан фирма стратегиясини танлаш амалга оширилади. Бунда маҳсулот портфелининг таҳлил қилиш натижалари, ҳамда амалга ошириладиган стратегиянинг тавсифи ва моҳияти хисобга олинади.

Стратегияни танлашдаги муҳим омиллар қўйидагилар.

Фирманинг ўсиш стратегиясини танлашда соҳанинг кучли томонлари ва фирманинг кучли томонлари кўп вакт ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Етакчи фирмалар имкониятларини максимал даражада фойдаланишга интилади.

Бозорнинг тез ўсиши

Стратегиянинг II квадранти 1.Жамлаш стратегиясини кайта кўриб чикиш. 2.Горизонтал бирикни ёки кўшилиш, қисқариш 3.Йўқ килиш. Заиф рақобат позицияси.	↑ Стратегиянинг I квадранти 1.Жамлаш. 2.Вертикал бирикни 3.Марказлашган диверсификация (бундан бўён ўса олмаслик)
Стратегиянинг III квадранти 1.Харажатларни камайтириш. 2.Диверсификация. 3.Қисқариш. 4.Ликвидация (йўқ килиш).	↓ Кучли рақобат позицияси Стратегиянинг IV квадранти 1.Марказлашган диверсификация. 2.Конгломератив диверсификация. 3.Янги соҳада кўшма корхона.

Бозорнинг суст ўсиши

9-чизма. Томпсон ва Стрікланд матрицаси.

Юқоридаги тасвирда А.Томпсон ва А.Стрикланд таклиф этган маҳсулотга бозорнинг ўсиш динамикаси ва фирманинг рақобат қилиш ҳолатига боғлик бўлган стратегияни танлаш матрица (қолипи) келтирилган.

Фирманинг мақсадлари ҳар бир муайян фирмага таалуқли стратегияни танлашда ноёб (ягона) ва ўзига хослик беради. Мақсадларда фирманинг нимага интилаётганлиги ифодаланади.

Фирма тараққиёт стратегиясини танлашда олий раҳбариятнинг қизиқишилари ва муносабатлари жуда катта аҳамиятга эга. Раҳбарият таваккални ёқтириши мумкин ва, аксинча, ҳар хил усуллар билан таваккалликдан четлаши мумкин. Бу муносабати тараққиёт стратегиясини танлашда ҳал қилувчи кучга эга бўлади. Раҳбарлар томонидан шахсан хуш кўриш (ёқтириш) ёки ёқтирасмлик стратегияни танлашда жуда кучли таъсир этиши мумкин.

Фирманинг молиявий неъматлари ҳам стратегияни танлашга сезиларли таъсир этади.

Ходимларнинг малакаси молиявий неъматлар каби фирма стратегиясини танлашда кучли чеклайдиган омиллар.

Фирманинг мажбуриятлари (яъни аввалги стратегия бўйича) фирманинг тараққиётига маълум сустлик беради. Аммо аввалги мажбуриятларидан бирданига воз кечиш мумкин эмас. Шунинг учун янги стратегияни танлашда ушбу фактни ҳисобга олмоқ лозим.

Фирманинг стратегиясини танлашга ташки ҳисобга олмоқ бўйича) стратегияни танлашда доимо вақтли омил эътиборга олиниши керак.

Танланган стратегияни баҳолаш стратегияни амалга оширишда таъсир этувчи асосий омилларнинг тўғрилигининг таҳлили кўринишида ва ҳисобга олишнинг етарли эканлигига ифодаланади. Танланган стратегия фирманинг ўз мақсадларига эришишига олиб келса, барча бажарилган иш (танлаш) тартиби қоникарли ҳисобланади. Бу эса танланган стратегияни баҳолашнинг асосий мезонидир. Агар стратегия фирма мақсадларига мос келса, у ҳолда уни кейинги баҳолаш йўналишлари бўйича ўтказилади:

- Танланган стратегиянинг ҳолати ва атрофдаги курсов табларига мос келиши.
- Танланган стратегиянинг фирма салоҳияти ва имкониятига мос келиши.
- Стратегияда қўлланиладиган таваккалликнинг мақбуллилиги.

8.4. Стратегиянинг бажарилиши

Бир қарашда, стратегиянинг бажарилиши, гүё «одатдаги» бошқаришдек. Дарҳақиқат, фирманинг стратегияси аниклангач эканми, бундан бўён уни бажариш бўйича иш оддийгина бошлиниб, стратегик бошқаришдан жуда узоқдадек туюлади. Аслида эса, бундай мулоҳаза (фикр) катта адашишдир. Стратегиянинг бажарилиш босқичининг аҳамияти ва моҳиятини тушунмоқ учун қуидагиларни эътиборга олиш мухим. Стратегиянинг бажарилиши, қабул қилинган стратегиянинг воситаси сифатида ҳаётга татбиқ этиш муносабати бўйича пассив роль ўйнамайди. Стратегиянинг бажарилишининг мухим хусусияти шундаки, у ташкилотда қийинчилик яратиш билан яхши стратегияни ёмон амалга оширишдагина кучи бўлиб қолмай, балки, ҳатто стратегияни танлашда йўл қўйилган хатолар бўлса ҳам ташкилотни муваффакият қозонишига имкон яратади. Стратегияни яхши бажариш салбий оқибатларни ҳам текислаш қобилиятига эга.

Стратегияни бажариш босқичи (палласи)


Стратегияни бажариш қуидаги учта масалани ечишга қаратилган:

- маъмурӣ масалалар орасида устунлик ўрнатиш;
- танланган стратегия билан фирма ичидаги жараёнлар орасида мослик ўрнатиш;
- фирмани бошқаришда рахнамонинг услуби ва ёндашиши стратегияни амалга ошириш билан танлаш ва келтиришда мослиги. Барча учала масала ўзгаришлар орқали ечилади. Шунинг учун ўзгаришлар стратегиянинг бажарилишида ўзакни ташкил этади. Айнан шунинг учун ҳам стратегияни бажаришдаги жараёнларни стратегик ўзгаришлар деб аталади.

Стратегик ўзгаришларни ўтказиш соҳаси

Стратегик ўзгаришлар, агарда улар тўғри ўтказилса, тизимли тавсифга эга бўлади. Бунда улар ташкилотнинг барча томонларига тааллуклидир. Аммо стратегик ўзгаришларни ўтказишда ташкилотнинг икки қирқими (кесик)ни ажратиш мумкин. Биринчи қирқим – бу ташкилий тузилма, иккинчиси – ташкилий маданият.

Ташкилий тузилмага таъсир этувчи омиллар 10-чизмада келтирилган.



10-чизма. Ташкилий тузилмани танлашга таъсир этувчи омиллар.

Агарда ташкилий тузилма бўлинмаларнинг тузилмасининг чегарасини белгиласа ва шаклан улар орасидаги боғлиқлик берилса, бунда у синч /гавда/ бўлиб кўринади, ташкилотнинг «скелети» (схематик тузилмаси)ни ифодалайди. Бунда, ташкилотнинг ўзига хос «жони» бу ташкилий маданиятдир.

Ташкилий маданият асосан олтида таркибдан иборат: фалсафа, устун турувчи қадрият, ахлоқий меъёрлар, қоида, иқлим, ҳулқий маросимлар.

Стратегияни бажариш босқичида ташкилий тузилма ва ташкилий маданият танланган стратегияга мос бўлишига маълум куч сарфланади.

Стратегик ўзгаришларни ўтказиш муаммолари

Стратегияни бажариш билан зарур ўзгаришлар ўтказиш кўзда тутилади, бусиз энг яхши ишлаб чиқилган стратегия ҳам муваффақиятсиз тугаши мумкин. Шунинг учун тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, стратегик ўзгаришлар – бу стратегиянинг бажарилишига калитдир.

Ташкилотда стратегик ўзгаришни ўтказиш жуда мураккаб масалалардан. Бу масалаларни ечишдаги қийинчилик шундаки, биринчи навбатда, ҳар қандай ўзгариш қаршиликка учрайди. Шу боис ўзгаришни ўтказиша, энг ками билан қуидагиларни енгиб ўтиш лозим:

-режалаштирилаётган ўзгариш қандай қаршиликка учрашини очиш, таҳлилдан ўтказиш ва олдиндан айта олиш;

- бу қаршиликни имкон қадар камайтириш;

- янги вазиятни белгилаш. Қаршилик күрсатувчилар, ўзгаришнинг эгалари ҳам бу одамлар. Аслида одамлар ўзгаришлардан кўркмайдилар, улар ўзгарган бўлишларидан қўрқадилар. Ташкилотдаги ўзгаришлар уларнинг ишларига, ташкилотдаги уларнинг ҳолатларига таъсир этади. Щу боис улар ўзгаришларга ҳалақит берадилар.

Ўзгаришларни муваффақиятли ўтказиш раҳбарият уни қандай амалга оширишига боғлик. Менежерлар ўзгаришларни ўтказаётганда юқори ишонч билан тушунтиришлари керак.

IX боб. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ИНСОН ОМИЛИНИНГ ТАЪСИРИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

9.1. Персонални бошқариш стратегиясининг тамойиллари

Ўзига хос фаолият тури бўлган бошқаришнинг мақсади ижтиомий меҳнатни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришдан иборат. Бу таъриф умуман бошқаришга ҳам, «умумий бошқариш»га ҳам тааллуклидир.

Бошқариш тўрт кичик соҳага бўлинади, улар бошқаришнинг турли таркибий жиҳатларини: маҳсулотни бошқариш, бозорни бошқариш, молиявий бошқариш ва персонални бошқаришни очиб беради.

Фирма ичидаги бошқарувнинг муҳим хусусияти умуман персоналга ягона ва комплекс таъсир кўрсатишдан иборат бўлиб қолади. Шу муносабат билан кадрлар билан ишлаш тизими вужудга келади:

- персонални бошқаришни фирмани бошқариш умумий тизимга бирлаштиради, уни стратегик йўл-йўриклар ва корпорация маданияти, илмий-тадқиқот ишлари, ишлаб чиқариш, сотиш, сифатни яхшилаш ва шу кабилар билан боғлайди;

- иш билан бандликни тартибга солиш, иш ўринларини режалаштириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни ташкил этиш, иш мазмунини, кадрлар тайёрлаш, уларга ҳақ тўлашни ва ҳоказоларни прогнозлаштириш соҳасидаги доимий ва программавий тадбирларнинг кенгайтирилган тизимини қамраб олади;

- ходимларнинг фазилатлари ва касбий тавсифларини, шунингдек, уларнинг фаолияти натижаларини синчиклаб ҳисобга олишни назарда тутади;

- фирма ходимлари билан ҳам, уларнинг оила аъзолари билан ҳам тарғиботчилик ва тарбиявий ишлаб олиб боришни назарда тутади (япон тажрибаси);

- фирмадаги меҳнатни бошқаришни унинг вице-президентларидан бири ёки директорлар кенгаши аъзоси қўлида марказлаштиради, шунингдек, кадрлар иши механизмини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Персонални бошқаришнинг моҳияти шундан иборатки, одамлар компаниянинг рақобатчи бойлиги деб қаралади, уни жойлаш-

тириш, ривожлантириш, бошқа ресурслар билан бирга асослаш табл қилинади. Бундан мақсад ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришишдан иборатdir.

Ўзбекистон ва чет эллардаги корхона ва ташкилотлар тажрибасини умумлаштириш персонални бошқариш тизимининг асосий мақсадларини ифодалаш имконини беради. Бу мақсадлар кадрлар билан таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, касбий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришни ташкил этишдан иборатdir.

Корхона ва ташкилот социотехник тизим бўлиб, бу ерда одамлар умумий мақсадларга эришиш йўлида биргаликда меҳнат қилалилар. Ҳар қандай ташкилотнинг фаолият кўрсатиши фақат раҳбарлар эмас, балки барча ходимларнинг ҳам ташкилот мақсадлари ва қадриятларига тушуниб этиши ва уларнинг ташкилот сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этишини назарда тутади. Корхона ва ташкилот, аввало икки кичик тизимни: техник ва ижтимоий (ёки шахсий, инсоний) тизимларнинг йигиндисидан иборат. Бу кичик тизимлар бир-биридан бутунлай фарқ қилувчи функционал ҳаракатларни амалга оширадилар, бу эса уларни қаттиқ ва юмшоқ тизимлар сифатида таърифлаш имконини беради.

Анъанавий принциплар	Замонавий принциплар
Шахс ахлоқи, мулкий ҳукуқ, мустакил қарорлар	Ижтимоий ахлоқни ривожлантириш, бунда маҳаллий жамиятга, жамоанинг иштирок этиши ва жавобгарлиги, шахсий фаровонликка ижтимоий-маданий таъсир кўрсатиш
Шахсий манфаат ва ҳар кимнинг равнақ топиши – янада юкорироқ ижтимоий фаровонлик гаровидир	Келишилган ижтимоий ҳаракатларнинг зарурлиги
Меҳнат таҳсимиоти ва ихтисослашув йўли билан фаровонликни юксалтириш	Инсоннинг қониқиши нуктаи назаридан ихтисослашув чегарасини англаб этиш
Корхона хўжалик бирлиги сифатида	Ижтимоий-иктисодий тизим бўлган корхонанинг ташкил этилиши
Фойдани кўпайтириш – бирдан-бир мақсад сифатида	Фойда олиш бош мақсаддир, лекин ижтимоий мақсадларни тушуниш ҳам ортиб бормоқда. Кўп мақсадли қониқиши ҳосил қилиш
Фойдали ва самара берадиган иктисодий ютуқларга кўпроқ эътибор бериш	Фойдали, самарали нарсаларга эътибор бериш ва иштирокчиларнинг қаноат ҳосил қилиши
Ёпик тизим сифатидаги корхонани ташкил этиш	Очиқ тизим сифатидаги, атроф-мухит билан таъсирга киришадиган корхона ташкил этиш

Фақат бозорга ва рақобатчи мұхитта жавоб беріш	Күпгина манбаатдор гурухлар ва ижтимоий күчларга жавоб беріш
Хукumat фаолиятига хукumat нұктай назаридан ёндашиш	Ижтимоий мақсадларға мувофиқ хукumatting ролини түшуниш
Инсон табиатдан фойдаланишга ва унга хукмрон бўлишга интилади	Ҳаёт табиат билан уйғунликда кечади ва унга бўйсунади

7-расм. Анъанавий ва замонавий принциплар.

Одамларнинг олинаётган командаларга жавоби ва хатти-харакати бир хилда бўлади ва аниқ натижалар беради, чунки кишиларнинг ишлаб чиқариш вазифалари фақат механика қонунлари билан эмас, балки психика қонунлари билан ҳам белгиланади. Бу қонунлар таъсирини ҳисобга олмасдан туриб ижтимоий тизимларни бошқариш самарали бўлмайди. Шу сабабдан техник тизимларга қарама-қарши ўлароқ, ижтимоий тизимлар юмшоқ тизимлар деб аталади.

Инсоний ёки ижтимоий тизим мазкур корпорацияда ишловчи, ишлаб чиқариш участкалари ва функционал операциялар бўйича гурухларга бўлинган барча кишиларни қамраб олади. Бундай участкаларга ва операцияларга маъмурий-коммуникатив, фармониши бериш – ижро этиш, иқтисодий, юридик, ўта шахсий, аҳлоқий ва психологик алоқа шакллари киради. Хоҳ алоҳида олинган шахс бўлсин, хоҳ ҳар қандай кишилар уюшмаси, бригада, лаборатория, касаба уюшмаси, шунингдек, умуман корпорация бўлсин, улар ўз қизиқишилари, биринчи навбатда моддий, иқтисодий ва ижтимоий манбаатларига эга бўлади. Айрим кишилар манбаатлари билан корпорация манбаатларини бир-бирига боғлаш, унинг стратегик мақсадлари билан мувофиқлаштириш менежментнинг энг муҳим ва анча мураккаб вазифаси ҳисобланади. Фирманинг муваффакиятли ишлаши ана шу вазифанинг яхши адо этилишига боғлиқ бўлади.

Персонални бошқариш тизимининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- фирмага ўз мақсадларига эришишида ёрдам бериш;
- фирмани малакали ва манбаатдор ходимлар билан таъминлаш;
- персоналнинг маҳорат ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш;
- персоналнинг асослаш тизимларини такомиллаштириш;
- барча категориядаги персоналнинг меҳнатдан қониқиши даражасини ошириш;

- персоналнинг малакасини ва касбга доир маълумотини ошириш тизимини ривожлантириш ва юкори даражада саклаш;
- қулаги аҳлоқий вазиятни сақлаш;
- мартабани – хизмат соҳасида кўтаришни режалаштириш;
- персоналнинг ижодий фаоллиги, фирманинг инновация режаларини амалга оширишда ёрдам бериш;
- персоналнинг фаолиятига баҳо бериш ва бошқариш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасидаги персонални аттестациядан ўтказиш усулларини такомиллаштириш, бошқариш персоналининг барча ходимлар билан алокасини ўрнатиш;
- турмушнинг юкори сифат даражасини таъминлаш; у мазкур фирмада ишлашни мароқли қилиш даражасини таъминлаш.

Персонални бошқариш корхонанинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- Рақобат курашида илгор марраларни эгаллаш мақсадида персоналда корхона фаолиятининг барча жиҳатларини янада шиддатлироқ янгилаш (маҳсулот ва технологияни янада жадалроқ янгилаш)га қаратилган қадриятлар ва йўл-йўриқларни шакллантириш.
- Мехнат потенциалини ривожлантириш соҳасидаги тадбирлар, улар таълим бериш, ташаббусни ривожлантириш, мусобақалашиш руҳини ва ҳоказоларни шакллантириш соҳасидаги тадбирлар мажмумини назарда тутади ва ташкилий тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қиласди.
- Мутахассислар ва раҳбарлар потенциалини амалда рўёбга чиқариш; у шундай ташкилий шарт-шароитлар яратишни тақозо этадики, улар ана шундай амалга оширишга, ходимнинг ўзига хос хусусиятларининг иш ўрнига аниқ мос келишини таъминлаш, шахсий потенциални доимий ривожлантириб бориш ва ҳоказоларни амалга оширишга унрайди.

• Инсон ресурсларини бошқариш вазифасини зарур молиявий ва моддий воситалар билан таъминлаш; уни батамом ўзини оқлаган бўлажак самара сифатада қараш керак.

• Корхона учун қулаги ва мақбул бўлган ижтимоий фикр тўғрисида ғамхўрлик қилиш; унинг ҳисобига фирманинг обрў-эътибори, янги кадрларнинг келиши таъмин этилади, улар орасидан энг малакали ва қобилиятлиларини танлаб олиш.

Инсон ресурсларини бошқариш вазифаларини ҳал қилиш учун уларни бажаришга мунтазам ва штаб раҳбарларини кўпроқ

жалб қилиш, бу вазифаларни штаб бўлинмаларида жамлаш, уларнинг мунтазам бўлинмалар фаолиятини назорат қилиши талаб этилади.

Персонални бошқариш – барча раҳбар кадрларнинг ва корхоналар кадрлар хизматининг бошқарувнинг барча томонларини мунтазам ривожлантириш соҳасидаги инсон билан боғланган доимий вазифасидир.

Техник ривожланиш даражасига, қайси тармоққа мансублигига, корхоналарнинг ҳажмига, шунингдек, бошқариш анъаналари ва ташкил этиш маданиятига қараб ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ташкилотларни уларнинг персоналга ва кадрлар сиёсатига муносабати тури бўйича таснифлаш мумкин. Масалан, француз тадқиқотчиларининг фикрига кўра, ҳозирги замон корхоналарини саккиз турига ажратиш мумкинки, улар ўзига хос маданияти билан фарқ қилиб туради.

1. «Нимжон» маданияти ташқи муҳит ўзгаришлари билан қизиқмайдиган давлат корхоналарига хосдир. Персонал ишга яхши қизиқмайди, бунга мазкур корхоналарнинг тузилиши, расмийлиги, конформизми ва муносабатларнинг ноаниклиги сабаб бўлади. Бу тизим эришилган нарсаларни сақлаб қолишга қаратилган.

2. «Бошоқ терувчилар» – булар асосан майда ва ўртача корхоналар бўлиб, уларнинг стратегияси воқеага боғлиқдир. Бу корхоналар тизимининг асоси – раҳбарга ҳурмат-эҳтиром билан қарашдир. Одатда, улар қийин аҳволда қолган бўладилар ва бунинг оқибатида персонални қизиқтира олмайдилар. Фирмага кучли шахс бошчилик қилган ҳоллар бундан мустаснодир. Бу шахс ўзини севишга мажбур этади.

3. «Полиз» маданияти – француз корхоналари учун хос бўлган андоза. Бу тейлоризм принципларига мувофиқ пирамида (эхром) тузилишига эга. Бундай корхоналар анаъанавий бозорда устун мавқега эга бўлишга интиладилар, ўтмишда синаб кўрилган андозалардан фойдаланадилар, уларга озгина ўзгаришлар киритадилар, холос.

4. «Француз боғи» маданияти – «полиз» маданиятининг американкача тажриба остида бирмунча ўзгартирилган варианти. Йирик машхур корхоналарда тарқалган бўлиб, улар бюрократлашган тузилмага эга, унда одамларга тизимнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган «вингчалар» сифатида муносабатда бўладилар.

5. «Йирик плантациялар» маданияти («Филипс») 3-4 поғонали даражага эга бўлган йирик корхоналар учун хосдир. Уларнинг фарқ қилувчи хусусияти – ўзгариб борувчи муҳитга доимий равишда мослашувдир, шунинг учун ҳам персоналнинг мослашувчанлиги

хар томонлама рагбатлантирилади. Унинг асосланиш даражаси етарлича юқоридир.

6. «Лиан» маданияти «Эппл» – бу бошқарувчи персоналнинг энг кам даражагача қисқариши, информатикадан кенг суратда фойдаланиш тажрибали ходимнинг бозор талабларига амал қилиши, барча даражаларда масъулиятни юксак хис қилиш, бу эса персоналнинг юксак даражада қизиқишини таъминлайди.

7. «Балиқлар тўдаси» андозаси – булар юқори даражада характерчанлиги ва мослашувчанлиги билан ажralиб турадиган «Аккор» гурухи ўзининг тузилишини ва хулқ-авторини бозор конъютураси ўзгаришларига мувофиқ равишда ўзгартириб борадиган корхоналардир. Уларга жисмоний ва ақлий жиҳатдан пухта персонал зарур бўлади.

8. «Кўчиб юрувчи орхидея» маданияти – турли реклама агентликларига маслаҳат берувчи фирмаларга ва шу кабиларга хос бўлиб, улар бир бозор имкониятларидан фойдаланиб бўлгач, бошқасига ўтадилар. Доимий равишида ўзгариб турадиган норасмий таркибга, чекланган микдордаги кишиларга эга бўладилар. Уларнинг мақсади – биргина товарни тақдим этишдир. Персоналнинг қизиқиши даражаси нисбатан пастроқ бўлади. Француз олимларининг фикрича, энг динамик маданиятлар «йирик плантациялар» ва «лиан» маданиятларидир.

Персонални бошқариш умумкорпорациявий тузилмадаги кичик тизимдан иборат бўлиб, унинг ўзи мураккаб тизим ҳисобланади. Персонални бошқариш тизими чет эл ва Ўзбекистондаги илғор тажрибаларга таяниб шакллантириш, фойдаланиш, барқарорлаштириш ва бошқаришнинг ўзини режалаштириш, ҳисобга олиш, баҳо бериш, ривожлантириш қамраб олади.

Персонални шакллантириш: -персоналнинг тузилишини шакллантириш; -эҳтиёжларни аниклаш; -персонални режалаштириш; -персонални жалб қилиш, танлаш ва жой-жойига кўйиш; -мехнат шартномалари (контракт) тузиш.	Персонални бошқариш	Персонални барқарорлаштириш: -персонал малакасини ва кўнікмаларини ҳисобга олиш; -маълумотлар банкини шакллантириш; -хар бир ходимнинг потенциалини аниклаш, натижаларига баҳо бериш; -корхонада ўқитниш; малака ошириш; -персонални корхонадан ташкарида қайта тайёрлаш.
--	----------------------------	---

8-расм. Персонални бошқаришнинг тузилиш чизмаси.

Персоналдан фойдаланиш: ходимларнинг касб-малака ва лавозим бўйича кўтарилиши (мартабани бошқариш); доимий кадрлар тайёрлаш;

- маънавий-психологик вазиятни яхшилаш;
- иш ўринларини таъминлаш

Шундай қилиб, персонални шакллантиришнинг мақсади – ишга солинмаган имкониятлар заҳирасини энг кам миқдорга келтиришдир. Унга таълим жараёнида потенциал тарзда шакллантириладиган меҳнатга бўлган қобилиятлар ва шахсий фазилатларнинг улардан фойдаланиш имкониятларига мос келмаслиги сабаб бўлади.

Персонални илмий асосланган тарзда шакллантиришга диккат-эътиборнинг ортишига сабаб шуки, ҳар қандай корхонанинг ривожланиш жараёни унинг «ҳаёти» цикли тузилиши билан боғлиқдир. У ташкил этиш, ўзлаштириш, фойдаланиш, янгилаш, такорр фойдаланиш ва тугатиш босқичларига эга бўлади.

Маълумки, корхона ҳаёт цикли айрим босқичларининг ўртача давом этиши қуйидагичадир: ўзлаштириш босқичи – 2-3 йил; қайта ташкил этиш 3-4 йил; ишлаб чиқаришни такомиллаштиришдан иборат вақти-вақти билан такоррланиб турадиган босқич – умуман 20 йил давом этиши мумкин.

Персонални шакллантиришни бошқариш қуйидаги вазифаларни ҳал этиш йўли билан бу мос келмасликни энг кам миқдорга келтиришдир:

- иш тузилмалари, иш ўринлари ва персонал ўртасидаги энг кўп мувофиқликка эришмок учун турли касб-малака ва ижтимоий-демографик тавсифларга эга бўлган ходимлар сони нисбатини ўрнатиш;

- ходимлар потенциалидан тўлиқ фойдаланиш ва улар меҳнатининг самарадорлигини ошириш мақсадида ходимларнинг иш билан максимал даражада банд бўлишини таъминлаш;

- турли функционал меҳнат мазмунига эга бўлган ходимлар тузилишини оптималлаштириш.

Бу вазифаларни ҳал қилишга корхонада персоналдан фойдаланишнинг қуйидаги асосий принциплари асос қилиб олиниши мумкин: ходимлар сонининг бажариладиган ишлар ҳажмига ва ходимнинг малакасига, унинг меҳнат функцияларининг мураккаблик даражасига мос келиши; персонал тузилишининг ишлаб чиқаришнинг обьектив омиллари билан боғлиқлиги; иш вақтидан фойдаланишнинг энг кўп самарадорлиги; ходимларнинг малакасини дои-

мий равищда ошириб бориш ва ишлаб чиқариш ихтисослигини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратилиши.

• Юқорида айтилганлардан шундай хуносага келиш мумкин. Корхоналар – касбий жиҳатдан мослашиш. Мазкур жараённи яхлит тизим сифатида қараб чиқиб, қўйидаги вазифаларни амалга оширадиган асосий элементларни ажратиш мумкин:

• ташкилий вазифа кадрлар билан тўлдириш манбаларини резжалаштириш, аҳолининг кадрлар қабул қилиш ва қабул муддатларидан хабардорлиги; кадрлар тайёрлаш ва уй-жой, майший курилиш ва ҳоказолар учун ажратилган маблағлар ҳажми;

• ижтимоий-иктисодий вазифалар персоналдан фойдаланиш ва уни мустаҳкамлашни белгилаб берадиган шарт-шароитлар ва омиллар мажмую;

• ўқув-моддий базани ташкил этиш ва персоналии ривожлантиришни таъминловчи такрор ишлаб чиқариш вазифаси.

Бу ишларни амалга ошириш лойиҳанинг ўзидаёқ меҳнат потенциалининг асосий элементларини белгилаш имконини беради. Бу элементлар ишлаб чиқаришнинг техник ишлаб чиқариш даражаси билан ўзаро боғланган бўлади.

Ўз навбатида кўрсатиб ўтилган тизимлардан ҳар бири комплекс хусусиятга эга бўлиб, ўзига бир қатор функционал кичик тизимларни қамраб олади.

Мазкур тузилма ҳаддан ташқари мураккаб ва қиммат туради, деб ҳисоблаш хато бўлар эди. Бу кичик тизимларнинг ҳар бири бир гурух шахслардан, шунингдек, якка бир кишидан ҳам иборат бўлиши мумкин, бу ташкилотнинг кўламига ва кадрлар сиёсатининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Бу келтириб ўтилган ихтисослашувнинг асосий вазифаси умуман бошқаришнинг вазифаларини аниқ шакллантиришдан, меҳнат ресурсларига таъсир кўрсатиш механизмини аниқ тушуниб олишдан иборатdir.

Ташкилотнинг техник ва ижтимоий тизимларга бўлиниши сабабли замонавий менежментнинг асосий йўналишлари мазмuni қўйидаги тарзда белgilаниши мумкин:

• техник тизимни тартибга солиш; у ташкилотларнинг анъанавий бошқарув хизмати доирасидан четга чиқади ва кўпроқ бош мұхандис, технолог, конструкторнинг вазифаларига тааллукли бўлади;

• инсон ресурсларини, яъни ижтимоий тизимни бошқариш;

- техник ва ижтимоий кичик тизимларни энг мақбул тарзда бирлаштириш, яъни макроэргономика муаммоларини ҳал қилиш йўллари ва усулларини излаш.

9.2. Шахснинг руҳий чизмаси

Бошқарув тизимидағи барча обьектлардаги юзага келадиган барча муаммоларни одамлар ҳал этишади.

Раҳбар (менежер) бошқарув субъекти сифатида вазиятни таҳлил этиши, стратегияни башорат қила олиши ва униамалга оширишини ташкил қилиши зарур. Ижрочи эса бошқарув обьекти сифатида раҳбарлар томонидан қабул қилинган қарорларни амалга оширишлари керак. Бундай ҳолатда раҳбар ва ижрочилар олдида турли вазифалар туради. Шунинг учун обьект ва субъект методи нуқтаи назаридан ягона ва айни бир хил тамойиллар қўлланилиши керак. Бошқарув мақсадларига эришиш даражасини аниқловчи асосий шартлар, професионализм ташкил этишлик раҳбарлар интизоми ҳисобланади. Раҳбарлик иерархияси даражаси қанчалик юқори бўлса, муаммолар ва уларни ҳал этиш масъулияти, раҳбарлар иш ҳаки ҳам шунчалик юқори бўлади.

Раҳбарлар ўз иш фаолиятлари давомида турли доирадаги техника, технологик, ташкилий, иқтисодий, руҳий, экологик ва шунингдек, бошқарув методлари ва функциялари соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам раҳбарлар иш қоидалари ёки тамойиллари юқорида таъкидланган иқтисодиётни, сифатни ривожлантириш, жамоани шакллантириши кабиларни бошқариша мужассамлаштирилиши зарур.

Персонални бошқариш тамойиллари мазмуни ва структурасини шакллантиришда қўйидагилардан келиб чиқилади:

1. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бош тамойилларга комплексли ёндашув.

2. Менежер ва ижрочиларни иерархия бўйича тақсимлаш.

3. Қийинчиликларга боғлиқ, бошқарув вазифаларининг қиймати ва қайтарувчанлиги тамойиллари дифференциацияси.

Ижрочи бошқарув қарорларни қабул қилишда қатнашмайди. У фақат уларни шаклланishiда иштирок этади. Раҳбарлар эса, бошқарув субъекти сифатида қарорни амалга ошишида назорат ҳисботи беришади. Жараёнларни ташкиллаштириш, мўлжаллаштириш ва тезкор тартибга солиб туришни раҳбарлар, ижрочилар ва

ёрдамчи ишчилар биргаликда амалга оширишади. Бунда якуний натижага учун масъулият раҳбарлар зиммасида бўлади.

Ижрочининг бошқарув обьекти сифатида иш тамойилларига куйидагиларни киритиш мумкин:

- ижро этувчанлик (режага мос ҳолда сифат, харажатлар ва муддати бўйича);
- меҳнатни ташкил этиш, технологияларни такомиллаштириш, сифатни ошириш, харажатларни пасайтириш бўйича ташаббускор бўлиш;

- соглом турмуш тарзини кечириш, ҳалол, тартибли бўлиш;
- хизмат лавозимлари бўйича кўтаришга интилиш.

Менежмент тизимида шахс бошқарувнинг обьекти ва субъекти сифатида юзага чиқади.

Менежерлар томонидан одамларни бошқариш бир қатор тамойилларга асосланади:

1..Бўйсунувчиларда ўзини хурмат қилиш ҳиссини қўллаб-куватлаш. Бунда аввало бўйсунувчиларни мақташ ва сўнгра ишни яхшилаш бўйича кўрсатмалар бериш.

2. Шахсга эмас, муаммоларга эътибор қаратиш.

3. Кўнгилдаги ҳаракатларни қайд этиш ва мустаҳкамлаш усууларидан фаол фойдаланиш ёки зид ҳаракатларни бартараф этиш. Одамлар хулқидаги ўзгаришларга дарҳол эътибор қаратилмаса, ортиқча тушунмовчиликлар келиб чиқади.

4. Аниқ талабларни олга суриш, одамлар билан доимо алоқада бўлиш, қайта алоқаларга эътиборни кучайтириш.

Юқоридаги тамойилларга асосланган ҳолда мос равища менинжер бўйсунувчилардан керакли натижаларга эришиши керак:

- айтиб туришига эҳтиёж сезувчиларда фикр уйғотиш;
- доимо ҳаракат қилишга ундашга мажбур қилувчиларга маслаҳатлар бериш;
- тўғридан-тўғри кўрсатмалар бериш, тушунмасдан иш юритиш мумкин эмаслигини эслатиб туриш;
- берилган топшириқ ва буйруқларни сўзсиз қатъий талаб этиш;
- бўйсунишни истамаган ходимларни бошқа чора топилмаганда ишдан бўшатиш ва аксинча, раҳбариятнинг барча топширикларини сидқидилдан бажарувчи ходимларни рағбатлантириш.

Ким билан ва қандай ишлаш – кўпроқ маънода одамларнинг ўзига хос характерига боғлиқ. Бу раҳбарларга ҳам, ижрошиларга ҳам таалуклидир. Ушбу ҳолатни менежерлар доимо хисобга олиши зарур.

Замонавий менежментнинг ривожланиш босқичида шахснинг руҳий чизмасини аниқлаш энг қийин ва муҳим масала бўлиб, ходимларни бошқариш самарадорлигини оширишда асосий вазифа ҳисобаланади.

Персоналларни бошқариш муаммоларини ечишда шуни ҳибога олиш зарурки, одамлар ҳаёт шароитларига турлича мосла-нишади. Мослашиш қобилиятига қараб, одамларни З турга ажратиш мумкин:

1. Жорий ҳолатга мўлжал ола билишлик ва вазиятга енгил кўникиш.

2. Ўтмишга мўлжал олишлик ва қатъий таъқиқлар, рухсатлар ва ҳуқук масъулиятлари остида ҳаракат қилиш.

3. Келажакка мўлжал олиш, иерархик структурага яхши мослаша олмаслик.

Биринчи турдагилар қарорлар қабул қилишганда, самарали ишлашади, иккинчилари мавжуд структура доирасидан қарорлар амалга оширилганда, учинчилари эса ғояларни ривожлантирувчи сифатида намуна кўрсатишади.

Шахснинг хусусиятларини баҳолаш асосида уни қуйидаги компонентларидан ташкил топадиган руҳий чизмасини тузиш мумкин:

1. темперамент (фазилат)
2. характер
3. қобилият
4. йўналиши
5. интеллектуаллиги
6. ҳиссиёти
7. эрк сифатлари
8. муомаласи
9. ўзини баҳолаш
10. ўзини назорат қилиш даражаси
11. руҳий ўзаро характердаги қобилияти.

9.3. Корхонадаги хизмат мартабасини бошқариш стратегияси

Мартаба (мавқе) – бу персоналнинг ўз меҳнат истиқболи тўғрисидаги субъектив равишда англаб етилган фикр-мулоҳазалари, ўзини ўзи намоён қилиш ва меҳнатдан қониқиш ҳосил қилиш бора-сида кутилган йўлларидир. Бу хизмат пиллапоясидан тадрижий ра-

вишда илгарилааб бориши, ходим кўнікмалари, қобилиятлари, мала-ка имкониятлари ва фаолияти билан боғлиқ бўлган иш ҳаки миқдорларининг ўзгаришидан иборат.

Кишининг ишдан ташқари ҳаёти мартабага маълум даражада таъсир қиласи, бу мартабанинг маълум қисми ҳисобланади. Бу – бир вактлар танланган фаолият йўлидан олға томон илгарилааб боришдир. Бошқача қилиб айтганда, мартаба – бу инсоннинг меҳнат қилиш билан боғлиқ ҳаёти мобайнидаги иш тажрибаси ва фаолияти билан боғлиқ алоҳида англаб етилган мавқеи ва ҳулқ-авторидир.

Мартабанинг икки тури бўлади: қасб мартабаси ва ташкилот ичидаги мартаба.

Қасб мартабаси шу нарса билан ажралиб турадики, муайян бир ходим ўзининг қасбий фаолияти жараёнида ривожланишнинг турли-туман босқичларидан ўтади: таълим олиш, ишга кириш, қасб-хунар соҳасида ўсиш, ўзига хос қасбий қобилиятларини қўллаб-кувватлаш, пенсияга чиқиш. Ходим бу босқичларни изчиллик билан, турли ташкилотларда ишлаш билан ўтказган бўлиши мумкин.

Қасб мартабаси билан бир қаторда ташкилот ичидаги мартабани ажратиб кўрсатиш мумкин. У ходимнинг бир ташкилот доирасида ривожланиш босқичларининг изчиллик билан алмашиниб боришини қамраб олади.

Ташкилот ичидаги мартаба учта асосий йўналишда амалга оширилади:

Вертикал йўналиш – дейилганда таркибий поғонанинг анча юқорироқ даражасига кўтарилиши тушунилади;

Горизонтал йўналиш – фаолиятнинг бошқа функционал соҳасига ўтказиши ёхуд поғонадаги муайян хизмат ролини бажаришини назарда тутади;

Марказга интилувчан йўналиш – асосий ўзакка, яъни ташкилот раҳбарлигига интилиш тушунилади.

Мартабани режалаштириш ва амалга оширишнинг асосий вазифаси қасбий ва ташкилот ичидаги мартабаларнинг ўзаро таъсирини таъминлашдир. Бу таъсир бир қатор вазифаларни ҳал қилишини назарда тутади, чунончи:

- ташкилот мақсадлари билан айрим ходим мақсадларининг ўзаро боғлиқлигига эришиш;
- мартабани режалаштиришнинг муайян ходимга қаратилишини таъминлаш; бундан мақсад ўзига хос эҳтиёжлари ва вазиятларини ҳисобга олишдир;

- мартабани бошқариш жараёнининг ошкоралигини таъминлаш;
- «мартабанинг боши берк кўчалари»га барҳам бериш, амалда уларда ходимнинг ривожланиши учун имконият йўқ бўлади;
- мартабани режалаштириш жараёни сифатини ошириш;
- муайян мартабага доир қарорларни ҳал қилишда фойдаланиладиган хизмат соҳасида ўсишнинг кўргазмали ва идрок этиладиган мезонларини шакллантириш;
- персоналнинг мартабага бўлган лаёқатини ўрганиш;
- ноаниқ умидларни қисқартириш мақсадида ходимларнинг мартабага интилишига асосли баҳо беришни таъминлаш;
- хизмат соҳасида ўсиш йўлларини аниклаш; бу йўллардан фойдаланиши керакли вактда ва керакли ўринда ходимларга бўлган миқдор ва сифат эҳтиёжларини қондиради.

Тажрибанинг кўрсатишича, кўпинча ходимлар ўзларининг мазкур жамоадаги истиқболларини билмайдилар, бу эса персонал билан ишлашнинг яхши йўлга кўйилмаганлиги, ташкилотда мартабани режалаштириш ва назорат қилишнинг йўқлигини кўрсатади.

Хизмат мартабасини режалаштириш ва назорат қилиб бориши шундан иборатки, ходимни ташкилотга ишга қабул қилишдан бошлиб то уни ишдан бўшатиш тахмин қилинган вақтгача уни лавозимлар тизими ёки иш ўринлари бўйича режали равишда горизонтал ва вертикал илгарилаб боришини йўлга кўйиш зарур. Ходим фақат ўзининг қисқа муддатли эмас, балки узок муддатли истиқболини, шу билан бирга хизматда кўтарилиши учун қандай кўрсаткичларга эришмоғи зарурлигини ҳам билиши даркор.

Ҳар бир киши ўз эҳтиёжларига ва ижтимоий-иктисодий шартшароитларга асосланган ҳолда ўз келажагини режалаштиради. У ўзининг хизмат соҳасида ўсиш истиқболларини ва мазкур ташкилотда малакасини ошириш имкониятлари бор-йўқлигини билишни хоҳлашида ҳеч қандай ажабланарли нарса йўқ. Шунингдек, у ўзи бажариши лозим бўлган шартларни ҳам билиши керак. Акс ҳолда хулқ-авторининг сабаблари заиф бўлиб қолади, одам бор кучини сарфламасдан ишлайди, малакасини оширишга интилмайди ва ташкилотни янги, тағин ҳам истиқболли ишга ўтиш олдидан бирмунча вакт ишлаб туриш мумкин бўлган жой деб қарайди.

Мисол тариқасида мартабанинг айрим мақсадларини санаб ўтамиш:

- ўз-ўзига берилган баҳога мос келадиган ва шунинг учун ҳам маънавий қониқиши ҳосил қиласиган фаолият турини эгаллаш ёки лавозимга эга бўлиш;

- ўз-ўзига баҳо беришга, жойга, табиат шароитларига жавоб берадиган иш ёки мансабга эга бўлиш; улар ходимнинг соғлиғига қулагай таъсир кўрсатади ва яхши дам олишни ташкил этишига имкон беради;

- сизнинг имкониятларингизни кучайтирадиган ва ривожлантирадиган лавозимни эгаллаш;

- ижодий хусусиятга эга бўлган ишга ёки лавозимга эга бўлиш;

- қасб бўйича ишлаш ёки муайян даражада мустакилликни кўлга киритиш имконини берадиган лавозимни эгаллаш;

- яхши ҳақ тўланадиган ёки айни вактда катта қўшимча даромад олиш имконини берадиган ишга ёхуд лавозимга эга бўлиш;

- фаол таълим олишни давом эттириш имконини берадиган ишга ёки лавозимга эга бўлиш;

- бир вактнинг ўзида ҳам болалар тарбияси, ҳам уй-рўзгор хўжалиги билан шуғулланиш имконини берадиган ишга ёки лавозимга эга бўлиш.

9.4. Корхона ва ташкилотларда персонал ҳулқ-атворини бошқариш стратегияси

Хулқ-атвор шахснинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирга киришиш шаклларидан иборат бўлиб, улар бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Шахсни ва унинг ҳулқ-атворини тавсифлаб берадиган асосий омилларга қуйидагилар киради:

- шахснинг табиий, ўзига хос психологик хусусиятлари;
- эҳтиёжлари, сабаблари, қизиқишилари тизими;
- шахсни бошқариш тизими, унинг «мен-образи».

XX аср 20-йилларининг бошларида швецариялик психиатр К.Г.Юнг шахснинг психологик хусусиятларини «экстраверсия» ва «интроверсия» тушунчалари орқали таърифлаб беришни таклиф этди.

Экстраверсия (extra – ташқари) шахснинг шундай психологик хусусиятларини кўрсатиб берадики, бунда шахс ўзининг қизиқишиларини ташки омилга, ташки объектларга қаратади, баъзан буни ўзининг қизиқишилари, шахсий аҳамиятини пасайтириш ҳисобига амалга оширади.

Экстравертларга хулқ-атворининг таъсирчанлиги, имо-ишора-лардаги фаоллик, самимилик, ташаббус кўрсатиш (баъзан ортиқ даражада), ижтимоий кўникувчанлик, ички оламнинг очиқлиги хос бўлади.

Интроверсия (intro – ички) шахснинг ўз шахсий манфаатлари-га, ички оламига диққат-эътиборининг қайд қилиниши билан ажралиб туради.

Интровертлар ўзларининг манфаатларини энг муҳим деб хисоблаб, уни юқори даражада қадрлайдилар. Улар учун одамовилик, биқиқлик, ижтимоий пассивлик, мустақил таҳлил қилишга мойиллик, етарли даражада мураккаб ижтимоий адаптация (кўникувчанлик) хосдир.

Шахснинг тавсифи унинг характери, яъни инсоннинг хулқ-атворини, унинг ишга, нарсаларга, бошқа кишилар ва ўзига муносабатини белгилаб берадиган барқарор психологик хусусиятлари йиғиндицидир.

Характер хусусиятлари муайян шарт-шароитлардан, ҳаётнинг ижтимоий муҳитидан ва шахснинг ишлари хусусиятидан келиб чиқади ва кўп жиҳатдан табиий белгилар, темперамент билан белгиланади.

Табиий белгилар билан боғлиқ бўлган шахснинг психологик хусусиятлари яна бир муҳим хусусиятни – қобилиятларни ташкил этади.

Қобилиятлар шахснинг билим, кўникмалар ва малакаларни ҳосил қилиш тезлиги ва унинг муайян турдаги фаолиятни бажариш имконияти билан белгиланади.

Шахснинг иккинчи омили ёки таркибий қисми унинг эҳтиёжлари, сабаблари, қизиқишлиари тизимиридир, яъни шахснинг хулқ-атвори сабабларини нималар белгиласа, қабул қилинадиган қарорларни тушунтиришга ўшалар ёрдам беради.

Шахснинг эҳтиёжи – инсонда ҳаракатга интилишни вужудга келтирувчи бирор-бир нарсанинг йўқлигини англашдир. Унинг нормал ҳаёт кечириши учун озука, уй-жой, об-ҳаво зарур бўлса, хотин-қизлар учун уларнинг кўзга ташланиб туриши учун чиройли безаклар даркор.

Кишининг ўзи ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиши унинг бошқалар билан муомаласида кўпгина тўсиклар вужудга келтириши мумкин ва унинг хулқ-атворида зиддиятлар келтириб чиқаради.

Ҳар бир киши ўз шахсини химоя қилиш шаклларини ҳосил қиласди, баъзан бу онгсиз тарзда юз беради. Мана, улардан айримлари:

Проекция – ўзининг салбий хис-туйғуларини, истакларини, хусусиятларини бошқа шахсга онгсиз равишда түнкашдир. Одатда, мазкур механизмнинг таъсири айниқса ўзининг камчиликларини тушунишга қобилиятсиз бўлган (ўзи ўзига оширилган баҳо бериш) шахсларга хосдир.

Идеаллаштириш. Айрим шахсларда баъзан ўзи ҳақида ўзининг «мен»и тўғрисида идеаллаштирилган тасаввур шаклланади, улар ўзларини мукаммал шахс деб биладилар, ўз камчиликларини кўрмайдилар. Бундай «менконцепция»сининг яратилиши турли хил шахслараро мураккабликларга олиб келиши мумкин. Бу концепцияга амал қилиб, шахс атрофдагиларга мутлақо тўғри келмайдиган талаблар кўйиши мумкин.

Ижтимоийлашув – шахснинг муомала ёрдамида мазкур жамоага, гурухга, жамиятга хос бўлган нормаларни, қадриятларни, йўл-йўрикларни ўзлаштириш асосида унинг шаклланиш жараёнидир.

Шахснинг ижтимоийлашуви бошқа шахслар билан ўзаро муомалада бўлишида, яъни гуруҳда, жамоада содир бўлади.

«Жамоа» тушунчаси бошқаришнинг кўпгина бўлимларида марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Жамоа деганда нима тушунилади ва нима сабабдан бу тушунча бошқариш тизимида шунчалик мухим ўрин тутади?

Жамоа – ижтимоий ташкилот бўлиб, унга биргаликдаги ижтимоий аҳамиятли фаолият хосдир.

Шу билан бирга жамоа – бу биргаликда меҳнат қиласидиган шахслар гуруҳи бўлиб, унда кишилар бир-бирлари билан шундай ўзаро ҳаракат қиласидиларки, бунда ҳар ким бошқа шахсга мурожаат қиласди, айни вақтда унинг таъсирини ҳам ҳис этади.

Бирон-бир жамоанинг аъзоси бўлиш инсонга ўзининг объектив ижтимоий эҳтиёжларидан бирини гурухга, жамоага мансуб эканлигини ҳис қилиш, уни рўёбга чиқариш имконини беради. Инсоннинг бирон-бир гурухга тегишли эканлигини сезиб туриши, айниқса ишлаб чиқариш топшириқларини бажараётган пайтда зарур. У малакаси бўйича ўзига teng бўлган шахсларнинг кўллаб-куватлаши ва баҳосини олиши керак. Шахснинг ижтимоийлашуви айни жамоа орқали, унинг жамоа нормаларини, коидаларини ўзлаштириб олиши (ёки инкор қилиши) орқали содир бўлади. Жамоа ўзига кирган кишиларга муайян тарзда таъсир кўрсатади, уларни ўзига хос бўлган фаолият кўрсатиш ва ривожланиш қонунларига мувофиқ шакллантиради.

Жамоанинг иккинчи функцияси шахс учун унинг яшашига зарур бўладиган ижтимоий мухит яратишдир.

Жамоани тавсифлаш учун баъзан уни белгиловчи аломатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Жамоадаги барча аъзолар мақсадларининг бирлиги, яъни булар кадриятли йўналишлар бўлиб, жамоадаги шахсларни бирлаштиради. Раҳбарлик – бошқарув организиз жамоа бўлмайди, кимдир раҳбарлик вазифасини ўз зиммасига олиши, одамларни жипслаштириши, улар ўртасида топширикларни тақсимлаши лозим бўлади, акс холда ҳар қандай биргаликдаги фаолиятини оқилона ташкил этиш мумкин эмас.

3. Интизом, яъни мазкур жамоа учун қабул қилинган хулқ-атвор нормаларини бажариш. Одатда, бу ёзиб қўйилмаган ахлоқий нормалар фақат мазкур гурухнинг, жамоанинг ўзига таалукли бўлади.

Интизом жамоанинг ўз олдига қўйилган вазифани уddyалашида муайян тартиб бўлишини таъминлайди, умумий мақсадга эришишга тўскинлик килувчи тамойилларни барҳам топтиришга ёрдам беради.

Интизом шахсни мазкур жамоада қабул қилинган муайян хулқ-атвор андозасига олиб киради, нормал иш юритиши учун шарт-шароит яратади.

Персонални бошқариш соҳасидаги ўзаро боғлиқ ҳаракатлар занжирида ходимни ишга олишдан тортиб унинг ташкилотдан кетишига қадар менежерлар вақтининг 50-80% гурухлардаги фаолият турларига сарфланади. Ҳар қандай раҳбар ишининг самарадорлиги гурухлардаги ишнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва менежерлар гурухининг аъзоси сифатида тўғри ҳаракат қилиш ва ўзининг гурухдаги ишини бошқариш билан чамбарчас боғликдир. Кеинги йиллардаги тадқиқотлар гурухларда амал қиласидан ва иш кўрсатчиларига таъсир кўрсатадиган айрим кучларга аниқлик кириди.

Кишилар гурухларда доимий равища бир-бирлари билан боғлиқ равища яшайдилар:

- бир гурухнинг одамлари умумий нормаларга эга бўладилар ва умумий мақсадларни қўллайдилар;

- гурухлар бир хил вазифаларни бажармасликлари мумкин;

- шахслар кўпгина гурухларда иштирок этадилар.

Гурух – бу кишиларнинг ўзаро ҳаракати натижасида вужудга келадиган мажмуидир. Бу кишилар ўзаро ҳар кимнинг кескин хола-

тини камайтириб, ҳар кимга ўз мақсадларига эришиш имконини берадилар. Аммо булар корхонада муайян вазифаларни ҳал қилиш учун ташкил этиладиган расмий гурухларнинг ишида самарага эришиш учун етарли бўлмайди.

Ташкилотдаги гурухларга хизмат қиласдиган мақсадлар хилма-хил бўлиши мумкин: ишни тақсимлаш, бошқарувни амалга ошириш, муаммоларни ҳал қилиш ва қарорлар қабул қилиш; ишни назорат қилиш масъулиятини ошириш. Айрим гурухлар унчалик расмий бўлмаган вазифаларни бажариш учун ҳам вужудга келиши мумкин.

Гурухнинг самарадорлиги дейилганда гурухнинг умумий мақсадларини амалга ошириш даражаси тушунилади.

1. Маълумотларнинг биринчи қисми киши дикқатини гурух ишлатётган мухитга қаратади.

2. Вазифанинг тури гурухнинг талаб килинадиган ҳажми ва таркибини белгилаб беради.

3. Гурухнинг сони ютуқлар ва камчиликлар ўртасидаги «ўрта кўрсаткич»ни акс эттириш ифодасидир.

4. Бошқарувчи омиллар

9.5. Корхона ва ташкилотдаги мавжуд инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш стратегияси

Корхона ва ташкилотда мавжуд бўлган ҳам жисмоний, ҳам инсон ресурсларидан самарали фойдаланишга қуидаги йўллар билан эришилади:

- ташкилий тузилишни такомиллаштириш, бошқариш даражаларини камайтириш, бошқарувнинг ўрта бўгинини қисқартириш;
- қарорлар қабул қилиш жараёнини иложи борича куйи даражагача ихчамлаштириш;
- вазифаларнинг бир қисмини воситачилар, ҳом ашё етказиб берувчилар, маслаҳатчиларга топшириш;
- ҳар бир иш ўрнида меҳнатнинг сермазмун бўлишини ошириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида меҳнат жараёнларини автоматлаштириш; ишлаб чиқаришда ва ноишлаб чиқариш соҳасида иш кучини тежаш;
- юқори маъмурият ва корпорация тузилмаларида иш билан банд бўлган персонални бирмунча қисқартириш;

- ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, махоратини ошириш программаларини инвестициялаш ва ҳ.к.

Корпорация стратегиялари күпинча унинг ҳажмини «торайтириш»га мұлжалланади, бунга ҳаражатларни камайтириш ва самарадорликни ошириш мақсадида корпорацияның функционал бўлинмалари ни кисқартириш йўли билан эришилади. Бундай ёндашув энг кам иқтисодий самара берадиган иш операциялари ва бўлинмаларидан капитал сармояларни олиб қўйишни ҳам ўз ичига олади. Бошқа бир стратегик йўналиш барча бўғинларда сифатли бошқариш ва сифатли ишлаб чиқариш концепциясини ёки қўшилган киймат концепциясини жорий этишни кўзда тутади. Бошқариш соҳаси ходимларнинг яхши тайёргарлик кўришигина эмас, шу билан бирга ҳар бир функционал бўлинма, ҳар бир иш ўрни учун унумдорлик стандартларини ўрнатишини ҳам назарда тутади. Жаҳон рақобати ва истеъмолчиларнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжлари компаниялар тафаккурида ва биринчи навбатда, корпорация маданиятида ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бундан ташқари, ишчиларнинг талаб ва истаклари ўз муаммоларини ҳал қилишда янада фаолроқ иштирок этиш билан боғлиқ бўлиб, раҳбариятни компаниялар қандай ишлаши лозимлигини ўйлаб кўришга мажбур қилди. Жамоатчилик фикри корпорация хулқ-атвори ва корпорация унумдорлигига маълум даражада таъсир кўрсатди.

Айрим киши ва машинанинг ўзаро ҳамкорлигини ўрганадиган эргономикадан фарқли ўлароқ, иштирок этиш эргономикаси соционизим билан технотизимни корпорация даражасида бирлаштириш ва ўзаро таъсир кўрсатиш усулларини тадқиқ қиласди.

Персонални бошқариш вазифалари у ёки бу бошқарув жараёни доирасида одамларни бошқариш тадбирларидан фарқ қилиб, бошқаришнинг муайян функционал мустакил жараёнларидан иборатdir. Уларнинг мақсадли йўналиши ишлаб чиқариш ташкилоти умумий стратегиясининг таркибий қисми бўлган ижтимоий стратегия билан белгилаб берилган.

Персонални бошқариш тизимининг асосий вазифаларига қуидагилар киради:

- фирмага ўз мақсадларига эришишида ёрдам бериш;
- фирмани малакали ва манфаатдор ходимлар билан таъминлаш;
- персоналнинг маҳорат ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш;
- персоналнинг асослаши тизимларини такомиллаштириш;
- барча категориядаги персоналнинг меҳнатдан қониқиши даражасини ошириш;

- персоналнинг малакасини ва касбга доир маълумотини ошириш тизимини ривожлантириш ва юқори даражада сақлаш;
- қулай аҳлоқий вазиятни сақлаш;
- мартабани – хизмат соҳасида кўтаришни режалаштириш;
- персоналнинг ижодий фаоллиги, фирманинг инновация режаларини амалга оширишда ёрдам бериш;
- персоналнинг фаолиятига баҳо бериш ва бошқариш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасидаги персонални аттестациядан ўтказиш усулларини такомиллаштириш, бошқариш персоналининг барча ходимлар билан алоқасини ўрнатиш;
- турмушнинг юқори сифат даражасини таъминлаш; у мазкур фирмада ишлашни мароқли қилиш даражасини таъминлаш.

Персонални бошқариш хизматига доир вазифаларни оддий сабаб ўтишнинг ўзиёқ уларнинг анча мураккаблигини кўрсатади. Шу билан бирга улардан ҳар бирининг бажарилиши персоналга шахсий баҳо бериш зарурлиги билан боғлиқдир. Персоналнинг фаолиятига баҳо бериш ва аттестациядан ўтказиш каби вазифалар, хизмат соҳасида кўтарилиш масалалари кўпгина зиддиятли вазиятлар билан боғлиқ бўлиб, баязан уларни ҳал қилиш мумкин бўлмай қолади. Чунки улар кишиларнинг ҳиссий муҳитига кучли таъсир кўрсатади ва кўпинча субъективиравища идрок этилади.

Ўз навбатида ташкилот ва корхоналарнинг инновацион стратегияларини амалга ошириш билан боғлиқ янги вазифаларни ҳал қилиш тағин ҳам каттароқ муаммоларга бориб тақалади. Ана шу вазифани амалий равища ҳал қилиш иши ташкилий жиҳатдан туб ўзгаришлар қилишга олиб келади, мураккаб экспериментлар ўтказиши, персоналнинг фаолияти натижаларига баҳо беришда устувор йўналишларга ўзгартишлар киритишни тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси персонални бошқариш соҳасидаги мутахассислардан бутун ташкилотнинг самарали ишлаши учун оширилган масъулиятни ўз зиммасига олишни талаб килади. Шунингдек, уларнинг шахсий мартабага ва касб соҳасида обрў-эътиборга эришмоқ учун маълум даражада таваккалчиллик қилишларини ҳам тақозо этади. Шунинг учун ҳам персонални бошқариш хизматларида иш билан банд бўлган мутахассислар меҳнатига юқори ҳақ тўланади.

Персонални бошқариш муаммосининг миқёси ва аҳамияти анча каттадир: ишловчиларнинг умумий сонидан 90% дан кўпроғи ёлланма меҳнат соҳасида банддир. Шу билан бирга ҳар турли корхона ва ташкилотларнинг кўпчилиги учун хос нарса ташкилотнинг

умумий фаолияти натижаларига эришишда шахснинг ўз улушкини ўлчайдиган обьекти – мезоннинг йўқлигидир. Бу шу нарса билан боғлиқки, персонални бошқариш учун корхонанинг анча мураккаб ижтимоий тизимини вужудга келтиради, бу тизим мустақил ривожланиш ва ўз-ўзини ташкил этиш учун ноёб имкониятларга эга бўлади. Мазкур тизим ўз олдига муаяйн мақсадларни қўйиш ва танлашга, ўзининг хатти-харакатларини онгли равишда ўзгартиришга қодирдир. У бошқариш таъсирига ниҳоятда сезгиридир. Агар бундай таъсири кўрсатиш кўпоплик билан, яъни персоналнинг ўзига хос хусусиятлари ва истакларини хисобга олмасдан амалга оширилса, у ҳолда меҳнатнинг самарадорлиги бошқа ресурслар турларига нисбатан тез ва кескин пасайиб кетади. Айни вақтда аниқ қарорлар, тўғри танланган таъсири кўрсатиш усууллари амалга оширилган кўйилмаларга нисбатан кутилган натижаларни анча юкори даражада, шу билан бирга узок муддат мобайнида таъминлаши мумкин. Бу ҳолат бошқаришнинг самарали усуулларини ишлаб чиқиши, бунда турли касб кишиларининг куч-ғайратини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор беришни зарур қилиб қўяди. Персонални бошқаришни корхона доирасида инсон омилини фаоллаштириш соҳасидаги функционал, институционал ва амалий вазифалар йигиндисидан иборат деб қараш керак.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Стратегик бошқарув жараёни.....	5
1.1.Стратегик менежмент фанининг предмети, вазифалари.....	5
1.2.Фирма стратегиясини ишлаб чиқиши бўйича менежерларнинг вазифалари.....	10
1.2.1. Стратегик бошқарув структураси.....	10
1.2.2. Мухит таҳлили.....	11
1.2.3. Максадларни аниқлаш.....	17
1.2.4.Стратегияни танлаш, уни амалга ошириш, амалга оширишини баҳолаш ҳамда назорат қилиш.....	20
1.2.5. Стратегик менежментнинг беш вазифаси.....	24
1.2.6. Стратегик бошқариш жараёнининг таърифи.....	27
1.2.7. Стратегияни бошқарувчи ижрочилар.....	28
1.3. Компаниянинг вазифалари ва стратегик карапшларни белгилаш.....	29
II боб. Стратегия яратишнинг вазифалари.....	33
2.1. Фирма фаолияти йўналишларини белгилаш омиллари.....	33
2.2. Стратегияни ишлаб чиқиш услуби.....	34
2.3. Стратегияни яратишга бўлган турли хил ёндашувлар.....	41
III боб. Тармоқдаги умумий вазият ва ундаги рақобатнинг таҳлили.....	43
3.1. Тармоқлар ва уларнинг иқтисодий тавсифлари.....	43
3.2. Тармоқдаги рақобат ва ривожланиш истиқболлари.....	46
3.2.1. Тармоқдаги рақобат кучлари ва уларнинг таъсир даражаси.....	46
3.2.2. Рақобат кучлари таркибида ўзгариш ясовчи омиллар.....	51
3.2.3.Компания рақобат мавқеининг кучли ва зайф жиҳатлари.....	52
3.2.4. Рақобат курашида муваффақият ва муваффақиятсизлик омиллари.....	54
3.3. Тармоқдаги рақобат ва рақобат стратегиясининг турлари....	58
3.3.1. Рақобатнинг бешта умумий стратегияси.....	58
3.3.2. Рақобат устунлигини сақлаб қолиш учун ҳужумкорлик стратегиясидан фойдаланиши.....	59
3.3.3. Вертикал интеграция стратегияси ва рақобат устунлиги....	62
3.3.4. Бошловчиликнинг устунликлари ва камчиликлари.....	62

IV боб. Компаниянинг ҳолатини таҳлил қилиш.....	64
4.1. Компаниянинг стратегик мавқенини баҳолаш услуби.....	64
4.2. Амалдаги стратегия даражаларининг самарадорлиги.....	69
4.3. Компаниянинг кучли ва заиф томонлари.....	71
V боб. Стартегияни амалга ошириш воситалари.....	75
5.1. Стартегияни амалга оширишнинг ҳал қилувчи вазифалари...	75
5.2. Стратегик жиҳатдан самарали компания ташкил қилишни таъминлашга оид амалий тавсияномалар.....	76
5.3. Стратегияни амалга оширишнинг самарадорлигини таъминловчи корпоратив маданият.....	77
5.4. Компания раҳбариятининг стратегик соҳадаги саъй-харакатлари асослари.....	79
5.5. Стратегияни амалга оширишда назоратнинг ўрни.....	80
VI боб. Маркетингни стратегик режалаштириш.....	88
6.1. Стратегик режалаштириш.....	88
6.2. Фирма стратегиясини мавжуд шароитга мослаштириш.....	90
VII боб. Корпоратив бошқарув стратегияси.....	98
7.1. Корпоратив бошқарувнинг моҳияти ва унинг ўзига хос жиҳатлари.....	99
7.2. Диверсификациялашган стратегия турлари.....	103
7.2.1. Янги тармоқларга кириш стратегиялари.....	108
7.2.2. Турдош тармоқларга диверсиялаш стратегияси.....	109
7.2.3. Қисқартириш ва тугатиш стратегияси.....	111
7.2.4. Қайта таркиблаштириш стратегияси.....	111
7.2.5. Кўпмиллатли диверсиялаш стратегияси.....	112
VIII боб. Ишлаб чиқаришни бошқаришда стратегиянинг моҳияти ва ўрни.....	113
8.1. Фирмада стратегик бошқариш.....	115
8.2. Бизнеснинг стратегик турлари.....	118
8.3. Фирма стратегиясини ишлаб чиқиш, стратегияни аниқлаш босқичлари.....	119
8.4. Стартегиянинг бажарилиши.....	124

IX боб. Корхона ва ташкилотлардаги инсон	
омилининг таъсирини бошқариш ва	
такомиллаштириш стратегияси.....	127
9.1. Персонални бошқариш стратегиясининг тамойиллари.....	127
9.2. Шахснинг руҳий чизмаси.....	135
9.3. Корхонадаги хизмат мартабасини бошқариш стратегияси....	137
9.4. Корхона ва ташкилотларда персонал ҳулқ-атворини бошқариш стратегияси.....	140
9.5. Корхона ва ташкилотдаги мавжуд инсон ресурс- ларидан самарали фойдаланиш стратегияси.....	144

**Н.Юлдашев, Д.Собиржонова,
Ш.Тұлаганова**

СТРАТЕГИК МЕНЕЖМЕНТ

Үқув құлланма

Мұхаррір
Компьютерда саҳифаловчи

Ш.Худойбердиева
Н.Ахметова

Босишига рухсат этилди 17.03.2008. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.

Ҳисоб-нашр табоги 9.5 б.т. Адади 100. Буюртма №58.

“IQTISOD-MOLIYA” нашриёти,
100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй

‘ошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида чоп
этилди.

100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй

